

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти

**Ахборот-кутубхона хизмати:  
Назарияси ва методикаси  
Дарслик**

Тошкент- 2007

Муаллифлар: Махмудов Мирали Хайдарович, педагогика  
фанлари номзоди, доцент.

Шокиров Тохир Шокирович, катта ўқитувчи.

Ниёзова Элвира Нусратуллаевна, катта  
ўқитувчи

Тақризчилар: Шамсиев Ш.М. педагогика фанлари номзоди, доцент

Расулов М.М. педагогика фанлари номзоди, доцент

Дарслик А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти Илмий  
Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган  
“ ” 2007 й. сонли мажлис баёни

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўртамахсус таълим вазирлигининг  
мувофиқлаштирувчи кенгашнинг \_\_\_\_\_  
қайдномаси билан нашр этишга тавсия этилган.

Дарслик кутубхона – ахборот фаолиятида ахборот-кутубхона хизмати, ўқиш  
психологияси ва кутубхона- ахборот ташкилотларида ўтказиладиган оммавий  
тадбирлар сценарияси асосларининг назарий ва методикаси масалаларини  
ёритишга қаратилган. Дарсликнинг асосий мақсади талабаларда ахборот-  
кутубхона хизмати тизими, усууллари, шакллари ҳамда ўқиш психологияси  
ҳамда оммави тадбирлар сценариясининг назарий ва амалиёти хақида билим  
ва кўникмалар ҳосил қилишдир.

## Мундарижа

### Кириш

1-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг мақсади, мазмуни ва асосий вазифалари.

- 1.1. Ахборот-кутубхона хизматини инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланишига кўрсатадиган таъсири.
- 1.2. Ахборот-кутубхона хизматини истеъмолчиларни илмий ва умуммаданий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни.
- 1.3. Ахборот-кутубхона хизматини умумтаълим ва касбий маҳоратни такомиллаштиришдаги ўрни.
- 1.4. Ахборот-кутубхона хизматини истеъмолчиларни ахлоқий, меҳнат, хуқуқий, эстетик руҳда тарбиялашдаги харакатлари.

2-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш тарихи, назарияси ва усуллари.

- 2.1. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг мақсади ва вазифалари.
- 2.2. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш тарихи ва назариясини тараққиёти.
- 2.3. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш усуллари.

3-боб. Ахборот-кутубхона хизмати тизими.

- 3.1. Ахборот-кутубхона хизмати тизимининг мазмуни ва шакллари.
- 3.2. Ўқув зали ва абонементда хизмат кўрсатиш усуллари.
- 3.3. Кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари.
- 3.4. Кутубхоналараро ва халқаро абонемент: хозирги холати, муаммолари ва ривожлантириш йўллари.

4-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатишнинг шакл ва усуллари.

- 4.1. Истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатишнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

4.2. Якка тартибда хизмат кўрсатиш усуллари.

5-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчиларга оммавий хизмат кўрсатишнинг шакл ва усуллари.

5.1. Оммавий хизмат кўрсатишнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

5.2. Оммавий хизмат кўрсатишнинг шакл ва усуллари.

6-боб. Ахборот-кутубхона хизматида этика, мухит ва самарадорлик.

6.1. Ахборот-кутубхона хизматида этика ва мулоқат.

6.2. Ахборот-кутубхона хизматида мухит.

6.3. Ахборот-кутубхона хизмати самарадорлиги.

7-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчилар ва ўқиш психологияси: назарияси ва усуллари.

7.1. Ахборот-кутубхона фаолияти истеъмолчилари: назарий аспекти.

7.2. Истеъмолчиларни ўқишига бўлган эҳтиёжлари ва мотивлари.

8-боб. Китоб ўқиш ва уни ўзлаштириш психологияси.

8.1. Алохида турдаги адабиётларни ўқиш ва ўзлаштириш психологияси.

8.2. Бадиий адабиётларни ўқиш ва уларни ўзлаштириш психологияси.

9-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда бадиий-оммавий ишлар сценарияларини тузиш услуби.

9.1. Бадиий-оммавий ишлар сценариясини тузиш услублари.

9.2. Сценарияда кўргазмали материаллардан, театрлаштириш усулларидан ва техника воситаларидан фойдаланиш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## Кириш

Ахборот-кутубхона хизмати ҳар қандай кутубхона, ахборот- ресурс маркази (АРМ) ва ахборот-кутубхона маркази (АКМ)лари фаолиятининг асосий қисми хисобланиб, бу ишлар қай даражада йўлга қўйилганлиги, сифати ушбу муассасаларнинг жамиятда тутган ўрнини белгилашга асос бўлади. Кутубхона ва ахборот муассасаларининг бошқа фаолиятлари ҳам асосан ахборот-кутубхона хизматини амалга ошириш учун шарт- шароит сифатида хизмат қиласди.

Кутубхона- ахборот муассасалари учун кадрлар тайёрлаш ишларида ҳам ахборот- кутубхона хизматининг назарий ва амалий масалалари етакчи масалалардан хисобланиб, бунга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу дарслик кутубхона – ахборот фаолиятида ахборот-кутубхона хизматининг назарий ваметодик масаларини ёритишга қаратилган. Шу билан бирга хозирда алоҳида предмет сифатида ўрганилаётган ўқиш психологияси ва кутубхона- ахборот ташкилотларида ўтказиладиган оммавий тадбирлар сценарияси асослари курсларининг назарий ва амалий масалалари ҳам қайд этилган.

Дарсликнинг асосий мақсади талабаларда ахборот-кутубхона хизмати тизими, усуллари, шакллари ҳамда ўқиш психологияси ҳамда оммавий тадбирлар сценариясининг назарий ва амалиёти ҳақида билим ва кўникмалар ҳосил қилишдир.

Дарслик кириш, 9 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлардан иборат.

1-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг мақсади, мазмuni ва асосий вазифалари деб номланади ва унда, ахборот-кутубхона хизматининг истеъмолчиларни хар томонлама ривожланишига, илмий ва умуммаданий дунёқарашини шаклланишига, умумтаълим, касбий, ахлоқий, меҳнат, хукукий, эстетик холатларига таъсир кўрсатиши ёритилган.

2-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш тарихи, назарияси ва усулларини ёритишга қаратилган.

3-боб. Ахборот-кутубхона хизмати тизими деб номланади ва унда аахборот-кутубхона хизмати тизимини мазмуни ва шакллари, ўкув зали ва абонемент хизмати кўрсатиш усуллари баён қилинган.

4-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатишнинг шакл ва усулларига бағишлиланади.

5-бобда Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчиларга оммавий хизмат кўрсатишнинг шакл ва усуллари тўхталиб ўтилган.

6-боб Ахборот-кутубхона хизматида этика, муҳит ва самарадорлик масалаларига бағишлиланган.

7-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчилар ва ўқиш психологияси: назарияси ва усуллари деб номланиб унда истеъмолчиларни ўқишга бўлган эҳтиёжлари ва мотивлари баён этилган.

8-боб. Китоб ўқиш ва уни ўзлаштириш психологияси деб номланиб, унда алоҳида турдаги адабиётларни, бадиий адабиётларни ўқиш ва ўзлаштириш масалалари баён этилган.

9-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишида бадиий-оммавий ишлар сценарияларини тузиш услуби деб номланиб, унда ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишида сценария тузиш, кўргазмали материаллардан ватехника воситаларидан фойдаланиш ҳақида сўз юритилади.

1-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишининг мақсади, мазмуни ва асосий вазифалари.

- 1.1. Ахборот-кутубхона хизматини инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланишига кўрсатадиган таъсири.
- 1.2. Ахборот-кутубхона хизматини истеъмолчиларни илмий ва умуммаданий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни.
- 1.3. Ахборот-кутубхона хизматини умумтаълим ва касбий махоратни такомиллаштиришдаги ўрни.
- 1.4. Ахборот-кутубхона хизматини истеъмолчиларни ахлоқий, меҳнат, хукуқий, эстетик руҳда тарбиялашдаги харакатлари.

#### 1.1. Ахборот-кутубхона хизматини инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланишига кўрсатадиган таъсири.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишининг мақсади ва мазмунини аниқлаш- кутубхонашунослик фанидаги энг муҳим муаммолардан бири хисобланади. Мақсад сари интилиш ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиши жараёнининг харакатга келтирувчи омили бўлиб, у бошқа таркибий компонентларни (воситалар, усуллар, шакллар ва уларни жорий этиш даражаларини) бир-бирига боғлади, кутубхоналар, АРМ ва АКМ лар фаолиятининг аниқ мақсади ва йўналишини ҳамда йўллари ва характеристини белгилайди.

Ахборот-кутубхона хизматининг мақсади жамият мақсадларига боғлиқдир. Агар жамиятни аниқ мақсад ва йўналишларида ноаниқликлар бўлса, хеч бир кутубхона, АРМ, АКМлар ўз мақсадлари ва йўналишларини аниқ белгилай олмайдилар. Жамият қандай мақсадлар сари илгари бораётганлигини аниқ билган тақдирда, ахборот- кутубхона хизматида ҳам мақсад ва йўналишлар белгиланади.

Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатишининг ўзига хос мақсади ва вазифалари истеъмолчилар эътиборини қозонишга имконият яратди. Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишининг

вазифалари қанчалик мақсадга мувофиқ, тўғри шакллантирилса хизмат кўрсатиш даражаси камол топиб кутубхоналарнинг тараққиёти учун асосий омил бўлади.

Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг мақсади ва вазифаларини мақсадга мувофиқ қўллаш, ҳар бир кутубхоначининг бурчи ҳисобланади. Кутубхоначи томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг вазифалари тўғри танланиши ва унга амал қилиш, шунингдек бу ишга ижодий ёндошиш етакчи аҳамият касб этади.

Кутубхоначилар истеъмолчиларни ҳар томонлама баркомол инсон бўлиб ривожланишларига ёрдам кўрсатиш мақсадида адабиётлар тарғиботини йўлга қўядилар. Уларни қизиқиши қондириши ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблашлари керак. Бунинг учун ҳар бир китобхонни ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиб баркамолликка асос бўлишига ҳисса қўшадиган энг зарур адабиётларни тавсия этиш йўлларини белгилайдилар.

.Кутубхоначилар ўз олдига қўйган вазифаларни яхши тасаввур этиб, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаларига ўзларининг кундалик фаолиятларида қатъий амал қилишлари шарт. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш вазифалари Республикализнинг бугунги ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, маданий- маърифий хаёти талабаларидан келиб чиқади. Ҳозирги кунда кутубхоналар, АРМ, АҚМларнинг асосий вазифаси ҳар томонлама етук, давр талабига жавоб берадиган ақлий ва жисмоний ривожланган шахсни шакллантиришдир.

Ақлий камолот юксак илмийликни, маданиятлиликни ва нафосатни ўзида ифодаласа, жисмоний камолот китобхонни ҳар томонлама жисмоний соғлигини ифодалайди. Ақлий ва жисмоний камолотни китобхонда уйғунлашуви баркамоллик нишонасидир. Китобхонни ҳар томонлама камол топиши уни маънавий жиҳатдан ҳам тараққий этишига таъсир кўрсатади. Уни замонавий билим эгаси бўлишига, маърифатлий, маданиятли шахс бўлишига олиб келади.

Шахсни ҳар томонлама камолотини чегараси йўқ, унга бўлган талаба янги туғилган орзулар сингари кўпайиб бораверади. Шахсни ҳар томонлама камолоти китобхонни барча фан соҳаларини тўлиқ ўзлаштириши шарт деган ғояни қўймайди Бетакрор интилишда истеъмолчининг касб-кори, мутахассислиги асосий омил бўлиб ҳизмат қилмоғи зарур. Шахсни ҳар томонлама камолотига кутубхона ҳамкорлик қиласи ва таъсир кўрсатади, аммо китобхонга тазиик ўтказмасдан китобхонни ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда адабиётни эркин танлаш ва баҳолашга имкон яратиши керак.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама тараққий этириш, кутубхона, АРМ, АҚМларнинг барча ахборот-кутубхона хизмати ишларини ташкил этишининг метадологик асоси бўлиб ҳизмат қиласи.. Кутубхона, АРМ, АҚМлари истеъмолчиларнини янги қизиқишиларини шаклланишига, қизиқишини чукурлашига ва тараққий этишига яқиндан кўмаклашадилар. Истеъмолчиларни ўқиш доирасини кенгайишига маълум миқдорда таъсир кўрсатадилар. Ушбу ишларни

натижалари истеъмолчиларни китоб танлашида, фикрлашини ривожланишида, қизиқишини шаклланишида намоён бўлади.

## 1.2. Ахборот-кутубхона хизматини истеъмолчиларни илмий ва умуммаданий дунёқарашини шакллантиришдаги ўрни.

Истеъмолчини умуммаданий дунёқарашини тараққиёти алоҳида аҳамиятга эга. Истеъмолчи жамиятда ўзи яшаб турган мухитда бўлаётган барча воқеа -ҳодисаларни фикрлай олиши шарт. Ҳар бир шахсни ўзига хос дунёқараши мавжуд. Кутубхона ходимлари буни яхши хис қилган тақдирдагина истеъмолчиларни дунё қарашини камолотига таъсир кўрсатади.

Дунёқараш- инсонни умумлашган, тартибга келтирилган жамият, шахсни билиши ва тараққиётни дунёда тутган ўрнига қарашини тафаккурлаш. Дунёқараш инсонда босқичма-босқич аста-секинлик билан шаклланадиган хусусият, шахс ўзини шахсий тажрибасига, фикрлашига хаётни, маданиятни, билим соҳаларини ўзлаштиришда мустақил фикрлашга эга бўлишидир.

Кутубхоналар ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш орқали китобхонларнинг дунёқарашини такомиллаштириши, уларни хаётни тўғри тасаввур этишга, сиёсатда, фан-техникада, бадиий ижодиётда, барча амалий фаолиятда ишончли йўл кўрсатувчи, маслаҳат берувчилик вазифасини бажариши керак. Инсонни дунёқарашини шаклланишида турли билим соҳаларини ўзлаштирганлик алоҳида аҳамиятга эга.

Турли билим соҳаларидан хабардор бўлиши китобхонни табиатга ва атроф – мухитга, ўзи яшаётган жамиятга одамларга ва бошқаларга ижобий муносабатни шакллантиради.

Ҳозирда планетамизда экология масаласи мухим масалалар қаторидан жой олди. Экология масаласи тобора инсон дунёқарашини шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Инсон ва табиат масаласи абадий мунозарага сабаб бўладиган масалага айланган.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш жараёнида кутубхоналар фаолияти уларда шундай экологик тасаввурни шакллантириши керакки, инсон табиатдан устун деган ғоядан уларни аста-секин қайтармоқ керак. Табиатга алоҳида муносабатда бўлиш руҳида ва уни қўриқлаш ва асраш зарурлиги ҳақида фикр шакллансин. Бунинг учун табиатшуносликка оид адабиётлар тарғиботини ривожлантириш зарур.

Буни ўз навбатида техникадан ажратилган ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Кутубхоналар техника тараққиётини сўнгги ютуқларини ҳам тарғиб қиладилар. Жамиятга илмий техника тараққиёти ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Дунёқараши шаклланишида шундай қийин масалалар борки, бунга инсонни илмий ва диний дунёқарашини айта оламиз. Энди жамиятни ўзгариши динга эскича қараш имконини бермайди. Ҳозирги кунда

диндорларга ўтмишдагидан бошқачароқ әхтиёткорлик ва шахсий ҳурматини жойига қўйган ҳолда ҳизмат кўрсатишни талаб қиласди. Дунёқарашни шаклланишига фақатгина билим олиш эмас, аксинча билимларни ишончга айланиб бориши таъсир кўрсатади. Бу йўл мураккаб, узоқ вақт ва катта қуч талаб қиласди.

Истеъмолчиларни умуммаданий дунёқарашини шакллантиришда кутубхоналар ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Ахборот-кутубхона хизмати истеъмолчига фанда, маданий хаётда мақсадга мувофиқ бўлган янги йўлларни топиш имкониятини яратсин. Китобхонга хизмат кўрсатишнинг мазмuni маданият тизимида акс этиб, инсонни ўрганадиган фан билимлари яъни фалсафа, тарих, психология, иқтисод назарияси, сиёsat, жаҳон ва мамлакатимиз маданиятини, хукуқни ва бошқа мавзулардаги адабиётларни қамраб олган бўлиши керак. Айниқса фалсафа ва иқтисод назариясига алоҳида эътибор бериши керак. Бу фанларда акс этган гоялар илмий дунёқарашни устуни ҳисобланади. Бу адабиётларни таркиби истеъмолчининг фаолияти ва қизиқишига боғлиқ ҳолда ташкил этилади.

Бизни ўраб турган дунёни хилма-хиллиги инсонни бу дунёга муносабати асосий гояни аниқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Истеъмолчилар билан ишлашда сиёсий гоялар тарғиботи билан фалсафий гоялар тарғиботи асосий омиллардан бири саналади. Фалсафага оид адабиётлар илмий дунёқарашни шаклланишига хисса қўшса, сиёсий адабиётлар жамият ва уни йўналиши ҳақида тасаввурларни шакллантиради. Натижада ҳар бир истеъмолчида сиёсий маданият юзага келади. Бу ўз навбатида илмий дунёқарашни шакллантиришда кутубхоналар олдига қўйилган асосий вазифага айланади.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг муҳим жиҳатларидан яна бири истеъмолчида демократия тушунчасини шакллантириш, хукуқ соҳасидан тўлиқ хабардор қилишdir. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ишларини жамиятни иқтисодий ва маданий –маърифий қурилишидан ажратиб бўлмайди. Шу сабабли истеъмолчини янгича, бозор иқтисодиёти бўйича фикрлашига кўмаклашиш зарур. Яъни истеъмолчи иқтисодий ўзгаришларни туб моҳиятини англаб етиш даражасига эришсин ва тасаввур этсин.

### 1.3. Ахборот-кутубхона хизматини умумтаълим ва касбий маҳоратни такомиллаштиришдаги ўрни.

Ҳозирги кунда жамиятни ҳар бир аъзосини ҳар томонлама камол топишини шакллантириш, унинг умумтаълим ва мустақил билим олишга бўлган талабини тараққий этиришдан келиб чиқади. Таълимда - умуминсоният тарихида тўпланган илмий ахборотлар, жамият фаолиятининг барча турлари ўз аксини топади. Инсонни ҳаётий фаолияти, ўқиш ва ишлаш асосида шаклланади. Бу жараён унинг бутун ҳаёти давомида, касби, мутахассислиги билан боғланган ҳолда мавжуд бўлади. Билим олиш

уни доимо тўлдириб, янгилаб боришни таққозо қиласди. Бунинг учун янги ахборотдан фойдаланиш, мақсадга мувофиқ маълумотни ўзлашириб, амалиётда қўлламоқ зарур.

Кутубхона, АРМ, АҚМларини ахборот-кутубхона хизматидаги асосий вазифаларидан яна бири мамлакатда амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ишларига ўз хиссаларини қўшишдир. Бунда истеъмолчиларни фақат мутахассисликлари бўйича эмас, балки умумтаълим билим олишларига ҳам катта эътибор бериш ҳам зарур. Мақсад атрофимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий воқеа ва ходисаларни тўғри англаш ва баҳолаш бўйича маълум билим доирасига эга бўлишлари, умумий ва маҳсус билим ўртасида ўзаро боғланиш мавжудлигини англашишдир.

Умумтаълим инсонга кенг маълумот беради. Инсон умумтаълимсиз зарур билимга эга бўлмайди, яхши мутахассис бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида кутубхоналар китобхонлар талабини мунтаззам асосда ўрганмоғи, адабиётларни кетма-кетлигига асосланган ҳолда тарғибот ишларини амалга оширмоғи зарур. Бунда китобхонни қизиқтирган соҳа тарихига оид адабиётлардан ахборот бериш мақсадга мувофиқдир. Истеъмолчининг умумтаълим билимларини ривожланишига кўмаклашишда фақат уни қизиқтирган фанга эмас, аксинча қайси масалага доир адабиётлар тавсиясини ташкил этишни аниқлаш зарур.

Кутубхона, АРМ, АҚМларидан китобхонни ўқишини шундай ташкил этиш керакки, масалан, гуманитар фанларни ўқувчи китобхон аста-секин табиат ва техника фанларини боғлиқлигини ҳис қилиб уларга мурожаат этсин ёки аксинча. Билим олишни бундай уйғунлигини шакллантириш умумтаълимни такомиллаштиришда муҳим ахамият касб этади. Бунда оддийдан мураккабга яъни босқичма-босқич ривожлантириш асос бўлади.

Бугунги кунда фан-техника тараққиёти турли касби ва мутахассисликларга оид билимлар мазмунини тез суръатда ўзгартириб юбормоқда. Бир неча йиллар олдин маълум бир мутахассислик бўйича олинган билимлар эскириб қолмоқда. Давр доимо ҳар бир инсондан ўз соҳаси бўйича янги билимлардан хабардор бўлишни талаб қилмоқда. Шунга кўра кутубхона, АРМ, АҚМлари фаолиятида, шу жумладан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда истеъмолчиларни касбий маҳоратларини оширишга кўмаклашиш ишларини амалга ошириш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

Касбга оид ўқишига кутубхоналарни кўмаклашуви фан-техника тараққиётини сўнгги ютуқлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарғиботини илгари суради. Китобхонни касбини яхши ўзлашириши учун, ёшларга касб-хунар, мутахассисликлар бўйича ахборот бериш, касбга йўналтириш ишлари шу куннинг долзарб вазифасидир.

Кутубхона, АРМ, АҚМлари ёш китобхонларни барча фаолиятларида, шу жумладан, касбга йўналтириш ишларида ҳам китобхонларни ўзига хослигига асосланиб кўмаклашадилар. Турли касблардан хабардор қилиб

қолмасдан уларга нисбатан китобхонларни қизиқиши шакллантиришлари зарур.

#### 1.4. Ахборот-кутубхона хизматини истеъмолчиларни ахлоқий, меҳнат, хуқуқий, эстетик руҳда тарбиялашдаги харакатлари.

Шахсни хар томонлама камол топиши унинг маънавий камолотга бориб тақалади. Инсонни турли соҳалардан: техника, сиёsat, табиатшунослик, санъат ва бошқа соҳалардан маълум бир билимларга эга бўлиши уни маънавий тараққий этишига асос бўлади. Инсонни ҳар томонлама камол топиши бу -китоб ўқиши жараёнида ахборотни ўзлаштириши асосида шаклланади. Инсонни турли соҳаларни эгаллаганлиги, бир сўз билан айтганда маълумотли бўлиши, жамият талабларига тўлиқ жавоб беради дегани эмас. Инсон қанчалик билимдон бўлмасин унда юксак ахлоқ, эстетик дид, меҳнатсеварлик, инсонийлик, меҳрибонлик ва бошқа ҳусусиятлар бўлмаса, у баркамол инсон бўла олмайди.

Билим ёки ахборот бериш билан ҳамда бевосита кутубхоначини китобхон билан ўзаро муносабати асосида истеъмолчида бирданига ижобий фикрлашни шакллантириб бўлмайди. Чунки, у шахс даврлар жараёнида мустақил шаклланиб боради, тайёрини қабул қилмайди шу сабабли ақлий камолотни шакллантириш оғир, мураккаб ўтадиган жараёнлардан биридир.

Ҳозирда кутубхоналарнинг асосий вазифаларидан яна бири истеъмолчиларга, инсонни ўзаро муносабатлари умуминсонийлик туйғулари ўзаро ёрдам, тўғрилик, ҳалоллик, камтарлик, меҳрибонлини тарғиб этувчи адабиётлар тарғиботини амалга оширишдир.

Кутубхоналарни ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш фаолиятлари, инсонларни онгидаги ахлоқий тарбиясига оид фаолиятининг салбий томонларини тугатишга қаратилган бўлмаса, у самарасиз бефойда тадбирдир. Унга қатор жараён ва холатларни мисол қилиб келтириш мумкин: қонунларга, жамоат ишига бефарқлик, меҳнатни аҳамиятини камситиш, ичкилиkbозлиқ, тартиббузарлик, қаттиққўллик ва бошқ. Бундай салбий қарашларга қарши курашишнинг турли омиллари мавжуд.

Ахлоқий маданият ҳам шахснинг меҳнат тарзи билан боғлиқ. Меҳнатта тўғри муносабатда бўлиш ҳам инсон фаолиятини асосий мезони бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда меҳнатга бўлган муносабатни шакллантириш кутубхоналар фаолиятининг ўзига хос ҳусусиятларидан бири.

Юксак касб эгаси бўлиш шахсни юксак маданиятидан дарак бермайди. Шу сабабли меҳнатни улуғлайдиган унинг самарасини акс эттирадиган, меҳнат баҳт-шодлик қалити эканлигини англатадиган манбаларни тавсия этиш орқали кутубхоналар бу ишларга ўз хиссаларини қўшадилар.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичини ўзига ҳос ҳусусияти ҳар бир шахсда жавобгарлик хиссини таркиб топтириш, жамиятни хуқуқий маданиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқ.

Хуқуқий маданиятда ҳар бир китобхон тўқнаш келадиган аниқ белгиланган ҳуқукларни тарғибот этиш муҳим ўрин эгаллайди. Хуқуқий билимлар тарғиботида истеъмолчилар билан қарама-қаршиликлар чиқиб туради. Бунга сабаб ҳуқуқий маданиятни заиф шаклланганлиги, ҳуқуқий маълумотни ва ахборони ҳар бир истеъмолчига етиб бормаслигидир.

Истеъмолчиларни эстетик руҳда камол топишида матбуот асарлари алоҳида ахамиятга эга. Истеъмолчилар бу соҳага оид адабиётларни ўқиши асосида ўзларини маънавий баркамоллигини ривожланишига ҳисса қўшадилар.

Истеъмолчиларни эстетик руҳида тарбиялаш мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Бунда кутубхоналарнинг асосий вазифаси ҳозирги ва ўтмишдаги энг яхши бадиий асарларни, ватанимиз ва чет эл санъат асарларини, санъатшунослик, адабиётшунослик ва бошқа адабиётларни тарғибот этишдир. Бу ишлар орқали улар китобхонни эстетик йўналишга ҳисса қўшадилар.

Китобхон ўз қарashi, баҳолаш ва гўзалликни хис қила олиш ҳусусиятига эга бўлмоғи керак. Яъни адабиётни, санъатни, театрни, мусиқани, кино ва бошқа санъат турларини чуқур эгалламасдан, улар тараққиётини билмасдан туриб унга эришиб бўлмайди. Фақат эстетикага оид билим билан ҳам чегараланиб бўлмайди. Юксак бадиийликка эга бўлиш санъат, бадиий асарларни ўз дидағ қараб баҳолай олиш маҳоратини шакллантиради. Эстетик дид баҳолай олиш ҳусусиятига эга. Инсонда қанчалик катта билим соҳаси бўлса шу даражада тўғри баҳолай олиш қобилятига эга бўлади.

Истеъмолчиларни эстетик руҳда тарбиялаш ва уларда юксак бадиий дидни шакллантиришда кутубхоналар четда туролмайди. Эстетик камолотни шакллантиришда, кутубхоналар, санъатни турли соҳалари: мусиқа, бадиий адабиётлар, кино, театр санъати, рассомчилик ва бошқаларга оид турли адабиётларни кенг қамровли тарғиботини амалга оширишлари натижасида, ушбу соҳага оид адабиётларни ўқишига ижобий таъсир кўрсатади. Турли санъат соҳаларига шу жумладан маданий ва аҳлоқий соҳаларга оид асрларини ўқишигина, истеъмолчини юксак эстетик руҳда тарбиялашга ҳисса қўшади.

2-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш тарихи, назарияси ва усувлари.

- 2.1. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг мақсади ва вазифалари.
- 2.2. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш тарихи ва назариясини тараққиёти.
- 2.3. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш усувлари.

## 2.1. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг мақсади ва вазифалари.

Истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш ахборот- кутубхона хизматини амалга оширишда мухим аҳамияти эга бўлиб, китобхонни ахборот ва адабиётларга бўлган талабарини аниқлашда асосий манба бўлиб хизмат қиласди. Истеъмолчилар талабини ўрганмасдан туриб, улар учун зарур бўлган ижтимоий, иқтисодий, касб-корига оид ҳамда бадиий- фалсафий адабиётлар туркумини илмий жихатдан аниқ белгилаш қийин иш.

Нашрдан чиқсан ҳар бир адабиёт ёки турли ахборотлар истеъмолчилар талабига тўлиқ жавоб беролмайди. Истеъмолчилар ахборотлар ва чоп этилган адабиётлар ичида ўзларига зарурини излайди. Ана шундай ахборот ва адабиётларни билиш ва улар билан ўз фондларини тўлдириб бориш кутубхоначилар олдида турган мухим вазифалардан биридир.

Шу билан бирга, шоирлари ва ёзувчилар, олимлар ва давлат арбоблари, доимо истеъмолчилар билан узвий алоқада бўлиш, ўз асарлари ҳақида уларни фикрини билишга ҳаракат қиласдилар. Шунингдек, истеъмолчилар қизиқишиларини билишга бир қанча ташкилот ва муассасалар ҳам доимо ҳаракат қиласдилар. Булар жумласига ёзувчилар уюшмаси, нашриётлар, таҳририятлар, китоб савдоси муассасалари, матбуот, радио ва телевидение ва бошқалар киради. Албатта бу муассаса ва ташкилотларни истеъмолчиларни ахборот ва адабиётга бўлган қизиқишилари ўзлари бажарадиган вазифаларига кўра бўлади.

Китобхонлар қизиқишини ўрганиш соҳаси келгусида мустақил тармоқ бўлиши табиий. Чунки бу соҳа билан тарбиячилар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, социологлар, психологлар ва ахборот берувчи барча соҳа мутахассислари қизиқаётганлиги бунга далилдир.

Кейинги йилларда ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики ахборот-китобхон хизмати кўрсатишни назарий ва амалий тараққиёти китобхонлар талабини ўрганиш билан чамбарчас боғланган. Шуни эътиборга олиб барча кутубхоналар китобхонлар талабини синчиклаб ўрганишини кенг кўламда ташкил этишлари зарур.

Китобхонлар талабини ўрганишнинг мақсади уларни илмий ва умуммаданий дунёқарашини шакллантириш, умумтаълим ва касбий маҳоратини такомиллаштириш, истеъмолчиларни ўз-ўзини ахлоқий, меҳнат, хуқуқий, эстетик тарбиялаш учун зарур ахборотлар ва асарларни танлаш ва улардан маънавий камолотларини шакллантириш йўлида фойдаланишларида яқиндан ёрдам беришдир.

Кутубхоначи зарур ахборот ва китобни танлашда китобхонга энг яқин ёрдамчи, маслаҳатчидир. Демак, кутубхоначининг, айниқса хизмат кўрсатиш бўлими ходимларини фаолияти, китобхонларга керакли ахборот ва асарларни тавсия этишда энг фаол ташкилотчи сифатида мухим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳар бир кутубхоначи китобхонларга керакли ахборот ва асарларни танлаш ва улардан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, маънавий эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилиши керак. Буни амалга ошириш учун эса кутубхоначи китобхонларнинг ижтимоий, ишлаб чиқаришдаги ўрнини, савиясини, уларнинг маънавий талабларини, касби, билимга қизиқиш даражасини, эстетик диди ва қатор бошқа омилларни мукаммал ўрганиши зарур. Бу мураккаб жараённи ташкил этишга эса китобхонлар қизиқишини мунтазам ўрганиб боришни йўлга қўйиш орқали эришилади.

Китобхонлар қизиқиши шароитга қараб шахсий, бирор гурухни ёки жамиятни қизиқиши бўлиши мумкин. Улар мантиқий ўзаро боғланган. Жамият қизиқишидан гурух қизиқиши орқали шахс қизиқиши аниқланади. Шахслар қизиқиш, гуруҳлар қизиқишнинг, улар ўз навбатида жамият қизиқишини шакллантиришини кутубхоначи хисобга олиши керак.

Гурухнинг қизиқиши заминида гурухнинг ўқишига бўлган талаби ётади. Масалан; бирор олий ўқув юрти факультети талабалари гурухининг ахборотга бўлган талаби шу гурухнинг барчаси учун мутахассислигига оид ўқиш учун зарур бўлган талаб ҳисобланади.

Гурухнинг қизиқиши китобхонларнинг ўз олдига қўйган вазифаларидан келиб чиқади. Бунга таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд: китобхоннинг маълумоти, касби, ижтимоий тузум талаби, асарларга берилган баҳолар, айрим маросимлар, кайфиятлар ва бошқалар.

Босма асарларга ва ахборотларга бўлган қизиқиш ҳақиқий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Буларни фарқини аниқлай билиш аҳамиятлидир.

Вақтинчалик яъни шаклланмаган қизиқиши ҳақиқий қизиқишига айлантириш кутубхоналар фаолиятидаги муҳим тадбирлардан биридир.

Вақтинчалик қизиқиши тугатишида китобхонлик дидини камол топтириш зарур шартлардан бири. Китобхонлик диди ўзига зарур адабиётни танлаш қобилятини шаклланишида акс этади.

Умуман илмий асосланган ҳолда китобхонлик қизиқишини шакллантириш жуда мураккаб масалалардан биридир. Инсонни қизиқиши ягоналигини ташкил этмайди. Шуни ҳисобга олиб ҳаётий талабни тўғри ҳис қилган ҳолда бир неча соҳага оид қизиқишлилар мустаҳкам бўлиши мумкин. Ўз навбатида қизиқишлилар ўзаро бир бири билан ўрин алмашаслиги мумкин эмас. Қизиқиши адабиёт ва ахборот билан мунтазам таъминлаш уни сўндирамайди, аксинча янада юксалишга асос бўлади.

## 2.2. Ўзбекистонда истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш тарихи ва назариясининг тараққиёти.

Истеъмолчиларга кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишида уларни қизиқишиларини ўрганиш тарихи, қадимги даврларга бориб тақалади. Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз ҳар бир даврда инсонларни

адабиётга ва ахборотга қизиқишиш доираси ўзига хос ва серқирралигини, қизиқишини доимо мавжуд бўлганлигини ва бу эса кўплаб маданий тарихий ёдгорликларни яратилишига ва бизгача сақланишига сабаб бўлганлигини кўрамиз.

Ажойиб санъат асарларининг, илмий асарларни, моддий бойликларни бизгача етиб келиши ва келгуси авлодга авайлаб асралиши қизиқиши маҳсулидир.

Ўзбекистон кутубхоналарида китобхонлар қизиқишини ўрганиш XX асрнинг 20-30 йилларидан бошланган. Шу йилларда ижод қилган илфор ўзбек зиёлиларини ўша замон китобхонлари ҳақидаги маълумотлари бу соҳа мутахассислари учун қимматли манбадир.

1930 йиллардан бошлаб вилоятлардаги оммавий кутубхоналар китобхонлар қизиқишини ўрганишга эътибор қарата бошлади. Тез орада илмий, касаба уюшма кутубхоналари ҳам ўз китобхонлари қизиқишини ўрганишга киришдилар. Дастреб, марказлашган тартибда айрим гурух китобхонларини қизиқишини ўрганиш амалга оширила бошланди.

Бу йилларда китобхонлик қизиқишини ўрганишда сухбат, кузатиш, китобхон мулоҳазасини йифиц, формулярни тахлил қилиш усулларидан фойдаланилди. Китобхонларни кутубхонадан ташқарида ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Кутубхоналар турли муассаса ва ташкилотларнинг қизил бурчакларида, клуб ва чойхоналарда китоб бериш пунктлари, оммавий тадбирлар ташкил қилдилар, халқни адабиёт ва ахборотга бўлган талабини ўргана бошладилар.

Турли соҳага оид адабиётларни, газета ва журнал мақолаларини овозли ўқишлиар ташкил этилди. Китобхонларни ўқилган адабиётлар ва мақолаларга муносабатлари, саволлари, фикрлари тўпланди. Йиғилган манбаларга асосланиб қандай адабиётларни босмадан чиқариш зарурлиги ҳақида маълумотлар тўпланди.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли китобхонлар қизиқишини ўрганиш ишлари тўхтаб қолди.

Кутубхонларнинг бу соҳадаги ишларини қайта тикланиши 1960 йилларга тўғри келади. Бу даврдан бошлаб республикамизнинг йирик кутубхоналари, вилоят кутубхоналари билан ҳамкорликда турли соҳалар адабиётлари тарғиботи бўйича илмий изланишларни ташкил этдилар. Бу ўз навбатида китобхонлар қизиқишини ўрганишни тараққиёти янги паллага қадам қўйганлигидан дарак беради.

А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республика Давлат кутубхонаси (Хозирги А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) 1960 йиллардан бошлаб вилоят кутубхоналари билан ҳамкорликда китобхонлар қизиқишини ўрганиш бўйича дастлабки изланишларни бошлаб юборди. Китобхонлар қизиқиши Тошкент вилоятининг Зангита, Юқори Чирчик, Сирдарё вилоятининг Гулистон, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон, Бухоро вилоятининг Фиждувон, Қоракўл туман ва бошқа қатор кутубхоналарда қишлоқ хўжалиги мутахассисларини касбига оид адабиётларни ўқишлиари формулярни тахлили асосида ўрганилди. Олинган

натижалар, кўпчилик мутахассислар ўз касбига оид адабиётлар билан мунтазам танишиб туришлари аниқланди.

1973 йилдан бошлаб А. Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси “Қишлоқ хаётида китоб ўқишини ўрни” (1972-1977 йиллар) номли тадқиқотда иштирок этди. Бу тадқиқот маҳсус тузилган сўров варақасига асосланиб ўтказилди. Тадқиқотни биринчи босқичи 1973 йилнинг февраль ва март ойларида Республикаиз қишлоқларида ўтказилди. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг илмий-услубий бўлим ходимлари, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (Хозирги педагогика унверситети) Кутубхонашунослик факультети профессор- ўқитувчилари ҳам унда иштирок этдилар. Бу изланиш сўровнома (анкета) – оғзаки сўраш (интерью) услубига асосланиб ўтказилди. Қишлоқ хаётида китоб ва ўқиш тадқиқотининг натижалари ранг – барангдир. Изланиш бу даврда китоб ўқиш, газета ва журналлар билан мунтазам танишиб бориш қишлоқ ахолисини хаётида одат тусига кириб бораётганлигини кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқотларни ўрганар эканмиз республикмиз қишлоқларида оммавий ахборот воситалари ҳам халқ орасига кенг кириб бораётганлиги маълум бўлди. Тадқиқот ишининг иккинчи босқичида китоб ва ўқиш жараёнининг янада чуқурроқ ўрганишга ёрдам берувчи маълумотлар тўпланади.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида китобхонлик фаолиятининг айrim белгилари, китобхон талабининг доираси, ўқилган нашрларни турлари, ўқиш маданияти, ўқиш қоидалари ўрганилди.

Китобхонлар қизиқишини ўрганиш соҳасидаги кейинги йирик тадқиқот А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси томонидан “Қардош халқлар адабиётини ўқилиши” мавзусида Фаргона вилоятининг Қувасой шаҳри ва Қува тумани кутубхоналарида, Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳри, Сирдарё вилоятларининг Янгиер шаҳри кутубхоналарида ўтказилган изланишлар китобхонларни талабини ўрганишда ўзига хос манбаларни олиш имкониятини яратди. Тадқиқотлар халқимизни қардош халқлар адабиётига бўлган қизиқишини ниҳоятда катта эканлигини кўрсатди. Ҳар бир китобхон формулярида бир неча қардош халқлар ёзувчilarини асари акс этгани қувончли маълумотdir. Буларга, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов, тожик ёзувчи Икромий Ж, Миршакар М, туркман шоири Маҳтумкули, қозоқ ёзувчи Муқонов С. ва бошқалар киради.

Кейинги йиллarda А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонаси ўз китобхонлари талабига ҳам эътибор қаратгани ижобий ҳолдир. Кутубхона бир неча йил мобайнида, муҳим ахамият касб этувчи усуслардан бири талаб варақаларини тахлил қилиш усулидан самарали фойдаланиши натижасида китобхонларни рад жавобларини камайтиришга эришди.

Республикамизда китобхонлар қизиқишини ўрганишда вилоят илмий универсал кутубхоналари (хозирда улар ахборот-кутубхона марказлари деб аталмоқда) фаолияти ҳам алоҳида ажralиб туради..

Фарғона вилоятининг бу соҳадаги фаолиятин ўрганар эканмиз, 1990 йилларда бошлаб бу ерда китобхонларнинг техникага доир адабиётлар ўқиши бир неча маротаба анкета, статистик усууллар ёрдамида ўрганилганлигини кўрамиз. 2000 йилдан бошлаб бир неча маротаба Марғилон, Кўқон шахар кутубхоналарида китобхонлар формулярини тахлили асосида китобхонлар қизиқишини ўрганиш ташкил этилди.

2000 йилдан бошлаб Андижон ва Наманган вилоят кутубхоналари ҳам ўз китобхонларини ижтимоий - сиёсий адабиётларга бўлган қизиқишини талабнома ва рақаларига асосланиб ўрганишди. 2002 йиллар бошига келиб бундай тадбирлар Хоразм, Сурхандарё, Навоий вилоятларида ҳам ўз самарасининг кўрсата бошлади.

2002 йилдан бошлаб Тошкент вилоятининг Ангрен, Олмалиқ, Охангарон шаҳар кутубхоналарида ишчи ёшларини қизиқишлиари ўрганилди. Бу изланиш ишчи ёшларни касбига, иқтисодий билимларга, техника ва бошқа соҳаларга бўлган талабларини ўрганишга қаратилган эди. Тахлил натижалари бир хил китобхонлар гурухининг ўқишилари ҳақида турли хуносалар чиқариш имконини берди. Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси кўп йиллардан бери шаҳардаги мусиқа билим юрти ўқувчиларининг қизиқишлиарини ўрганишни ташкил этган.

Кейинги йиллардаги А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва бошқа йирик кутубхоналар мутахассислари, ҳамда А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг “Кутубхонашунослик” ва “Библиография” кафедрасининг ўқитувчилари иштирокида маҳсус сўровномага асосланиб Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари талабаларининг кутубхона ва ахборот бўлган эҳтиёжларини ўрганиш бўйича социологик тадқиқот ўтказилди. Бундан кўзатилган мақсад талабаларни кутубхона ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш эди. Унинг натижалари ниҳоятда қизиқарли бўлиб, талабалар ўз фаолиятларида кутубхонадан кенг кўламда фойдаланишлари, ахборот олишда кутубхоналар асосий манба эканлигини такидлаганлари диққатга сазовордир.

Китобхонлар қизиқишини ўрганиш назарияси нафақат Ўзбекистон кутубхонашунослигида, шунингдек бошқа мамлакатлар кутубхонашунослигида ҳам кам ўрганилган соҳалардан бири. Китобхонлар қизиқишини ўрганиш мунозарали соҳалардан ҳисобланади. Шу сабабли кўплаб тадқиқотлар ўтказиш асосида унинг назариясини такомиллаштириш келгусидаги вазифалардан бири.

.Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг методологик тамойиллари жамият ривожланишининг умумий кониятларидан келиб чиқади. Методологик тамойилларни инкор этиш ёки билмаслик кўр-кўронга манбаларни тўплаш услуги истеъмолчи ҳақида бир томонлама нотўғри хулоса чиқаришга сабабчи бўлади. Мавзуни тўғри танлаш, вазифани аниқлаш, услугларни танлаш ва тадқиқотда тўғри қўллаш онгли равища тамойиллардан фойдаланишга асос бўлади. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишда бир қанча тамойилларга амал қилинади. Жумладан: илмийлик,

тарихийлик, шахсий, ижтимоий-психологик ёндашиш, ҳар томонлама ёндошиш тамойилари ва бошқалар.

Методологик тамойиллар ҳақиқатни билишни, борлиқни ўзгаришини билиш қуороли. Истеъмолчиларни маънавий йўналиши ва илмийликни ўзаро боғлиқлиги асосий омил. Ҳақиқий ҳолатни билиш учун истеъмолчини ҳар томонлама ўрганиш талаб этилади. Бирор предметни ҳақиқий ҳолатини билиш учун уни ҳар томонлама ўрганиш зарур бўлади. Хеч вақт бирон бир усул орқали предметни ёки ходисани тўлиқ ўрганишга эришиш мумкин эмас. Масалан: Истеъмолчини формуляридаги берилган адабиётлар ҳақидаги ёзувлар уни ўқиши ҳақида кутубхоначига тўлиқ маълумот бермайди. Шунинг учун биз уни турли фан тармоқларига оид адабиётларга бўлган муносабатини ва рад этилган талабларини ҳам билишимиз керак бўлади. Шунингдек, очиқ китоб фонди шароитида китобхонни кузатишдан ҳосил бўлган мулоҳазалар ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Бу маълумотларни бошқа усуллар ёрдамида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Қизиқиши ўрганишда илмийлик тамойили китобхон сўровини ўзига хос ҳусусиятларини, истеъмолчини руҳиятини ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни эътиборга олишни талаб қиласади. Шу билан бирга ҳар қандай услугуб ҳам чегараланганини эътиборга олган ҳолда уларни уйғунлашга ҳолда қўллаш энг тўғри йўллигини, айниқса ҳақиқатни билишда статистик маълумотларни тахлил қилиш хulosаларни объектив бўлишини таъминлади.

Тарихийлик тамойили истеъмолчилар қизиқишини аниқ тарихий тараққиёт шароитида ўрганишdir.

Истеъмолчилар психологияси тарихий шароит билан сўзсиз боғлик, жамият муаммолари унга ўз таъсирини кўрсатади. Истеъмолчиларни маълум бир тарихий даврларда матбуот асарларига бефарқлиги ёки уларни иштиёқ билан ўқиши жамиятни кайфиятини акс эттирувчи ажойиб кўрсаткичdir.

1960 йилларда ўтқазилган тадқиқотлар билан 2000 йиллардаги тадқиқотлар таққосланса истеъмолчилар қизиқишилари қанчалик ўсганлигини яққол намоён бўлади. Тарихийлик тамойили китобхон психологиясини ҳар бир даврда ўзига хос ўзгаришини ҳисобга олишни тақозо этади. Бир неча йиллар оралиғида қайта ўтқазилган тадқиқотлар ҳам китобхонларни психологиясидаги маълум бир ўзгаришлар ҳақида маълумот беради.

Истеъмолчиларни ўрганишга шахсий, ижтимоий -психологик ёндошиш. Истеъмолчилик психологияси бир вақтни ўзида якка, гурухли ва жамоатчилик фикри шаклида кўринади. Шу туфайли уни ўрганишга шахсий, ижтимоий - психологик ёндошиш зарурияти туғилади.

Шахсий ёндашиш шундан иборатки ўқиш жараёни китобхон психологиясининг ўзига хос ҳусусиятларидан ажратилган ҳолда ўрганилмайди, аксинча шахсни кўпқиррали ҳусусиятлари ҳисобга олинади.

Ўқиш учун китобни танлашини, адабиётларга баҳо беришини, шахсий қабул қилиш ҳусусиятини, китобхонни ўрганмасдан туриб тушунтириб бўлмайди. Шахсни ўқишга бўлган ўзига хос талаби, китобхонлик қизиқиши

мавжуд. Уни китобхонлик тажрибаси, китобхонлик диди ва бошка хусусиятлари ҳар бир шаҳсга хос хусусиятдир.

Ижтимоий психологик ёндошиш ўқиши жамоатчилик ва жамиятни маънавий хаётини бир қирраси, бунда мулоқот қилиш жараёнлари ва инсонларни бир-бирига таъсири истеъмолчиларни психологиясини ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилдир.

Ўқищда ва адабиёт танлашда ўзаро мулоқот етакчи ўрин эгаллади. Адабиётлар танлашда дўстларни, ўқиш ва ишдаги ўртоқларни, оила аъзоларини маслахати фақат маслаҳат эмас, балки китоб ҳақида ўзаро фикр алмашиш, шу билан бирга адабиётлар тавсияси ҳамdir.

Истеъмолчини қизиқишини ўрганишга ҳар томонлама ёндошиш. Истеъмолчи фаннинг турли соҳалари ва ишлаб чиқариш тармоғи учун ўрганиш манбаидир. Кутубхона фондларидан фойдаланувчиларнинг қизиқиши, жамиятда ахборот, матбуот асарларини пайдо бўлиши тарихи, назарияси, методологияси ва амалиёти, шунингдек уларни тарқатиш ва тарғиб этиш билан чамбарчас боғланган. Ҳар бир фан соҳаси ёки ишлаб чиқариш тармоғи истеъмолчилар қизиқишига ўзига хос маҳсус ёндашишга ҳаракат қиласди. Масалан, ёзувчилар ва адабиётшуносларни истеъмолчиларни бадиий асарларга бўлган қизиқишилари ва асарларга бўлган муносабатлари қизиқтирса, журналистлар- истеъмолчилар аудиториясининг матбуот саҳифаларидағи мавзуларга бўлган қизиқишиларини ўрганишга ҳаракат қиласди.

Ҳар хил типдаги кутубхоналарда истеъмолчиларни ўрганишнинг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб, уларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш турлари ва китоб фонди ҳам бир-биридан фарқланади. Масалан, ўқув кутубхоналари биринчи навбатда ўз истеъмолчиларини ўқув дастурига ва дастурдан ташқари маълумот берувчи ўқув қўлланмаларга, мустақил билим олишга, тафаккурини ривожлантиришга, маданий хордик чиқаришга оид қизиқишиларини ўрганишга қаратади. Илмий техника кутубхоналари эса истеъмолчиларни аниқ бир тор доирадаги мавзуга, касбий ахборотга бўлган қизиқишиларини ўрганишга ҳаракат қиласди.

Бир томонлама ёндошиш асосида истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш улар ҳақида бир томонлама маълумот беради. Истеъмолчилар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун фақат олинган маълумотларни турли кутубхоналар томонидан тўплланган маълумотларгагина эмас, бошка муассасалар томонидан, яъни ёзувчилар уюшмаси, газета ва журналлар таҳририяти, нашриётлар, китоб магазинлари ва бошқаларда, тўплаган манбаларга ҳам таққослаш асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Кутубхоначилар ўzlари тўплаган маълумотларгагина асосланиб қолмасдан ўқиш ҳақидаги босмадан чиқсан илмий тадқиқотларга, социологлар ва психологлар хулосаларига яқиндан таянмоғи зарур.

Истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш соҳасида қилиниши зарур бўлган йирик тадқиқотлар ўз ечимини кутмоқда. Йирик тадқиқотлар ўтказиши фақат йирик кутубхоналарни, ахборот- кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказлари томонидангина амалга ошириладиган фаолият бўлмай,

балки унга нашриётлар, китоб савдоси муассасалари, ахборот органлари, ёзувчилар уюшмасин ва бошқа тегишли ташкилот ва муассасаларни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Албатта бу ишларни мувофиқлаштурувчи марказ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бўлиши керак.

### 2.3. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш усуллари

Истеъмолчилар қизиқишини мақсадга мувофиқ ўрганишни ташкил этишни асоси уни ўрганиш услубини яхши билишдир. Зарур маълумотни олиш учун истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш усулини ҳам тўғри танлай олиш мақсадга мувофиқдир.

Китобхонлар қизиқишини ўрганиш усулларига асосан бевосита ўқиш жараёнида рўй берадиган кўринишларни билиш усули киради.

Услуб муайян аниқ жараёнда қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, қайта ишлашнинг мунтазам тартибидир. Кутубхоначилар китобхон ҳақидаги маълумотни олиш усулини кўр-кўrona қабул қилмасликлари керак. Зоро, услубни танлаш ҳамма вақт қўйилган вазифаларнинг мақсадига ҳамда унинг хусусияти, йўналиши мазмунига боғлиқ бўлади.

Китобхонлар қизиқишини ўрганишда қуйидаги усуллар қўлланилади: мантикий усуллар, статистик, кузатиш, сухбат, жамоа бўлиб муҳокама қилиш, сўровнома, оғзаки сўраш, тажриба, хужжатлар тахлили, китобхон таржимаи холи, китобхон мулоҳазаси ва бошқалар. Кутубхона шароитида улар ўзига хос қатор хусусиятга эга бўлиши билан бир-биридан ажralиб туради.

Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишда услублар асосан икки қисмга бўлиб ўрганилади. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг умумилмий услублари ва маҳсус усуллари.

Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг умумилмий усуллари. Турли фан соҳаларида қўллаш имконини берувчи усуллар жамламасига умумилмий усуллар деб таъриф берилган. Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг кенг тарқалган умумилмий усуллари асосан қуйидагилардан ташкил топган: статистик, кузатиш, сухбат, сўровнома, интервью, хужжатлар тахлили, тажриба ва бошқа усулларни киритиш мумкин. Маҳсус усулларга китобхон ва китоб формулярини, бажарилган библиографик маълумотларни ва талаб ва рақаларини тахлили усулини киритиш мумкин.

Истеъмолчилар қизиқишини ўрганишнинг муҳим усулларидан бири бу статистик усулларидир. Уни асосий қонуниятлари аниқ маълумотни зарурий муносабат билан таққослаш учун имконияти яратишдир. Бу усул ёрдамида китобхонлар микдори ва уларга берилган адабиётлар, китобхонларни

кутубхонага қатнаши, китобхон талабидаги ўзгаришларнинг характери кузатилади.

Бу усул асосида қутубхоначи китобхонлар қизиқиши ҳақида умумий хулоса чиқариш имкониятига эга бўлади.

Статистик усул хисобот маълумотларига асосланиб таҳлил қилинади. Бу усул ўзига хос манбани кутубхона кундалигидан ва йиллик статистик хисоботдан олади. Иккиланишлар туғилса уни аниқлаш мақсадида ёзма хисоботдан ҳам фойдаланади.

Статистик тадқиқот ва таҳлил этиш кутубхона ва китобхонлар талабига тавсифнома бериш унинг ўзига хос хусусиятидир. Бу усулни тадбиқ этиш асосига олинган маълумотлар келгусида қайси тармоқ адаиётларини тарғиботига кўпроқ эътибор бериш зарурлигини аниқлайди.

Кузатиш усули. Китобхонлар қизиқишини ўрганишда кузатиш усули ўзига хос аҳамият касб этади. Бу усул мураккаб, машақкатли бўлишидан қатъий назар, сермаҳсул, кутубхоначидан китобхонлар билан ишлашни ва сезгирикни, ҳар бир жараёнга ижодий ёндошишни талаб қиласи. Кузатиш асосига кутубхоначи китобхон ҳақида ишончли маълумотларни қўлга киритади.

Кузатиш аниқ мақсад асосида ташкил этилган бўлиб, маълум белгиланган вазифани аниқлашга қаратилган бўлади. Шу сабабли кутубхоначи илгаридан нимани режалаштирган бўлса, керакли маълумотни тўплашга имкон берадиган режани тузади. Режа ва услуб қандай маълумотларни кузатиш асосида хисобга олиш зарурлигини белгилаб беради, яъни кузатиш доирасини аниқлайди.

Кузатиш услубидан фойдаланиш кутубхоначининг кундалик фаолияти жараёнида рўй бериб боради. Кутубхоначи маълум жараёнлар босқичида китобхонлар билан бевосита боғланади, яъни мулоқот асосида шаклланган фикрларни дастлабки маълумот сифатида хисобга олиб боради. Ҳақиқаттан ҳам хаётий тажриба шуни маълум қиласи, кузатишни аҳамияти юксак, аммо уни шундай ташкил этиш керакки таҳлил учун зарурӣ манбани олиш имконияти яратилсин.

Бу жараёнлар табиий кечади. Китобхонга тазиқ ўтказилмайди. Бу усул қўлланилганда кутубхоначи китобхон ҳақида хаққоний маълумот олади.

Кузатишни яна бир хусусияти шундан иборатки китобхонлар учун адабиётлар тарғиботини самарадорлигини аниқлаш имкониятини яратади. Кузатиш усули асосида ўтказилган оммавий тадбирлар самарадорлигини ҳам аниқлаш мумкин.

Кузатиш катта имкониятларга эга. Китобхонни кутубхонага аъзо этишда, китобхонни фондан адабиёт танлашда, каталог ва картотекалардан фойдаланишда, китоб олиш ва китобни қайтариш даврида кузатиш амалга оширилади. Шу билан бирга библиографик қўлланмалардан фойдаланиш жараёнида ҳам шу босқичдаги харакат ва муносабат кузатиш обьекти бўлади. Бу билан чекланиб қолмасдан китобхон ўқув залидан фойдаланганда, турли хил библиографик сўровлар билан мурожаат этганда китобхонни ўзига хос хусусиятлари ўрганилади, ўқиш маданияти аниқланади. Кузатиш усулини

қўллаганда китобхон кузатиш манбай эканлигини сезмаганлиги мақсадга мувофиқдир. Кузатиш узоқ муддатга мўлжалланган ҳам бўлиши мумкин. Кузатишни бир неча бор қайта қайта тақрорлаш имконияти мавжуд. Бундан мақсад олинган маълумотларни қай даражада тўғрилигини аниқлаш..

Кузатиш муддати у олти ойдан бир йилга мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин. Кузатишни зарур шарти уни доимо ёзиб борилиши, кузатиш асосида чиқлган хулосалар алоҳида кундаликда акс эттирилиб борилади. Кузатиш муддатида тўпланган маълумотлар ниҳоясида тахлил этилиб назарий хулоса чиқарилади.

**Суҳбат усули.** Китобхонлар қизиқишини ўрганишда суҳбат усули ҳам кутубхоначилар учун зарур манбани тўплаш ва ўрганиш, уни тахлил этиш имкониятини беради. Кутубхоначи ва китобхон ўртасида суҳбатнинг турли усуллари тақрорланиб туради. Кутубхоначининг китобхонни кутубхонага аъзо этишидаги, адабиётни тавсия этиш, ўқилган адабиётларни қайтариб олиш босқичидаги суҳбатлари шулар жумласидандир.

Кутубхоначи китобхонни кутубхонага аъзо этар экан у ҳақидаги дастлабки маълумотларни қўлга киритади. Бу унинг келгусида олиб борадиган ишларини йўналишини белгилайди. Суҳбат кейинчалик унга адабиётлар тавсия этиш, ахборот бериш ҳамда унинг қизиқишини ўрганиш усули сифатида амалга оширилади.

Суҳбатнинг муваффақиятли кечиши асосан кутубхоначининг маҳоратига боғлиқдир. Суҳбат учун аввалдан режа тузилади. Лекин унинг йўналиши суҳбат давомида ўзгариб туриши мумкин. Суҳбатнинг муваффақиятли чиқиши унинг қанчалик қизғин ва жонли ўтишига боғлик.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кутубхоначининг иши биргина суҳбат ўтказиш билан тугамайди, у китобхон билан суҳбат ўтказар экан, китобхоннинг ўз касбига бўлган қизиқишини, ижтимоий ва бошқа интилиши, иштиёқи, билим даражасини, қайси мавзусидаги китобларни ўқишини ёқтиришини, китоб ҳақида фикр юритиши қай даражада эканлиги, кутубхонаси борми, сингари бир ққор маълумотларни олишга интилади.

Ана шуларга асосланиб китобхонни қизиқишини ривожлантириш йўллари белгиланади ва муайян хулосага келинади.

Суҳбатни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, китобхонда ўқиган китоби ҳақидаги мулоҳазалари билан фикрлашиш, китобнинг унга таъсири, муаллифнинг қайси фикрларига қўшилади ёки қўшилмайди кабилари ҳақидаги мулоҳаза юритиш истагини юзага келтиради.

**Сўровнома усули.** Китобхонлар қизиқишини ўрганишда сўров усули кенг таркалган усуллардан ҳисобланади. Сўровнома усули китобхонни ҳар томонлама ўрганиш, ички дунёсини билиш усулидир. Сўровнома усули китобхонлар қизиқишини ёзма сўраш тарзига асосланади. Шу сабабли китобхонлар берилган саволларга асосланиб ўз фикрларини баён қиласидилар

Ёзма равишда китобхонлар сўралар экан улардан тўпланган маълумотларга асосланиб хулосалар чиқарилади. Тўпланган маълумотга

асосланиб жамоатчиликни фикри адабиётга муносабати ва қизиқиши ҳақида назарий хulosалар илгари сурлади.

Сўровлар содда, равон, аниқ жумлалар билан ёзилиши ва жавоб беришга қийинчилик туғдирмайдиган бўлиши керак. Шу билан бирга маълумотларни ўрганишга ҳам қулай бўлмоғи зарур шартлардан бириди. Саволларни яширин усулидан кенгроқ фойдаланиш, яъни ҳа ёки йўқ деб жавоб бериладиган саволларни қўпроқ қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Очиқ саволлар бўлса уларни тагига чизиш билан ҳам чегаралаш мумкин. Сўров усули орқали китобхон ҳақида ҳам маълумот тўплаш ижобий. Китобхон тўғрисида маълумот бўлмаса уни тартибга келтиришда кейинчалик қийинчилик юзага келади.

Сўров усули асосида ўрганилаётган воқеа ёки ходиса ҳақиқат ёки ҳақиқатга яқин деб қаралмоғи мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли тадқиқотчи саволларни шундай тузмоғи керакки саволлар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиши шарт. Шундагина тадқиқотчига аниқ фикрни билиш учун шароит яратилади.

Ҳар бир сўров варакасида ягона китобхонни фикри акс этади, фақатгина кўплаб сўров варакаларининг ўрганиш, аниқ хulosса чиқариш учун асос бўлади.

Сўровнома усулини иккинчи тури оғзаки сўраш. Бу усулда икки шахсни ўзаро мулоқоти мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда ижобий бўлади. Оғзаки сўраш икки шахсни бевосита жонли суҳбати асосида шаклланади. Изланувчи савол беради, китобхон жавоб беради. Оғзаки сўров ёзма сўрашга нисбатан бир мунча устунликка эга, чунончи тадқиқотчи бевосита китобхон билан мулоқотда бўлади ва уни кузатади. Оғзаки сўраш ўзига хос суҳбатга ўхшайди, лекин бунда фақат сўралаётган китобхон фаол бўлади, тадқиқотчи савол берувчига айланади. Оғзаки сўраш ва кузатиш ўзига хос услубда бирлашиб кетади. Савол берувчи сўралаётганинг жавобини тинглаб қолмасдан ундаги ўзгаришларни ҳам кузатади. У саволларни ойдинлаштради, зарур бўлса аниқлик киритади. Буларни барчаси китобхоннинг ўрганишга қаратилган муҳим омиллардир.

Тажриба усули. Бу усул кутубхонашунослик изланишда ахборот характерига эга. Тажриба усули мураккаб амалиёт ва ҳисоблашлар асосида турли гурӯҳ китобхонлари қизиқишилари ҳақида маълумот беради. Тажриба усули китобхонларни талабини ўзгариши, адабиётларга муносабати, уларни ривожланиши, келгусида китобхонлар билан ишлаш йўллари ҳақида фикрлаш имкониятини беради. Тажриба ўтказувчи келгусида китобхонлар ўқишини ривожланишини барча имкониятларини айтмасада, аммо айрим қонуниятларга амал қилиш зарурлиги ғоясини илгари суради.

Китобхон таржимаи холи. Бу усул сўнгги йиллар тажрибаси бўлиб ҳисобланади. Китобхон таржимаи холи мураккаб усуллардан бири бўлиб китобхонни қизиқишини камолотини акс эттиради. Кейинги уч йилликда китобхонлардан тушган хатлар, адабиётлар ҳақидаги фикр мулоҳазалар китобхон таржимаи холига асосланиб ўрганишга асос бўлади.

Китобхон таржимаи холи - бу китобхон хаёти ва фаолиятида матбуот асарларини ва кутубхонани ахамияти ҳақидаги ахборот.

Оммавий кутубхона кутубхоначилари узоқ йиллардан бери кутубхонадан фойдаланадиган, фаол китобхонлардан бундай маълумотларни олиш имкониятига эга. Китобхонни таржимаи холи уни шахсий ривожланишида китобни ролини аниқлаш имкониятини беради. Китобхондан аниқ, зарур, тахлил этиш учун яроқли манбани олиш учун зарур маълумотларни акс эттирадиган тайёр таржимаи хол жадвалини ҳам таклиф қилиши мумкин.

Китобхон таржимаи холини ёзилиши нуқтаи назаридан эркин тузилган саволлар асосида, китобхонни ўзи ёки кутубхоначи томонидан сўзма-сўз ёзиб олинган бўлиши мумкин. Берилган саволлар

Китобхон мулоҳазаси. Бу усул бошқа усувлардан ўзини оммавийлиги билан ажралиб туради. Китобхонлар мулоҳазаси билан маданий-маърифий муассасалар, ёзувчилар уюшмаси, китоб савдоси, нашриётлар, радио-телевидения, газета ва журналлар таҳририятигина эмас балки бошқа касб эгалари ҳам қизиқадилар.

Китобхон мулоҳазаси жамоатчилик фикрини баён қиласи. Бирор мавзу ҳақида оммани фикрини билиш имкониятини юзага келтиради. Барча китобхонлар адабиётлар ҳақидаги мулоҳазаларини тўплашга харакат қиласидилар.

Китобхон мулоҳазаси ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Аммо кутубхоначилар учун мақбул варианти китобхонларни ёзма мулоҳозаларидир. Китобхонлар томонидан берилган мулоҳазаларни сони эмас аксинча асослаб берилган фикрлари зарур.

Берилган мулоҳазани ижобий ва салбийга ажратиш билан умумлаштириш мумкин. Бир йўла кўплаб китобхонлардан тўпланган мулоҳаза асосига гурӯҳни асарга ёки бирор мавзуга муносабатини билиш мумкин.

Мулоҳаза натижаларидан адабиётлар тарғиботида фойдаланиш мумкин. Назарий хулоса чиқариш учун кўплаб китобхонларни мулоҳазасини тўплаш мақсадга мувофиқдир. Китобхонлар мулоҳазаларини матбуот саҳифаларида ёритиш мақсадга мувофик.

Республикамизнинг барча кутубхоналари бу усульдан фойдаланадилар. Ўтган даврлар мобайнида Мирмуҳсиннинг “Умид”, Ўткир Хошимовнинг “Икки эшик орасида”, Сайд Ахмадни “Уфқ”, Ў.Усмоновнинг “Гирдоб” ва бошқа асарлари ҳақида китобхонлар мулоҳазаси тўпланган бўлса ўтган йиллар давомида “Темурнома”, О.Ёқубовнинг “Қўхна дунё”, “Улуғбек хазинаси”, Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билиг”, Кайковусни “Қобуснома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва бошқа асар ҳақида мулоҳазалар тўпланади..

Китобхонлар қизиқишини ўрганишнинг маҳсус кутубхонашунослик усувлари. Китобхонлар қизиқишини ўрганишнинг маҳсус усули у ёки бу умумилмий усувлардан кутубхонанинг ўзига хос хусусиятига қараб маълумотларни ҳисобга олиш, йиғиш ва тахлил қилиши билан фарқланади.

Маҳсус кутубхонашунослик усувларига китобхон ва китоб формулярини, бажарилган библиографик маълумотларни ва талаб варақаларини тахлилини киритиш мумкин.

Китобхон формулярини тахлил қилиш усули. Китобхон формулярини тахлил қилиш маҳсус усуллар турига киради. Формулярга асосланиб китобхонларни турли фан тармоқлариға оид адабиётларни ўрганиш мумкин. Бу усул асосан китобхон формуляридан фойдаланадиган кутубхоналарда қўлланилади.

Тажриба шуни кўрсатдикি барча формулярни тахлил қилиш мумкин эмас, шу сабабли кутубхона китобхонларини қизиқишини ўрганишда бирор бир гурхини танлаб олиши мақсадга мувофиқдир. Кўпгина кутубхоналарда формуляр китобхон ҳакида маълумот тўпловчи асосий манба ҳисобланади. Формулярда китобхон ҳакида маълумот бўлиши билан бир қаторда, берилган адабиётлар фан соҳалари бўйича хисобга олинади. Шу билан бирга баъзи маълумотлар формулярда хисобга олинмайди, масалан, қандай адабиётларни китобхонни ўзи танлаганлиги ёки кутубхоначини тавсияси билан кўргазмадан олганлиги ва бошқалар.

Формулярдаги маълумотлар китобхонни ўқишини мазмунини билдиради. У орқали китобхон талаби, ўқиш натижаларини, ўқилган адабиётга муносабатини билиш мумкин эмас.

Бундай муаммоларни хал этиш учун тадбирлар қўллаш мумкин, масалан: кутубхоначи тавсияси билан олинган адабиётни инвентарь рақами тагига чизикча тортиш, китобхон билан сухбат, қузатиш натижаси ва бошқа маълумотларни ёзив бориш мумкин.

Баъзи кутубхоналарда айrim гурух китобхонлар формулярига уни ўқишини ўрганиш мақсадида маҳсус белги қўйилади.

Китобхон формуляри якка тартибда ёки гурухли тахлил қилинади. Формулярнинг якка тартибдаги тахлили айrim китобхонларни ўрганишга қаратилган бўлиб, келгусида унга ахборот беришга замин ҳозирлайди.

Формулярнинг гурухли тахлили маълум гурух китобхонларни ўрганишга қаратилган бўлади. Гурухли тахлилнинг вазифаси мавзу бўйича айrim асарни гурух томонидан ўқилиши ҳамда бир йўла турли фан тармоқлариға доир ва бошқалар ҳакида маълумот олишдан иборатdir. Шу билан бир вақтда у якка тартибдаги тахлилни муайян тўлдиради. Формулярни гурухли тахлили тадқиқот қилинаётган жамоанинг қизиқишини тасаввур этиш имкониятини беради.

Китоб формулярининг тахлили. Китоб формулярининг тахлили – китобхонлар орасида китоб ўқилишини ўрганадиган маҳсус усулдир. Китоб формуляри оммавий кутубхонларда китобнинг берилишини ҳисобга олади. Ўз навбатида бир қатор кутубхоналар бу усулни китобни ўқилинишини тадқиқ қилишда фойдаланадилар.

Китоб формулярининг тахлили кутубхоначига ўзига хос маълумот беради. Маълум муддатда кутубхоначи бирор бир муаллифнинг ёки мавзуга оид асарларнинг қандай ўқилаётганини бу усуллар ёрдамида тез ва осон аниқлаб олади. Асарни ўқилиш даражасини, ижтимоий қийматини ўрганади.

Китоб формуляридан йил давомида мазкур китоб олингандан бери неча марта ўқилганлигини ҳам аниқлаб олиш мумкин. Агар китоб токчада

ҳаракатсиз ётган бўлса, сабабини аниқлаш ва чораларни кўриш керак бўлади..

Кутубхона учун зарур бўлмаган, ҳаракатсиз ётган асарларни депозитар кутубхоналарга ўтказиш яхши натижа беради. Кўп ўқиладиган асарлар аниқланганда кутубхона фондини келгусида шунга ўхшаш адабиётлар билан тўлдиришни режалаштириш ишлари амалга оширилади.

Китобхонларнинг талабнома варақаларини таҳлил қилиш.

Китобхонларнинг талабнома варақаларини таҳлил қилиш- бу китобхон сўровини кузатиб боришнинг маҳсус усули хисобланади. У мустақил усул сифатида талабнома варақларидан фойдаланиладиган кутубхоналардагина фойдаланилади.

Талабнома варақасини таҳлил учун иккига ажратилади: Сўралган адабиётни бажарилиши яъни бажарилган талабнома варақаси ва сўралган адабиётга рад жавоби берилган варақага. Уларнинг бири иккинчисини тўлдиради ҳамда китобхоннинг адабиётга бўлган талабини йўналишини белгилайди. Бажарилган талабнома варақаси китобхонларни қайси адабиётлардан кўпроқ фойдаланганинги аниқлайди – келгусида фондни қандай адабиётлар билан тўлдириш зарурлиги ҳақида тасаввур қилишга замин яратади. Энг кўп сўралаётган асарларини аниқлаш имкониятини яратади. Иккинчиси қандай сабабларга биноан китобхон адабиётни ололмаганлигини акс эттиради. Бундан маълум бўлган сабабларни ўрганиш асосида йўл қўйилган камчиликлар аниқланади. Таҳлил натижаларига қараб муаммони бартараф этиш йўллари белгиланади.

Маълумот-библиографик ишларни таҳлил қилиш усули.

Бу китобхонлар қизиқишини ўрганишда муҳим усуллардан бири бўлиб, унинг асосида китобхонларнинг библиографик сўровлари, китобхонларни матбуот асарларга қизиқиши, айrim манбаларни излаши, бирор мавзу ёки айrim фан соҳасига оид адабиётлардан хабардор бўлиш истаги аниқланади.

Маълумот – библиография ишларининг ҳажми ва уни ҳисобга олиш ишлари турлича. Масалан, оммавий кутубхоналарда маълумот-библиография ишлари кутубхона кундалигининг маҳсус бўлимида ҳисобга олинса, йирик кутубхоналарнинг библиографик бўлимида ва каталог залларида маҳсус маслаҳатчи кутубхоначилар томонидан ҳисобга олиниб, бажариш йўллари белгиланади. Библиографик сўровлар маҳсус бланкаларда ҳисобга олиб борилади ҳамда уларнинг бажарилиши назорат қилинади.

### 3-боб. Ахборот-кутубхона хизмати тизими.

- 3.1. Ахборот-кутубхона хизмати тизимининг мазмuni ва шакллари.
- 3.2. Ўқув зали ва абонементда хизмат кўрсатиш усуллари.
- 3.3. Кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари.
- 3.4. Кутубхоналарро ва халқаро абонемент: хозирги холати, муаммолари ва ривожланиш йўллари.

### 3.1. Ахборот-кутубхона хизмати тизимининг мазмуни ва шакллари.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимининг мазмуни ва шакллари кутубхоначилик ишини ривожланиши, ижтимоий хаётдаги туб ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти шароитида кутубхоналари фаолиятига янгича ёндашиш билан бевосита боғлиқ. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш даражаси кутубхоналарнинг ҳар бир китобхон учун очиқлиги хизмат турларининг кўлами, китобхонлар талаб ва сўровларининг тўлиқ бажарилиши, ҳамда ўз фаолиятида замонавий техникадан фойдаланиш даражасида кўринади. Китобхонларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини тараққиёт ва истиқболини аниқлашда шуни хисобга олиш керакки, ушбу хизматининг анъанавий шакллари янги, ихтисослаштирилган хизмат турлари билан тўлдириб борилади ва доимо рақобатда бўлади.

Ахборот-кутубхона хизматининг асосий вазифаларидан бири ахолининг барча қатламини кенг қамраб олишидан иборат. Шунингдек кутубхоналарда турли хил китобхонларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш муаммоси ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Китобхонларни ўқишига, кутубхонага жалб этишнинг унумли, самарали йўлларини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам ахборот-кутубхона хизматининг мухим ишларидан биридир.

Бундан ташқари кутубхоналар, ахборот-ресурс марказларини ҳамда ахборот-кутубхона марказларининг китобхонларни илмий ва умуммаданий дунёқарашини шакллантириш, таълим ва тарбиялаш, билим бериш, ахборотлар билан таъминлаш, бўш вақтини тўғри ташкил қилишдек мураккаб вазифаси - ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни аниқ, пухта ташкил этишни талаб қиласиди.

Китобхонларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ўзига хос жараён бўлиб – бу кутубхонада китобхонлар талабини бевосита бажаришдир. Қолган барча жараёнлар китобхонлар сўроғини тўла бажариш, китобхонлар қизиқишини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

“Ахборот-кутубхона хизмати” тушунчаси истеъмолчиларнинг адабиётларга ва ахборотга бўлган талабларини тўла ва ҳар томонлама бажариш мақсадида ташкил этилган ўзаро боғлиқ ва мувофиқлашган усуулларнинг йиғиндинисини англатади. Бунинг асосида китобхонларни кутубхонага жалб этиш, қизиқишиларини ҳар томонлама ўрганиш, ахборот бериш тизимини ривожлантириш, китобхонлар билан якка тартибда ишлаш ва адабиётларни тарғиб қилиш амалга оширилади.

Ахборот-кутубхона хизмати тизими турли хилдаги кутубхоналарини китобхонлар таркибига, китоб фондининг мазмунига, кутубхоналарнинг моддий-техника базасига боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Бу тизим кутубхоналар тармоғи ташкил этилган дастлабки йилларданоқ шаклланади ва ривожланиб боради.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизими стационар, ностационар ва мустакил хизмат кўрсатиш шаклларидан иборат. Стационар хизмат кўрсатиш шаклларига бевосита кутубхонанинг ўзида хизмат кўрсатувчи усуллар киради: абонамент, ўқув заллари. Абонамент ва ўқув заллари иш кўламига кўра, китобхонлар сони, уларга хизмат кўрсатиш мазмуни, китоб берилишига кўра асосий хизмат кўрсатиш хисобланади.

Стационар шаклларга кутубхоналар тажрибасида қўлланилаётган ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш бўлимлари ҳам киради. Нота-мусиқа бўлими, чет эл адабиётлар бўлими, қишлоқ хўжалиги ходимларига хизмат кўрсатиш бўлими, илмий-техника ахбороти бўлими ва бошқалар. Бу бўлимлар тор мутахассислик бўйича китобхонларга ҳар томонлама хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Стационар шаклларда хизмат кўрсатиш кутубхонанинг асосий китоб фондига асосланади ва китобхонларга уйга китоб бериш билан ва бевосита кутубхонанинг ўзида ўқув залларида хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Бу ерда китобхонлар ўқиш маданиятини тарбиялаш, китобхонда адабиёт танлаш кўниумасини шакллантириш, китобхонлар билан ҳар томонлама ва мазмунли иш олиб бориш имкони яратилган..

Абономент- уйга китоб беришни ташкил қилувчи кутубхонанинг асосий бўлими, китоб фондининг хажми ва таркибига кўра, китобхонлар сони ва улар билан ишлашнинг мазмунига кўра хизмат кўрсатишнинг асосий бош бўғини.

Ўқув зали ёрдамчи китоб фондига эга бўлган ва китоб ўқиш учун алоҳида бино (хонага) эга кутубхонанинг бўлими. Бу ерда китобхонларга уйга берилмайдиган ноёб ва қимматбаҳо матбуот асарлари, кутубхона оладиган барча вақтли матбуот нашрлари, маълумот нашрлари ва умумий кутубхона фондиси билан хизмат кўрсатилади. Китобхон ўқув залида китоб мутолаа қилиш билан бирга библиографик маълумот ва барча маслаҳат турларидан фойдаланиши мумкин. Ўқув залида китоб билан ишлаш учун китобхонга катта имконият яратилади: хоналар ёруғ, қулай, тинч ва зарур техника воситалари билан жиҳозланган бўлади.

Китобхонларга хизмат кўрсатишнинг ташкилий таркибига ностационар хизмат кўрсатиш шакллари ҳам киради: Булар кутубхона пунктлари, кўчма кутубхоналардир. Бу шакллар стационар кутубхонага қатнай олмайдиган (иш жойи, маҳнат шароити, оиласвий шароити, яшаш жойига кўра) китобхонларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ташкил этилади. Масалан: қишлоқ хўжалиги ходимларига мавсумий иш пайтида.

Кутубхона пункти - кутубхона ташкилот ёки муассасага, маълум миқдордаги адабиётларни вақтинча фойдаланишга бериб турадиган хизмат кўрсатиш шакли.

Кўчма кутубхона –турли транспорт воситаларидан фойдаланган холда ахолига харакатланувчи хизмат курсатиш шакли: масалан вагон-кутубхона, кема-кутубхона, библиобус.

Мустакил шаклларга сиртқи абонемент, кутубхоналараро абонемент, халқаро абонемент киради.

Сиртқи абонемент - китобхон алоқа бўлими орқали китоб талаб қилиб, китоб оладиган хизмат кўрсатиш шакли. Сиртқи абонемент вилоятларда яшовчи, стационар кутубхонадан узоқ жойдаги кишиларга хизмат кўрсатилади. Масалан: сиртқи бўлим талабаларига, ўқитувчиларга, соғлиқни сақлаш ходимларига, темир йўл ишчиларига, , кўзи ожизлар ва бошқа ногирон китобхонларга, сиртқи абонемент орқали хизмат кўрсатилади.

Сиртқи абонементга аъзо бўлиш учун китобхон ариза-мажбурият ёзди, уни у ишлайдиган ташкилот раҳбари тасдиқлаб, кафиллик бериши керак.

Кутубхоналарро абонемент –китобхонга ўзи аъзо бўлган кутубхона фондида мавжуд бўлмаган адабиётларга бўлган талабини бошқа кутубхоналар фонди ёрдамида бажаришга қаратилган хизмат шакли.

Халқаро абонемент бир мамлакат кутубхоналари фондида бўлмаган адабиётларни бошқа мамлакат кутубхоналари фондидан олиб беришга асосланган, асосан илмий ходимлар ва мутахассисларга хизмат кўрсатиш шакли.

Китобхонларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини тўғри ташкил қилиш ҳамма бўлимларнинг биргаликда иш олиб боришини, асосий хизмат кўрсатиш шаклларининг ўзаро алоқасини талаб қиласди.

.Илмий-универсал кутубхоналарда (Республика соҳа кутубхоналари, ахборот-кутубхона марказлари) китобхонларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизими алоҳида хусусиятларга эга. У стационар шаклларни ва кутубхоналарро абонементни бирлаштиради. Тизимнинг ташкилий тузилиши китоб фондининг хажмига, китобхонларнинг миқдорий ва сифат белгиларига, кутубхона биносининг ахволи ва режалаштиришга боғлиқ холда ташкил қилинади. Лекин бир хил шароит, бир хил хусиятига эга хизмат кўрсатиш тузилмасини ташкил қилиш дегани эмас.

Илмий-универсал кутубхоналарнинг ривожланиши китобхонларнинг адабиётга ва ахборотга бўлган шаклланган талабларини тўла қондириш, хизмат кўрсатишнинг ўзига хос шаклларини талаб қиласди. Бу эса китобхонларга хизмат кўрсатишнинг тармоқ тизимини тараққий эттиришга олиб келади. Булар тармоқ ўқув заллари ва бўлимларни ташкил этиш билан амалга оширилади.

Илмий кутубхоналарда китобхонларга хизмат кўрсатишнинг яна бир анъанавий томони китобхонларга хизмат кўрсатишни ихтисослаштиришдан иборат: ўқув залларини кўпроқ ривожлантириш, яъни нашр турлари, китобхонлар гурухларига кўра ва бошқа хусусиятларга кўра ўқув залларини ташкил қилиш, ихтисослаштирилган хизмат кўрсатиш, янада табақалаштирилган холда хизмат кўрсатиш, нашр турларининг айримлари билан чуқурроқ танишиш имконини беради. Айрим кутубхоналарда китобхонларнинг гурухларига тармоқ хизмати кўрсатилади. Масалан; бир тармоқ бўлимида иккита ўқув зали мавжуд бўлиши мумкин. Илмий ходимлар ва мутахассислар ўқув зали, иккинчиси – бошқа китобхонлар

гурухлари умумий ўқув зали. Бундай имкониятга эга бўлмаган кутубхоналарда хизмат кўрсатишнинг кафедралари ташкил этилади.

Ўқув залларининг ривожланиши билан уларнинг иш ҳажми ошиб боради, бу абонементнинг ишига таъсир қиласди, яъни тармоқ ва ихтиослаштирилган бўлимлардан уйга китоб берилиши ортади. Кўпгина кутубхоналар абономентда ҳамма китобхонлар гурухига китоб беради, айримлари эса фақат илмий ходимларга ва мутахассисларга китоб беради.

Илмий кутубхоналарнинг универсал китоб фонди китобхонларнинг маҳсус сўровларига жавоб бера оладиган даражада ташкил қилиниши лозим.

### 3.2. Ўқув зали ва абонементда хизмат кўрсатиш усуллари

Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимида абонемент ва ўқув зали асосий ўрин тутади. Китобхонларга кутубхоналардан ташқарида хизмат кўрсатиш тизими ҳам кейинги йилларида бир қадар ривожланган бўлишидан қатъий назар, абонемент ва ўқув зали уларга қараганда кўп истеъмолчиларга хизмат кўрсатади. Стационар кутубхонада истеъмолчи тажрибали кутубхоначи билан учрашади, шунингдек кутубхонанинг барча адабиётларидан ва ахборот ишларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Ўқув зали ва абонементда истеъмолчилар билан ишлаш фаоллик ва аниқ мақсадга қаратилган жараён бўлиб, баркамол шахсни камол топтиришга, уларни турли фан тармоқларига оид янгиликлардан мунтазам хабардор этишга, билимларини орттиришга кўмаклашишга қаратилган. Истеъмолчилар ишлаш мақсадига қараб ўқув зали ва абонементнинг бирор туридан фойдаланадилар.

Ўқув зали ва абонемент доимо ҳамкорликда ишлаб бир-бирини тўлдириши мақсадга мувофиқ. Агар ўқув залида бирор адабиёт бўлмаган тақдирда уни кутубхона абонементидан ёки бошқа кутубхоналардан фойдаланишга олиш мумкин. Ўқув залидаги айrim адабиётларга талаб қатта бўлмаса уни абонемент орқали истеъмолчига ўқиши учун уйга бериш мумкин. Ўз навбатида Ўқув зали ва абонемент оммавий тадбирларни ўтказишни, истеъмолчилар қизиқишини, талабини ўрганишни ҳамкорликда ташкил этадилар. Уларни ҳар бири учун хизмат кўрсатиш жойи алоҳида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқув залида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш. Китобхонларга хизмат кўрсатиш шакллари орасида китобхонларнинг талабарини ва қизиқишлигини тўла бажаришда ўқув зали ўзига хос хусусиятларга эга. Ўқув зали - бу кутубхонанинг алоҳида бинога ёки хонага эга бўлган, шу жойнинг ўзида китобхонларга китоблар ва бошқа хужжатлар билан хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлими. Ўқув зали ўзининг ёрдамчи китоб фондига эга бўлади. Ўқув залида хизмат кўрсатишда ҳам абонементда хизмат кўрсатиш хусусиятларига амал қилинади. Китоб тарғиботи, китобхонларга якка тартибда ёндошиш, ўқув залини ишининг асосини ташкил қиласди.

Ўқув зали китобхонларнинг илмий, ўқув, жамоатчилик ишида ва мустақил билим олишида муҳим аҳамиятга эга. Ўқув залида адабиётга ва ахборотга мурожаат қиласиган китобхонларнинг маълум бир мақсади: ўқув машғулотларини бажариш, жамоатчилик ишини амалга ошириш, касб малакасини ошириш ва хокозо. Ўқув зали бу вазифаларни бажариш учун ҳамма имкониятларни яратади. Унинг китоб фондида барча соҳаларни қамраб олган, турли мазмунга эга адабиётлар, нодир асарлар, ноёб нашрлар, вақтли матбуот нашрлари, маълумот нашрлари, энциклопедиялар, библиографик қўлланмалар мавжуд бўлиб, китобхонларга шулар билан хизмат кўрсатилади. Китобхон кутубхонанинг барча бўлимларидағи адабиётларидан, зарур бўлса фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Ўқув залида китобхонлар учун энг қулай хизмат турларидан бири маълумот-библиография аппарати, маълумот нашрларининг тўпланганлиги, мутахассис-библиограф ёрдамининг айнан ўқув залида ташкил қилинганлиги, китоб билан ишлашда кутубхоначи маслаҳатлар бериш имкониятига эга эканлигидир. Ўқув зали китобхонга адабиётлар билан ишлаш учун жуда катта имконият беради. Машғулотларни бажариш учун кенг, ёруғ, тинч жой, микрофильмлар, овозли материаллар ва бошқа манбалардан фойдаланишни тавсия этадилар.

Ўқув залида китобхонларга хизмат кўрсатиш ўзига хос хусусиятларига эга:

- Китобхон кутубхонанинг барча фондидан фойдаланиш хуқуқига эга;
- Китобхон бир вақтнинг ўзида бир қанча нашрлардан фойдаланиши мумкин;

Ўқув зали ишида унинг ёрдамчи захираси катта аҳамиятга эга. Бунда энг кўп сўраладиган адабиётлар ўқув зали фондида ёки унга яқин бўлимлар фондида. Ўқув зали фонди китобхонлар таркибига кўра, хизмат кўрсатаётган регион ёки соҳа китобхонлари қизиқиши ва талабига мос адабиётлар тўпланади. Ўқув зали фондининг асосий мақсади - китобхонлар талабини тўла ва тез қондиришдан иборат. Ўқув зали фондида давлат хужжатлари, жамоат ва хокимят муассасаларининг нашрлари, маълумот нашрлари, барча турдаги энциклопедиялар, машхур ёзувчи ва шоирларнинг асарлари, мактаб, коллеж ва олий ўқув юрти дастурларига мос холда янги бадиий асарлар, кутубхона обуна бўлган газета ва журналлар тўпланади. Ёрдамчи фонд мунтазам равишда янгиланиб, тўлдирилиб борилиши керак.

Китобхонлар талабини тез қондириш учун ўқув зали фонди қисман бўлса ҳам очиқ бўлиши, айниқса маълумот нашрларидан фойдаланиш эркин бўлиши керак.

Ёрдамчи фондни тўғри ташкил этилганлиги у билан мунтазам иш олиб бориш, унинг таркиби ва жойлашиши билан китобхонларни мунтазам танишириб бориш ҳамма турдаги кутубхоналарда китобхонларга хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйишга олиб келади.

Иш мазмуни: ўқув зали ишининг асосини китобхонлар билан якка тартибда иш олиб бориш ва маълумот-библиографик, ахборот иши ташкил

қиласи. Ўқув зали ишининг асосий қисмини оммавий тадбирлар: библиографик обзорлар, китобхонлар конференцияси, адабий кечалар, турли учрашувлар, оғзаки журналлар ўтказиш ташкил этади.

Китобхонлар билан ишлаш, уларнинг қизиқишини ўрганишда китобхонларнинг ўқув залига мунтазам қатновини ўрганиш муҳим ахамиятга эга. Ўқув зали китобхонларининг асосий қисмини мактаб ўқувчилари, олий ва урта маҳсус таълим муассасалари талабалари, мутахассислар ташкил этади. Кутубхоначи китобхонни китоб фондидан, айниқса маълумот нашрларидан фойдаланаётганда, адабиёт танлананаётганда уни кузатиши орқали илмий-маданий савияси хақида баъзи фикрларга эга бўлади. Шуларга асосланиб кутубхоначи китобхонга тегишли ёрдам, маслаҳат бериши, зарур адабиётларни танлашда ёрдам бериши мумкин бўлади. Кутубхонанинг барча маълумот-библиографик аппарати: каталог ва картотекалар, матбуот солномалари, тавсия кўрсаткичлари китобхон қўли остида бўлиши керак. Ўқув залида мунтазам янги адабиётларнинг очиқ кўрик- кўргазмалари ташкил қилинади, янги адабиётлар хақида ахборот бериш учун барча оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилади. Ўқув заллари ишининг асосий йўналишлари:

- Китобхонга китоб билан ишлашда ёрдам;
- Вақтли матбуот билан ишлаш;
- Маълумот-библиографик ишларни такомиллаштириш;
- Якка ва гурухли ахборот;
- Янги адабиётларни тарғиб қилиш;

Китобхонларга табақалаштирилган хизмат кўрсатиш аbonоментдаги каби ўқув залида ҳам китобхонларнинг асосий гурухларини аниқлаш ва ажратиш асосида олиб борилади. Кутубхоначининг ёрдамига муҳтож китобхонларга: мактаб ўқувчилар, сиртқи бўлим талабалари, ишчи ёшлар, ва саноат корхоналарининг мутахассислари ва бошқалар киради.

Кўпгина кутубхоналар биргина умумий ўқув залига эга бўладилар. Унда барча китобхонлар гурухининг турли-туман талаблари бажарилади, баъзан китоб беришнинг тармоқ бўлинмалари ҳам ташкил қилинади. Кўпгина кутубхоналарнинг ўқув залларида гурухли хизмат кўрсатилади. Ҳар бир кутубхоначи айrim китобхон гурухига хизмат қиласи. Бу кутубхоначи хизмат кўрсатишнинг ҳамма жараёнини ўзи бажаради. Бу усул универсал кутубхоналарнинг ўқув заллари тизимида мавжуд.

Йирик кутубхоналарда китобхонларга табақалашган хизмат кўрсатиш учун умумий ва ихтисослаштирилган ўқув заллари ташкил қилинади.

Ихтисослаштирилган ўқув заллари - кутубхона фондидан фаол фойдаланган холда мутахассисларни талабларини тўла қондириш мақсадида ташкил этилади. Ихтисослаштирилган ўқув заллари:

- Тармоқ ёки билим соҳалари,( ижтимоий-сиёсий табиий-илмий, техника ва бошқ) бўйича.

- Нашрларнинг турлари ва характерига кўра (янги адабиётлар кўргазма зали, вақтли матбуот, микрофильмлар, нотали нашрлар, овозли ёзувлар).
- Китобхонларнинг тайёргарлик даражасига кўра ёки гурухли (умумий ўқув зали, илмий ходимлар ўқув зали, академиклар ўқув зали, профессорлар ўқув зали ва бошқалар ) бўлиши мумкин.

Тармоқ ўқув заллари – китобхонларга бир билим соҳасига оид адабиётлар билан хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Бундай заллар кўпроқ илмий кутубхоналарда тарқалган. Уларда шу тармоқ бўйича ёрдамчи фонд ташкил қилинади, айрим турдаги мутахассисларга ёки бир-бирига боғлиқ тармоқ мутахассисларига хизмат кўрсатилади. Лекин бошқа китобхонлар ҳам шу залдан фойдаланишлари мумкин. Китобхонлар эътиборига шу тармоқ бўйича барча адабиётлар, маълумот нашрлари, вақтли матбуот нашрлари, маълумот-библиографик аппарати, мутахассис маслаҳати хавола қилинади. Бундай залларнинг камчилиги шундаки, бошқа билим соҳасига оид адабиёт зарур бўлиб қолса, китобхон бошқа залга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Гурухли ўқув заллари - ҳам илмий кутубхоналарда, универсал ва маҳсус кутубхоналарда кенг тарқалган. Масалан; А.Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида илмий ходимлар ўқув зали, ўсмирлар ўқув зали бор. Республика болалар кутубхонасида китобхонларнинг ёшига кўра катталар, кичик ёшдаги болалар ўқув зали хизмат кўрсатади. Бир гурухга мўлжалланган ўқув залларининг вазифаси – шу гурухга адабиёт танлашда ёрдам бериш, уларнинг талабини бажариш, жамоат ишига, касб малакасининг ошишига, эстетик, политехник, умумий билим олишига ёрдам беришдан иборат.

Нашр турларига кўра ўқув заллари – вақтли матбуот, диссертациялар, микрофильмлар, маълумот-библиографик нашрлари, чел эл адабиётлари, қўллэзмалар ўқув зали ва бошқалар бўлиши мумкин. Уларда маҳсус нашр турлари тўпланади. Масалан янги адабиётлар кўргазма зали китобхонларни янги адабиётлар билан таништириш ва ахборот бериш мақсадида ташкил қилинади. А.Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида янги адабиётлар кўргазма зали мавжуд бўлиб унда янги олинган нашрлар намойиш қилинади. Вақтли матбуот ўқув заллари китобхонларга янги газета ва журналлар ҳамда сўнгги 3-5 йилдаги газета ва журналлар билан таништиради.

Ўқув зали фаолиятини кўриб чиқишида ҳар бир ўқув зали учун муҳим бўлган қўйидаги масалаларни хал қилиш лозим:

- Ёрдамчи фонд таркиби,
- Маълумот-библиографик аппарати,
- Китобхонларга хизмат кўрсатиш ва китоб тарғиб қилиш,
- Ўқув залининг бошқа бўлимлар билан боғлиқлиги,
- Бошқа ташкилот ва муассасалар билан алоқаси.

Ўқув зали иши қоидаси –ўқув залида китобхонга берилган китоб ва журналларнинг формуляри китобхон формуляри ичига солиб қўйилади. Йирик кутубхоналарнинг ўқув залларида талаб варақалари ишлатилади. Ўзига керакли адабиётни олиш учун китобхон талаб варақасини тўлдиради ва уни ўқув зали кутубхоначисига топширади. Адабиётни олишда китобхон китобхонлик билетини беради ва назорат қофозини топширади. Китобхон ўқилган адабиётни топширгандан сўнг талаб варақаларидағи ёзув бекор қилинади.

Очиқ фондли ўқув залида адабиётларнинг берилиши китобларни санаб чиқиши асосида олиб борилади. Китобхонни ўзи китобларни токчага қайтиб қўймайди.

Истеъмолчиларга абономентда хизмат кўрсатиш. Кутубхонанинг фондидағи адабиётлар ва бошқа хужжатлардан кенгроқ фойдаланишга истеъмолчиларга имконият яратиш учун абономент бўлими ташкил этилади. Абонемент сўзининг луғавий маъноси- бирор бир нарсадан вақтинча фойдаланишга имкон бериш.

Абонемент- кутубхоначилик иш тажрибасида уйга вақтинча фойдаланиш учун кутубхонада мавжуд китблар ва бошқа хужжатларни бериш билан шуғулланадиган йирик бўлим. Адабиётлар китобхон томонидан қайтариш муддати аниқ белгиланган ва сақланишига тўла кафолат бўлган тақдирдагина берилади.

Китобхонларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатиш жараёнида абонемент бўлимини ўрни катта бўлиб, аввало у турли мазмундаги адабиётлар фондига, маълумот-библиографик аппарати ва тажрибали ходимларга эга бўлади. Бу эса ҳар бир китобхон билан алоҳида ишлаш имконини беради. Китобхонларни китоб танлашида, уларга адабиётларни тарғиб қилишда ўзига хос имкониятларга эга. Абонементда ўқиши маданиятини шакллантириш ва тарбиялаш, мустақил билим олишга ёрдам бериш, ахборот ишлари амалга оширилади. Абонементда яна кутубхоначи китобхон билан доимий, мунтазам иш олиб бориши мумкин. Бу ерда китобхон ва кутубхоначи мулоқоти ривожланади, китобхон қизиқиши, талаб ва эҳтиёжлари, ўқиши мақсадини аниқлаш ва уни мунтазам равища ўрганиш имконияти яратилади. Абонемент орқали уйга китоб бериш кутубхонанинг ижтимоий ташкилот сифатида жамиятдаги ўрнини оширади. Китобхон уйга китоб олар экан, уни нафақат ўзи балки оила аъзолари, дўстлари ҳам ўқиши мумкин. Шу маънода кутубхонага аъзо бўлмаган жуда кўплаб фуқаролар кутубхона китобидан фойдаланадилар.

Одатда, абонемент алоҳида бинода ёки хонада жойлашади. Катта бўлмаган ёки имконияти йўқ кутубхоналарда абонемент ва ўқув заллари битта хонада ташкил қилинади, кутубхоначи ҳам абономентда ҳам ўқув залида хизмат кўрсатади.

Абонемент якка тартибда ва жамоа абонементи бўлиши мумкин. Якка тартибда абонементда айрим фуқороларга китоб берилса, жамоа абонементида ўз кутубхонасига эга бўлмаган муассаса ва ташкилотларнинг

ишчи ва мутахассисларига китоб ва бошқа материаллар билан хизмат кўрсатилади. Кейинги йилларда барча оммавий кутубхоналарида оиласвий абонемент ташкил этилиб ундан кенг фойдаланилмоқда.

Абонемент бўлими ишининг асосий йўналишлари қуидагилардан изборат:

1. Китобхонлар қизиқишини ва сўровини ўрганиш.
2. Айрим китобхонлар гуруҳига ҳар томонлама хизмат кўрсатиш.
3. Китобхонлар билан якка тартибда ишлаш.
4. Китоб тарғиботи ва кутубхона тарғиботи бўйича оммавий ишларини олиб бориш.
5. Оммавий ахборот бериш.

Оммавий кутубхоналарда абонемент бўлими китобхонларга хизмат кўрсатишнинг асосий бўғини сифатида фаолият юритса. Илмий кутубхоналарда у ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки илмий кутубхоналарда адабиётлар нусхаси чекланганлиги ҳамда улардан фойдаланиш муддати ҳар хил бўлиши сабабли абонементдан фойдаланиш айрим китобхонларга, маҳсус рухсатнома асосида амалга оширилади.

Таълим тизими муассасалари кутубхоналарида абонемент иши бироз бошқачароқ. Чунки абонемент хизматидан минглаб китобхонлар – талабалар, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, хизматчилар фойдаланади. Йирик олий ўқув юртларида факультетлар бўйича алоҳида абонементлар ташкил қилинади ёки фан тармоқлари, кафедралар бўйича иш олиб борилади. Айрим факультетларда профессор-ўқитувчиларга ва талабаларга алоҳида абонементлар хизмат кўрсатса, баъзиларида кичик ва катта курсларга алоҳида хизмат кўрсатилади.

Абонемент турлари. Китобхонлар билан ишлашнинг мазмуни ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда кутубхоналарда абонементнинг у ёки бу шакли қўлланилади. Абонемент турларининг белгилашга кутубхона тури ҳам таъсир қиласди.

Ҳамма вазифани бир ёки иккита кутубхоначи бажарадиган кичик кутубхоналарда умумий абонементи ташкил қилинади. Кутубхоначи китобхонни кутубхонага аъзо қиласди, китоб тавсия қиласди ва ўқиган китобни қабул қиласди ва ва х.к. Шунингдек умумий абонементда китобхонлардан етакчи гурухлар танлаб олинади. Танланган гурухга хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Бу гурухларга: ўқувчилар, талаба-ёшлар, турли соҳа мутахассислар кириши мумкин. Уларнинг формуляри алоҳида ёки бирор бир белги билан ажратиб қўйилади..

Бир абонементда бир неча киши ишлайдиган кутубхонада китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бироз мураккаброқ. Хизмат кўрсатишнинг вазифалари улар ўртасида тақсимланади. Бундай ҳолда функционал, тармоқ ва гурухли абономент ташкил қилинади.

Функционал абонементда китобхонларга хизмат кўрсатишнинг маълум бир қисми бир кутубхоначига биркитирилади. Масалан: кутубхонага аъзо қилиш, ўқилган китобни қабул қилиш, токчалар ёнида ёрдам бериш,

олинаётган адабиётларни расмийлаштириш ва х.к. ишлар. Абонементнинг бу тури йирик кутубхоналарда кенг тарқалган. Бунда китобни қабул қилиб олиш, китоб бериш ишлари алоҳида кутубхоначи томонидан бажаради. Бундай хизмат кўрсатиш кутубхоначининг меҳнатини енгиллаштиради, аммо бунда китобхон бир вақтнинг ўзида бир қанча кутубхоначи билан муносабатда бўлади. Бундай ҳолатда фонд билан ишловчи кутубхоначи ҳар бир китобхон билан китоб ҳақида сұхбатлаша олмайди, китоб беришни расмийлаштираётган кутубхоначи эса китобхонга адабиёт тавсия қила олмайди, натижада техник ходимга айланиб қолади. Шунинг учун кўпгина кутубхона ходимлари бундай ҳолатдан чиқиш учун куннинг маълум соатлари ёки хафтанинг маълум кунларида у ёки бу вазифани бажаради. Шундагина ҳар бир кутубхоначи китобхонларга хизмат кўрсатишнинг ҳамма жараёнида қатнашиш имконига эга бўлади.

Гурухли абонемент- абонементнинг бу турида китобхонлар формуляр бўйича тақсимланган бўлади. Бу усул илмий ва оммавий кутубхоналарда кўлланилади. Бу абонементда китобхонлар ёшига, маълумотига, касбига кўра айrim гурухларга ажратилиб хизмат кўрсатилади, қизиқиши ўрганилади ва шуларга асосланиб адабиётлар тавсия қилинади. Китобхонлар гурухининг сонини белгилаш кутубхоначи ходимлар сонига боғлиқ. Болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарда китобхонлар кўпроқ ёшига кўра гурухлаштирилади.

Гурухли абонемент орқали хизмат кўрсатиш китобхонларга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш имконини беради. Кутубхоначи у ёки бу гурухни чуқурроқ ўрганади, унинг китобхонлик даражасининг ўсиб боришини кузатади, у билан ишлаш йўлларини белгилаб боради. Шунга қарамай гурухли абонемент хизмати айrim камчиликларга ҳам эга. Гурухларга ажратиш биргина умумий белгига кўра олиб борилади. Масалан, ишчи ёшлар гурухига турли ёшдаги, турлича маълумотга эга бўлган, мутахассислиги турлича бўлган китобхонлар кириши мумкин. Китобхонлар мустақил равишда адабиёт танлайдилар, шунинг учун улар билан иш олиб бориш бироз қийинчилик туғдиради. Шунга қарамай, очик фондли хизмат кўрсатиш шароитида кўпгина кутубхоналар бу абонемент туридан фойдаланмоқдалар.

Тармоқ абонементи – йирик илмий-универсал кутубхоналарда ташкил қилинади. Кутубхона фонди фан тармоқлари бўйича алоҳида ажратилади. Ҳар бир кутубхоначи бир фан тармоғи бўйича хизмат кўрсатади. Китобхонларга шу фан тармоғи бўйича юқори малакали хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади, китобхонларга китоб танлашда кўпроқ ёрдам беради. Адабиётларнинг мазмунан бир-бирига яқинлиги, фан тармоғини маълум бир қисми билан ишлаш, ўз бўлимининг адабиётларини мукаммал билиши ва китобхонларга умумий абонементдаги кутубхоначига нисбатан малакалироқ хизмат кўрсатиш имконини беради. Тармоқ абонементнинг салбий томонлари шундаки, китобхонни ҳар хил адабиётларга бўлган қизиқишлирини қондириш имкони йўқ. Кутубхоначи фақат ўз бўлимининг китобларини тавсия қила олади холос.

Тармоқ абонементи фақат йирик илмий универсал кутубхоналарда ташкил қилиниши мумкин. Чунки у илмий адабиётларга мунтазам талаб билан келувчи тажрибали китобхонлар талабини тўла қондиришга мўлжалланган бўлади.

Абонемент бўлими ишининг қоидаси. Абонементда китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бир қатор техник жараёнлардан иборат: китобхонни аъзо қилиш, адабиёт бериш ишини хисобга олиш, қизиқишини ўрганиш, адабиётларни тавсия этиш, адабиётлар хақида сухбатлар ва бошқалар.

Китобхонларни кутубхонага аъзо қилиш ва китоб бериш ишлари кутубхоналардан фойдаланишнинг мавжуд коидалари асосида амалга оширилади. Илмий ва оммавий кутубхоналарга китобхонни аъзо қилиш пайтида китобхонлик билети тўлдирилади. Марказлашган кутубхоналар тизими китобхонлари учун ягона китобхонлик билети берилади ва у тизимдаги барча кутубхоналар фондидан фойдаланиш имконини беради.

Ягона китобхонлик билетини қўллашга бўлган асосий талаб кутубхонанинг ҳамма таркибий бўлимларида китобхонни аъзо қилиш ва унга хизмат кўрсатишни ташкил қилишдан иборат. Ягона билетда китобхон ва кутубхона таркибий қисмлари хақида асосий маълумотлар берилади уларнинг иш вақти, телефонлари, манзили, кутубхонадан фойдаланишнинг қисқача қоидаси ҳам берилади. Китобхонга ягона китобхонлик билети бериш билан китобхонга иккита хисоб карточкаси ҳам тўлдирилади. Унда китобхон ҳақидаги барча маълумотлари: тураг жойи, иш жойи, кутубхонага аъзо бўлган вақти ва китобхон имзоси акс эттирилади. Илмий кутубхоналар китобхони учун хисоб варақасида кўпроқ маълумотлар берилади: миллати, иш жойи, олий ўқув юрти номи, китобхон фойдаланаётган бошқа кутубхоналар, тураг жойи, паспорт маълумотлари.

Китобхонни хисоб варақаси алоҳида картотекада исми шарифининг алифбоси тартибида жойлаштирилади бу эса китобхон ҳақида тезда маълумот топишда, уни назорат қилиб боришда керак бўлади Хар бир карточкага алоҳида тартиб рақам кўйилади. Хисоб карточкалари ёрдамида китобхонларнинг сонини аниклаш мумкин.

Оммавий ва ўқув кутубхоналарида хар бир китобхон учун алоҳида хужжати - китобхон формуляри тўлдирилади. Китобхон формуляри икки хил шаклда катталар ва болалар учун бўлади. У китобхонлар сонини, берилган адабиётларни хисобга олишда, китобхонлар қизиқишини ўрганишда, ахборот ишларида ва кутубхонани хисобот ишларида асосий манба хисобланади.

Формулярнинг юза қисмида китобхон ҳақида асосий маълумотлар берилади: ёши, маълумоти, касби, ўқув юрти, тураг жойи, иш жойи, аъзо бўлган вақти, ҳамда китобхонни кутубхонадан фойдаланиш қоидалари билан танишганлиги ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олганлиги ҳақидаги имзо бўлади.

Формулярнинг ички қисмида китобхонга берилган адабиётлар ёзиб борилади: унинг вақти, инвентар номери, бўлим индекси, китоб муаллифи ва

номи, китобхон имзоси. Формуляр ичига китобхонга берилган китобларнинг формуляри қўйилади. Китоб формуляри ёрдамида китобнинг ўқилиши ва қандай китобхонларга берилганини аниқланади, китобхон қизиқиши ўрганилади. Формулярининг сўнгги сахифасида “кутубхоначининг мулоҳазаси” берилади. Бу қисмда китобхоннинг яна қайси кутубхоналардан фойдаланаётгани, севган мавзуси, машғулоти, ва х.к. ёзиб борилади.

Илмий кутубхоналар абонементида берилган китблар формулярга ёзилмайди. Китоб фондидан талаб қилинган китобни олиш учун талаб варакаси тўлдирилади. Унда китобхон билетининг номери, талаб берилаётган вақти, китоб шифри, китоб хақида маълумот-муаллифи, номи, китобхон исми шарифи, имзоси бўлади. Талабнинг иккинчи қисмida кутубхоначининг талабни бажариш вақтидаги имзоси, рад этилганлиги ва унинг сабаби кўрсатилади.

Китобхонларга хизмат кўрсатиш самараси абонементнинг бошқа хизмат кўрсатиш шакллари билан, айниқса ўқув зали билан биргаликда олиб борадиган ишига боғлиқ. Абонемент ва ўқув залининг хамкорлиги оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишка, маълумот-библиографик ҳамда ахборот ишларини амалга оширишка ва китобхонлар қизиқишини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

### 3.3. Кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатишнинг замонавий шакллари.

Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизматини ташкил этишда кутубхоналардан ташқарида хизмат кўрсатиш ўзига хос аҳамият касб этади. Ҳар қандай кутубхона ҳам ўз худудидаги барча ахолини кутубхона хизмати билан тўлиқ қамраб ололмайди. Ҳатто ривожланган мамлакатлар тажрибасида ҳам бундай имкониятлар мавжуд эмас.

Айрим ривожланган мамлакатлар кутубхоналарини иш тажрибаларини ўргансак улар китобхонларни 15% -20% га яқинини кутубхоналардан ташқарида адабиётлар билан таъминлаш усулларидан фойдаланмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб истеъмолчиларни кутубхоналардан ташқари хизмат кўрсатиш усулларини янги усулларини шакллантириб техника воситаларидан самарали фойдаланмоқдалар. Ҳатто бу усулларини айримларини 2 сменада ишлашни таклиф қилмоқдалар. Бунга қўчма кутубхоналар мисол бўла олади.

Китобхонларни кутубхонага кўпроқ жалб қилиш, ахоли ўртасида ўқишини кенг тарғиб қилиш мақсадида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг кутубхонадан ташқаридаги хизмат кўрсатиш шаклларидан фойдаланилади. Бу ишлар кутубхоналар томонидан турли ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда, дала шийпонлари ва фермаларда, ётоқхоналарда, иш жойларида ташкил қилинади. Мақсад: китоб ва ахборотни

ҳар бир истеъмолчигага етказиш, стационар кутубхонадан узоқ жойда яшаётган ёки ишлаётган истеъмолчини китоб ва ахборотдан фойдаланиши учун имкон яратишдан иборат.

Кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Уларга асосан китоб бериш пунктлари, кўчма кутубхоналар, ҳамда бригада абонементи киради.

Кутубхона пункти – кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб, кутубхонанинг атрофида жойлашган ташкилот ёки муассасада ташкил этилган алоҳида бўлими. Унда кутубхона ходими ёки жамоатчи кутубхоначи иш олиб боради. Бундай пунктлар ўз кутубхонасига эга бўлмаган ётоқхоналарда, дам олиш жойларида, касалхоналарда, ташкил қилинади. Кутубхона пунктинининг фонди бир неча юз китобдан, бир неча минггacha бўлади. Унинг фонди ташкил этилган жойига кўра доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин.

Кутубхона пунктини ташкил этиш учун кутубхона ва ташкилот ўртасида шартнома тузилади. Бунда кутубхона ва ташкилотнинг мажбуриятлари- шартлари кўрсатилади. Жумладан, адабиётдар билан билан таъминлаш, услубий ёрдам кўрсатиш, жамоатчи кутубхоначига ёрдам, хонани ва бошқа воситаларни ажратиш, иш учун имкон яратиш ва х.к. Иш вақти ташкилот томонидан белгиланади.

Кутубхона пунктида кутубхона ходими ҳам ишлаши мумкин. Бунинг учун маълум кун ва соатлар белгилаб олинади. Агар маҳсус хона ёки керакли шароит бўлмаса, кутубхоначи китобларни ўзи етарлича олиб боради ва топширилган китобларни қайтариб олиб келади.. Кутубхона пунктларининг фонди мазмунан универсал ва ихтисослаштирилган бўлади. Фондни тўплашда китобхонлар таркиби, уларнинг қизиқиши, талаблари, ташкил этилган жой хусусиятлари хисобга олинади.

Ихтисослаштирилган фондни тўплаш учун, масалан қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришга оид бўлса, асосий долзарб масалалар, ишлаб чиқариш вазифалари хисобга олинади. Китоб бериш пункти фондида ҳар бир китобхонга 2-3 тадан китобтўғри келиши мақсадга мувофиқдир. Пунктда берилаётган адабиётлар алоҳида дафтарда хисобга олинади. Адабиётлар 2 ойда бир ёки икки марта алмashiб турилади..

Кутубхона пункти ташкил этилаётганда ҳар бир пункт учун “кутубхона пункти формуляри” икки нусхада юритилади. Формулярнинг ички томонида келтирилган китоблар хақида, кутубхонага қайтарилилган адабиётлар хақида маълумот ёзилади. Бу кутубхона пункти ҳақидаги асосий хужжат хисобланади, у кутубона пункти паспорти деб ҳам аталади. Формулярда китоб бериш пунктининг фонди ҳақидаги маълумотлардан ташқари, унинг иш вақти, қайси муассасада очилгани, кутубхоначи ҳақида маълумот берилади.

Пунктда китобхонлар билан олиб борилаётган иш асосий кутубхонада белгиланган китобхонларга хизмат кўрсатиш вазифаларига асосланган. Пункт ходими ҳар бир китобхон билан алоҳида иш олиб бориши, унга китоб танлашда ёрдам беради. Ҳар бир китобхон учун китобхон формуляри

тўлдиради, китобхондан адабиётларга талаб олади, пунктда мавжуд бўлмаган адабиётлар учун талабни асосий кутубхонага жўнатади ва бажарилишини назорат қилади. Пунктда янги адабиётлар бюллетени, адабиётлар рўйхати, китоб кўргазмалари, библиографик шархлар, китоб мухокамалари каби оммавий тадбирлар ўтказилиши лозим.

Ихтисослаштирилган кутубхона пунктлари қоидага кўра мутахассислар учун ташкил қилинади. Бундай китоб бериш пунктларида мутахассисларни ўзлари асосий кутубхона ходими билан бирга китоб фондини тўлдириш билан шуғулланадилар, уни тарғиб қилиш, тавсиялар ва маслаҳатлари билан ёрдам берадилар. Ихтисослаштирилган кутубхона пунктлари мутахассисларга соҳага оид янги адабиётларни, илғор иш тажрибаларни ҳар бир мутахассисга, ишлаб чиқариш корхонасига тезкорлик билан етказишга имкон беради.

Кутубхона пунктида китобхонлар сони, китоб берилиши, қатнов, оммавий тадбирлар “китоб бериш пункти кундалиги”да хисобга олиб борилади. Якуний натижалар “пункт формулярига” кўчирилади.

Кўчма кутубхоналар- асосий кутубхонадан узоқ жойдаги ахолига кутубхоначилик хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этиладиган кутубхонадир. Унга библиобуслар, кутубхона вагонлар ва бошқалар киради.

Библиобуслар маҳсус жихозланган автомашинадан иборат кутубхона. Улар яшаш ва меҳнат жойига кўра асосий кутубхонага кела олмайдиган китобхонларга хизмат кўрсатади. Масалан:, яйловлардаги чўпонлар ва уларни оиласига, кичик ахоли пунктларида яшайдиганларга, асосий кутубхонадан узоқдаги китобхонларга ва х.к.

Библиобус ўз кутубхоначиси ва китоб фондига эга бўлади. Унда справка-баблиографик ва ахборот хизмати кўрсатилади, якка тартибдаги ишлар олиб борилади. Библиобус аввалдан белгиланган, вақти ва бекати аниқ бўлган йўналиш бўйича харакат қилади.

Библиобус фондии универсал характерга эга бўлиб, унда китоблар, вақтли матбуот материаллари, болалар учун адабиётлар бўлиши шарт. Фонд 3-4 ойда янгиланиб турилади. Адабиётларни танлашда китобхонларнинг қизиқиши ва талблари хисобга олинади. Китобхонларнинг талбларини тўла қондириш учун асосий кутубхона фондидан тўла фойдаланилади. Бунинг учун библиобусда кутубхона фондидаги ҳар қандай адабиётга талаб берилиши мумкинлиги ҳакида хабар бўлиши керак. Библиобус шахарларда 10 кунда бир марта харакатда бўлади, қишлоқ жойларида бир ойда бир марта хизмат кўрсатади. Ҳар бир “бекат”да эса 3 соатгача тўхташи мумкин. Библиобус кутубхоначиси китобхонларга турли маълумотлар бериш билан шуғулланади.

Библиобуснинг харакат йўналиши ва иш вақти ҳар ойда белгилаб борилади. Иш жадвалида китобхонларга хизмат кўрсатиш, кутубхона пунктларига чиқиш, шахобчаларга янги адабиётларни етказиб бериш, китоб алмашиш ва бошқа эҳтиёжлар вақти кўрсатилади. Бу жадвал кутубхона раҳбари тасдиқланади. Библиобусда китоб берилиши ва китобхонлар сони асосий кутубхона кундалигига хисобга олинади.

Бригада абонементи- меҳнат жамоаларига хизмат кўрсатишнинг ўтган асрнинг 80- йилларида кутубхоналар тажрибасига кириб келган илғор шакли. Унинг иш мазмуни қуидагича: ҳар бир меҳнат жамоасига бригада аъзоларининг талаби ва қизиқишига қўра китоб тўпланади ва улар жамоа формулярига ёзилади. Бу ерда бригада ва кутубхона тенглик асосида иш олиб борадилар. Кутубхона ўз имкониятларидан унумли фойдаланган холда бригада аъзоларига зарур адабиётларни, библиографик ахборот манбаларини топиб беради. Бригада эса кутубхона томонидан берилаётган барча матбуот асарларини сақлаш ва ўз вақтида қайтариш масъулиятини олади. Бундай тенглик ва ишонч асосида кутубхонанинг меҳнат жамоаси орасида обрўси ошади. Сурхондарё, Тошкент вилоятлари кутубхоналарининг бу соҳадаги иш тажрибаси шуни кўрсатадики, бригада абонементи таъсирида ишчи китобхонлар сони ортган. Иккинчидан, бригада аъзоларида китобга тўғри муносабатда бўлиш, жамоатчилик масъулияти хисси ривожланган. Учинчидан, китобхонларни қизиқтирган энг яхши адабиётларни тўплаш, ишчиларда кутубхонага ва кутубхоначига ишончни пайдо қилган. Тўртинчидан, бригада абонемент ўқилган адабиётни жамоа ўртасида мухокама қилиш имконини беради, ўқиш асосида маънавий муносабатда бўлинади.

Бригада абонементи ташкил қилиш учун асосий кутубхона шу иш усулини ташкил мумкин бўлган бригадани танлайди, уларнинг қизиқиши ва талабларини ўрганади, бригада ва кутубхона ўртасида маълум бир муддатга шартнома тузилади. Кутубхоначи бригада аъзоларини кутубхонадан фойдаланиш қоидалари билан таништиради, талаб бериш қоидаларини кўрсатади. Кутубхона бригада талабларига қўра фондни тўплайди ва бир ой муддатга беради. Агар китоблардан бирортаси яна керак бўлса, фойдаланиш муддати узайтирилади. Тўпланган адабиётларни бригада бошлиғи ёки фонд учун жавобгар шахс қабул қилиб олади. Уларга рўйхат тузилади, кўчирмасини ўзи билан олиб кетади. Ҳар бир китобга хисобга олиш варақаси ёпиштирилади, унга китобхон ўзи хақида маълумотни ёзиб қўяди. Китоб берилишини жамоанинг ўзи хисобга олиб боради. Ҳар бир бригада учун бригада формуляри юритилади. Унда бригада хақида маълумот, бригадир, аъзолар рўйхати, формуляр тартиби берилади.

Бригада абонементининг асосий вазифаси эса жамоа билан кутубхона ўртасида китоб орқали муносабатни шакллантиришdir.

Кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатиш усул ва шакларини ташкил килишда айнан шу регионда қайси шакл афзал эканлигини белгилаб олиш зарур. Тажриба шуни кўрсатадики, шахар жойларда қўпроқ кутубхона пунктларидан фойдаланиш қулай ва зарур, қишлоқ жойларда эса қўчма библиобуслар қўпроқ қўлланилади.

Кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатиш ишларини марказлаштиришда маҳсус бўлим- кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатиш бўлими амалга оширади. Бўлимнинг асосий вазифас- кутубхона пунктлари ва қўчма кутубхоналар ташкил қилиш, улардаги адабиётларни ўз вақтида алмаштириш ва янги адабиётлар билан таъминлашдан иборат. Бўлим

китобхонларнинг касб картотекасини ташкил қиласди. Уни ёрдамида китобхонлар таркибига асосланиб пунктлар фондини тўлдириш ишларини амалга оширади. Бўлим ходимлари жамоатчи қутубхоначиларга китобхонларга хизмат кўрсатиш ишларида, оммавий тадбирлар тайёрлаш ва ўтказишда маслаҳатлар, услугбий ва амалий ёрдам берадилар.

Кутубхонадан ташқарида хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўлими қуидагиларга эга бўлиши керак:

1. Кутубхона пунктларнинг жойлашиш тартиби;
2. Кутубхона пунктлари ва кўчма кутубхоналарда китоб алмасиши жадвали;
3. Кутубхона пунктлари ва кўчма кутубхоналар китобхонларининг йигма касб картотекаси;
4. Жамоатчи кутубхоначиларга услугбий ёрдам кўрсатиш режаси, семинарлар, турли амалий машғулотлар, маслаҳатлар, катновлар жадвали.

### 3.4. Кутубхоналарро ва халқаро абонемент: хозирги холати, муаммолари ва ривожлантириш йўллари.

Кутубхоналарро абономент (КАА) – китобхонларнинг талабини ўз вақтида, ҳар томонлама бажаришга қаратилган, мамлакат кутубхоналарининг ўзаро китоб алмашув шакли. КАА китобхонга яшаш ёки ишлаб турган жойидаги кутубхона фондида мавжуд бўлмаган китобни бошқа кутубхоналар фондидан олиб фойдаланиш имконини беради.

КАА хизматига бўлган талабалар шундан келиб чиқадики, биринчидан йирик кутубхоналар ҳам республикада ва ундан ташқарида нашр қилинган асарларни барчасини олиш ва сақлаш имконига эга эмаслиги, иккинчидан, фанларни бирлашиб кетиши ёки табакаланиши натижасида истеъмолчиларнинг адабиёт ва ахборотга бўлган талаб ва қизиқишлигини ошиши ва мураккаблашиб бориши, учинчидан, маълум бир региондаги кутубхоналарнинг фондлари хақидаги йигма каталогларнинг, яратилиши, мамлакат кутубхоналари фондлари хақидаги ахборотларнинг нашр этилиши, адабиёт ва ахборотга бўлган талабларни етказишда замонавий техника воситаларидан фойдаланиши жадаллашиши, ушбу шаклдан фойдаланишга имкон яратмоқда.

Йирик кутубхоналар фондидан юкори даражада унумли, фойдаланиш КААнинг келгуси тараққиёти учун муҳим ахамиятга эга. Миллий ва халқаро

миқёсда кутубхоналар фондидан доимий равища ахборот алмашувисиз фан ва техниканинг тараққиётини тасаввур этиш қийин.

Ўз моҳиятига кўра КАА турли муассасага қарашли ва турли даражадаги кутубхоналарнинг, илмий ахборот ташкилотларининг миллий ва халқаро миқёсдаги вазифаларини бирлаштириш, ҳамда кутубхоначилик иши соҳасида келишилган ва кенг тарқалган ҳамкорлик шаклини таъминловчи хизмат кўрсатиш усули хисобланади.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг бу шакли узоқ тарихий тараққиётга эга. Уни пайдо бўлиши XX аср бошларига тўғри келади. Ўтган асрнинг 30 йилларга қадар КАА асосан йирик илмий кутубхоналардагина қўлланилган. Оммавий кутубхоналарда бу усулдан деярлик фойдаланилмаган..

1955 йилда Ўзбекистон Маданият Вазирлиги “Кутубхоналараро абонемент хақида Низом” қабул қилди. Низом қайси муассасага қарашлигидан қатъий назар барча кутубхоналар учун мажбурий хужжат эди. Унда нашрларни алмашиш, талабларни бажариш муддати ва КАА ёрдамида адабиётлардан фойдаланишнинг ягона қоидалари кўрсатиб берилди.

КААнинг тараққиётидаги кейинги босқич 1969 йил қабул қилинган “Кутубхоналараро абонементнинг ягона умумдавлат тизими” хақидаги Низомдан сўнг бошланди. Низомнинг қабул қилиниши билан КААнинг Ўзбекистон миқёсидаги ягона тизими дунёга келди. КААнинг марказлари, унинг вазифалари, талабларнинг бажаришнинг ягона қоидаси аниқлаб берилди.

Фан ва ишлаб чиқаришнинг ўсиб бориши билан ахборотга бўлган талаблар КААнинг такомиллаштирилишини тақозо қила бошлади. КААда хизмат кўрсатиш жараёнларини, асосий технологик ва функционал жараёнларни бир хиллаштириш, янги иш усулларини жорий қилиш, механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситаларидан фойдаланишни йўлга қўйиши талаб қилди. Кутубхоначилик ва ахборот муассасалари учун мажбурий бўлган ягона хужжат –“ГОСТ 7.31-81 Кутубхоналараро абонементнинг ягона умумдавлат тизими” - эълон қилинди. 1990 йил 1 январдан бошлаб кутубхоналар тажрибасида янги хужжат –“ГОСТ 7.31-89 Кутубхоналараро абонементнинг ягона умумдавлат тизими. Умумий талаблар” ишлатила бошланди. Бу хужжат КААда қўлланиладиган талаб қоғозларига янгилик киритди, ҳамма кутубхоналар фаолиятида КААдан фойдаланишдан ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқани ташкил қилишни такомиллаштириш ва иш жараёнидаги айrim тартибларни ўзгартирди. Масалан, нусха кўчириш, микрофильмларни қўллаш рад жавобларини сонининг камайишига, кўп сўраладиган адабиётларга бўлган талабларни тўла бажариш имконини берди. КААнинг моддий-техник асоси мустахкамланди. КАА марказлари нусха кўчирувчи ва микрофильмлар олувчи аппаратлар, телетайплар, факслар ва компьютерлар билан жихозланди.

КААнинг ягона умумдавлат тизими. КААнинг марказлари.

Кутубхоналаро абонементнинг ягона умумдавлат тизими давлатларнинг хўжалик-маъмурий бўлинишига кўра тузилади, бунда кутубхоналар шахобчалари ва илмий ахборот марказларининг жойлашганлиги, шу регион кутубхоналари фондининг хажми ва мазмуни (вилоят, шахар, туман) хисобга олинади. Ягона умумдавлат тизимиға қайси муассасага қарашлигидан ва китоб фондининг ҳажмидан қатъий назар ҳамма кутубхоналар киритилади.

Барча кутубхоналар ва илмий ахборот марказларининг Кутубхоналаро абонемент орқали бажарадиган хизматининг мазмуни қуидагича бўлади: абонентларнинг талабларини асл ёки кўчирма нусхаларда бажаради, бунда ўз кутубхонаси, илмий ахборот органлари фонди ёрдам беради, келган талаб мазмунига кўра библиографик қидириш ишини олиб бориш, келган талабнинг мазмунига кўра тегишли кутубхоналарга ўз кутубхонасида бажарилмаган талабларни жўнатиш, абонентлар талабининг бажарилишини ва матбуот асарларидан фойдаланиш муддатига риоя қилинишини назорат қилиб бориш, абонентларни талабларнинг қайси кутубхоналарга жўнатилгани хақида хабар билан таъминлаш, уларни навбатга қўйиш.

КААнинг ягона умумдавлат тизимининг асосий босқичлари – унинг марказларидир. КААнинг маркази бўлиб, ўз фаолияти доирасида, йўналишида кутубхоналар фондидан КАА орқали фойдланишни мувофиқлаштириб турувчи кутубхона хизмат қиласи.

КААнинг маъмурий марказлари - бу аниқ бир вилоят, туман, шахарнинг йирик кутубхонаси бўлиб, у маълумот аппарати, малакали кадрлар, нусха қўчирувчи воситалар, КАА маркази вазифасини бажарувчи аниқ асосга эга бўлади.

Улар ўз навбатда қуидагича бўлиниади:

1. универсал
2. тармоқ
3. маҳсус ёки ихтисослашган.

Универсал марказлар – қоидага кўра давлат оммавий кутубхоналари, туманда туман марказий кутубхонаси, шахарда-шахар марказий кутубхонаси, вилоят ва Республика миқёсида –Республика ёки соҳа кутубхонаси.

Ўлка тармоқ марказлари бўлиб турли тизим ва муассасага қарашли илмий ва маҳсус кутубхоналар хисобланади. Унинг таркибиға тиббиёт, қишлоқ хўжалигига оид республика ва вилоят кутубхоналари, марказий илмий техника кутубхонаси, Фанлар Академиясининг фундаментал кутубхонаси ҳисобланади.

КАА тизимида илмий техника ахбороти муассасалари тармоқлараро маъмурий бўлинмалари фаол иштирок этаётганлиги учун улар хужжатларнинг маҳсус турлари бўйича маҳсус марказлар деб белгиланди. КААнинг маҳсус марказларига алохида китобхонлар гурухига хизмат кўрсатаётган республика ва вилоят кутубхоналари (масалан, кўзи ожизлар кутубхонаси) ҳам киритилган.

КАА марказларининг вазифалари:

- Махсус кутубхоналарнинг ва тамоқ тизимининг КАА фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;
- Услубий рахбарлик ва услубий ёрдам бериш;
- Ўз китоб фондидан абонентлар талабини бажариш ва тегишли йўналиш бўйича талабларни жўнатиш;

Кутубхоналарро абонементнинг тармоқ маркази бўлиб, гуманитар ва техника фанлари бўйича Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, медицинага оид фанлар бўйича Республика медицина кутубхонаси, педагогика фанлари бўйича Республика илмий педагогика кутубхонаси, табиий-илмий фанлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг асосий кутубхонаси марказ хисобланади. Миллий кутубхонада КАА масаласи бўйича муассасаларро бўлим ишлаб турибди. Республикада КААнинг келгуси тараққиёти қуидаги муаммоларни хал қилишни талаб этади: йиғма каталоглар тузиш, КАА марказларининг моддий-техник асосини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва бошқалар.

**КАА иши қоидаси ва уни ташкил қилиш услублари.**

1. Талабларни қабул қилиш ва улар билан ишлаш.

КАА бўйича талаб бевосита абонентдан тушади. “ГОСТ 7.31-89 Кутубхоналарро абонементнинг ягона умумдавлат тизими. Умумий талаблар” га кўра КАА орқали эндиликда фақат илмий ва ишлаб чиқаришга оид адабиётларга эмас, балки ўқув ва бадиий адабиётларга бўлган талаблар ҳам (фақат илмий мақсадлар учун) бажарилади. Кутубхона фондида мавжуд бўлмаган адабиётга талаб қоғози тўлдирилади:

- а) талаб қоғози асл нусха тилида тўлдирилади;
- б) нашр ҳақидаги маълумотлар талаб қоғозининг ҳамма қисмларида бир хил берилиши шарт;
- в) нотўғри тўлдирилган талаб қоғози абонентга тўлдириш ва тўғрилаш учун қайтарилади.

Кўпгина кутубхоналарда талабни аниқлаш, тахлил қилиш КАА бўлими кутубхоначиси томонидан бажарилади. Талаб қоғози З қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир сўралган асарга алоҳида тўлдирилади. КАА бўйича масъул шахс имзо ва кутубхона муҳрини босади.

Талаб қоғозининг 1-қисми абонентга абономент очиш ва талабни бажариш учун керак бўлади ва талабни жўнатаётган кутубхонада қолади. 2-қисми биринчининг нусхаси бўлиб, абонентга қайтариш муддатини кўрсатиб нашр билан бирга берилади. 3-қисми талабни бажараётган кутубхонада қолади, китоб формуляри сифатида ва талабни навбатга қўйиш мақсадида фойдаланилади.

Талаблар почта, телетайп, телефон орқали бажарилади. Телетайп орқали талаб бериш билан бирга керакли кутубхонанинг турар жойини, адабиётлардан фойдаланиш муддатини узайтиришда алоқа ўрнатиш мумкин.

## 2. Нашрларни бериш ва қабул қилиш.

Абономентлар талабини бажаришда кутубхонанинг турли бўлимлари қатнашади, аммо талабнинг тўғри бажарилиши ва жўнатилиши, ўз вақтида қайтарилишини КАА бўлими ёки сектор назорат қилади. Талаб қоғозида талабни бажариш жараёни акс этиб боради, нашр шифри, берилган адабиёт сони, талабнинг бажарилган ва берилган вақти кўрсатилади. Талабни бераётган кутубхона талаб қоғозида адабиётни қайтариш муддатини кўрсатади, талабни жўнатаётган кутубхона номини кўрсатади. Талаб почта орқали жўнатилади, йўл хақини шу кутубхона тўлайди, адабиётдан фойдаланиб бўлгандан сўнг яна почта орқали қайтарилади ва шу йўл хақини кутубхона абонент тўлайди. Йўл хақини кўрсатувчи хужжатлар тўпланади ва ҳар ойда бухгалтерияга топширилади.

КАА ишини ташкил қилиш, талабларнинг бажарилишини хисобга олиш ва назорат қилиб бориш учун КАА бўлимида иккита картотека юритилади:

1. кутубхона фондидан берилган адабиётларнинг талаб қоғозлари.
2. қайтарилган адабиётларнинг талаб қоғозлари.

## 3. Талабларни жўнатиш тартиби.

Агар китобхон аъзо бўлган кутубхона фондида керакли нашр бўлмаса, кутубхона ўзига яқин кутубхонага талаб билан мурожаат қилади. Масалан, ахборот- ресурс маркази, ахборот- кутубхона марказига ёки тармоқ кутубхонасига мурожаат қилади. Агар бу ерда ҳам зарур нашр бўлмаса, талаб республика миқёсидаги марказий кутубхоналарга жўнатилади. Бунда шуни хисобга олиш керакки, нашр бевосита қайси марказий кутубхоналар соҳасига тегишли эканлиги ёки мавжуд бўлса йиғма каталоглар ёрдамида аниқлаб олинади. Талаблар туманда ва вилоятда йўқ ёеган тегишли белгилар билан таъминлангандан сўнг, республика аҳамиятидаги марказий кутубхоналарга жўнатилади.

## Халқаро абонемент.

Халқаро КАА илмий ходимлар ва мутахассисларнинг чет эл адабиётларига бўлган талабларини қондиришга хизмат қилади. Сўралган адабиётлар Ўзбекистон Республикаси кутубхоналарида мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу адабиётлар чет эл кутубхоналари фондларидан вақтинча олиб фойдаланиш амалга оширилади.

Республикамизда чет эл кутубхоналари билан бевосита Ўзбекистон Миллий кутубхонаси халқаро абонемент орқали алоқа қилади. Бошқа кутубхоналар ушбу кутубхона орқали ўз абонентларига хизмат кўрсатади. Ўзбекистон миллий кутубхонаси халқаро абонемент орқали китобхонлар талабини бажаради, чет эл нашрларини олади, чет эл кутубхонарининг бизнинг адабиётга бўлган талабини бажаради, ўзга мамлакат кутубхоналари билан ёзишмалар олиб боради, чет эл кутубхоналари билан шартномалар тузади.

Бундай тизимда хизмат кўрсатиш китобхонларга қулайлик яратади, улар яшаш жойидан қатъий назар чет эл адабиётларидан фойдалана оладилар.

Халқаро КААнинг яна бир ахамияти шундаки, чет эллик китобхонларнинг ватанимиз адабиётларига бўлган талаблари ҳам қондирилади.

Халқаро КАА орқали китоблар, серияли нашрлар, ноталар, техника адабиётларининг махсус турлари берилади. Талабларни жўнаташида дунёнинг йирик кутубхоналари фонди ҳақидаги босма, йиғма каталоглардан, миллий ва тармоқ библиографик кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўлланиладиган талаб қоғозлари ҳамма кутубхоналари учун ягона бўлади.

Кутубхоналар талабни телетайп орқали ёки талаб-қоғозлари орқали олади. Талаб қоғозлари лотин ёзувида ёки асар тилини асл нусхасида тўлдирилади. Халқаро абонемент орқали китоблар, ноталар, вақтли матбуот нашрларининг айrim турлари жўнатилади. Кўлёзмалар, диссертациялар, тасвирий санъат асарлари, хариталар, катта хажмдаги хужжатлар, ноёб ва қимматбахо нашрлар жўнатилмайди.

Ўзбекистон Республикаларининг халқаро абономентдан фойдаланишининг қоидалари тайёрланмоқда. Халқаро абономентни ривожлантириш чет эл китобхонларини Ўзбекистонда босмадан чиқсан матбуот асарлари билан таништиурса, ўз навбатида чет эл мамлакатларининг фан- техника ва маданият янгиликларидан хабардор бўлишда ўзига хос ахамият касб этади. Халқаро кутубхоналарро абонемент хизматини ташкил этишда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Халқаро абонементдан унумли фойдаланишга кутубхоналарда валюта маблағини камлиги ёки деярлик йўқлиги тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон кутубхоналарини чет эл кутубхоналари билан халқаро абонемент фаолиятини янги, ўзаро хамкорлик қилиш йўлларини излаб топиш масалалари юзага келмоқда.

#### 4-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатишнинг шакл ва усувлари.

4.1. Истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатишнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

4.2. Якка тартибда хизмат кўрсатиш усувлари.

4.1. Истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатишнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

Кутубхоналарни китобхонларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Кутубхоналарда хар бир китобхон билан маълум даражада иш олиб борилади, китобхон билан кутубхоначи ўртасида бевосита мулоқот бўлади.

Кутубхоначи доимо китобхон билан якка тартибда ишлашга алоҳида ахамият беради. Якка тартибда ишлашни мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш кутубхоначидан ўзига хос махоратни талаб қиласди. Кутубхоначи ўз китобхонларини ҳар тарафлама яхши ўрганиб улар билан ишлаш имкониятига эга бўлган тақдирдагина якка тартибда ишлаш услубларини амалда қўллаш имкониятини қўлга киритади.

Бунинг учун ҳар бир китобхонни қизиқишини, китобхонлик диidi, адабиётларни қабул қилиш қобиляти, китобхонлик даражасини ўрганиш зарур. Шу сабабли якка тартибда ишлаш ўзига хос ахамият касб этади.

Якка тартибда хизмат кўрсатишнинг вазифаси:

- китобхонлик қизиқишини ва талабини ҳар томонлама тўлиқ бажариш;
- мустақил равишда китоб танлашга кўмаклашиш;
- адабиётларни якка тартибда тарғиботи ва тавсиясини ташкил этиш, адабиётлар ҳақида ахборот бериш ва каталоглардан фойдаланишга ўргатиш.

Кутубхоначи китобхонни ўқиши маданиятини шакллантиришга кўмаклашади, маслаҳат беради. Очиқ китоб фонди шароитида ундан фойдаланишни, талаб варагини тўғри тўлдиришни шакллантиради. Бу ўз навбатида кутубхонашунослик ва библиографик билимлардан фойдаланиш қобилятини тараққиётига кўмаклашиш.

Китобхонга хизмат кўрсатиш ўзига хос фаол жараён кутубхоначини китобхон билан ўзаро хамкорлигидир. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики кутубхоначи китобхонга фақат кўмаклашиш эмас, аксинча уни ўқишини камол топтирувчи ҳамдир.

Якка тартибда китобхонлар билан ишлашнинг самарадорлиги кутубхоначининг ўз иш фаолиятини қай даражада ташкил этишга боғлиқ.

Китобхонларга якка тартибда хизмат кўрсатиш қўйидаги тартибда амалга оширилади. Кутубхоначи китобхонларни матбуот асарларига бўлган талабини қондиради, адабиётлар тарғиботини ташкил қиласди, энг яхши адабиётларни танлайди, адабиётлар ҳақида ахборот беради, ўқиши маданиятини шаклланишига кўмаклашади, китобхонларга зарур масалаҳатлар беради.

Бу жараёнларни мақсадга мувофиқ ташкил этилиши китобхонларга хизмат кўрсатишни шу жумладан унинг таркибий қисми бўлган якка тартибда ишлаш усулларини янада камол топишига асос бўлиб хизмат қиласди.

Китобхонларга хизмат кўрсатишни янги усуллари шаклланмоқда, янги ахборот бериш тезлик билан тараққий этмоқда. Компьютер ва бошқа техника воситаси орқали ахборот бериш китобхон ва кутубхона фаолиятидан мустахкам жой олмоқда.

#### 4.2. Якка тартибда хизмат кўрсатиш усуллари.

Ўзбекистон кутубхоналарида истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатишнинг турли усуллари қўлланилмоқда. Истеъмолчиларга якка

тартибда хизмат кўрсатиш усулларини камол топиши кутубхоналар фаолиятини ривожлвишини асоси бўлиб хизмат қиласи.

Истеъмолчиларга якка тартибда хизмат кўрсатиш кутубхоначидан маълум бир тайёргарликларни талаб қиласи, жумладан, кутубхоначини китоб беришга тайёрланиши. Кутубхоначининг китобхонларга якка тартибда хизмат кўрсатиш фаолиятини муваффақиятли бўлиши учун кутубхоначи доимо унга тайёргарлик кўриши керак. Китобхонларни турли хил сўров ва талаблари кутубхоначидан доимий равишда мамлакатдаги ва чет эллардаги ижтимоий- сиёсий, маданий ва илмий- техника янгиликларидан хабардор бўлиши, шунингдек кутубхоначига хос бўлган маҳсус билимларни: кутубхона фонди ва уни маълумот-библиографик аппаратини, маълумотнома адабиётларни, асосий библиографик қўлланмаларни билиши, замонавий техника воситаларидан фойдаланишини эгаллаган бўлиши керак.

Ҳар бир кутубхоначини тайёргарлиги уни даврнинг энг мухим вазифаларини аниқлашдан бошланади. Китоб беришни бошлашдан олдин кутубхоначи газета ва журналлар билан танишиб чиқади, мухим мавзуларни танлаб уларга оид адабиётларни тўплайди.

Мухим мавзуларга оид тўпланган адабиётлар ҳар томонлама ўрганилаб уларни тарғиб этиш йўллари белгиланади. Китоблар китобхонларга қанчалик яқинлаштирилса китобхонларни фонддан фойдаланишлари шунчалик осонлашади. Танланган адабиётларни қандай қилиб китобхонларга ахборот бериш ҳақида фикр юритилади. Кундалик иш фаолиятида кутубхоначи турли китоблар ҳақида сұхбат ташкил этади. Бундай сұхбатларга мунтазам равишда адабиётларни ўқиб тайёрланиш керак. Кўп китобларни ўқишга тўғри келади, мутахассисларга мурожаат этиш, тақризлардан, библиографик қўлланмалардан фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди.

Китобхонни кутубхонага аъзо этишдаги сұхбат. Китобхонни ўрганиш, қизиқишини аниқлаш уни кутубхонага аъзо этишдан бошланади. Оммавий кутубхоналар китобхонни кутубхонага аъзо этишда китобхон формуляридан фойдаланадилар. Йирик кутубхоналар эса хисобга олиш ва рақасидан, китобхон билетидан фойдаланадилар.

Китобхонни кутубхоначи билан илк сұхбатига кўп нарса боғлиқ. Сұхбат қанчалик самимий, ўзаро муносабатда шаклланса китобхоннинг келгусидаги фаолияти учун замин яратилган бўлади.

Кутубхоначи китобхонни кутубхонага аъзо этар экан, уни қизиқкан мавзусини, соҳасини, ёзувчи ва шоирларни, адабиёт жанрларини аниқлаб олади. Баъзи кутубхоналар бундай маълумотларни китобхонлик қизиқиши ва рақасида алохида рўйхатга олади.

Илмий кутубхоналар китобхонларни кутубхонага аъзо этиш вақтида қайси мавзу билан шуғулланишларини билиши мухим. Бундан мақсад келгусида уларни соҳаларига оид ахборотлардан хабардор этиш мақсадида хисобга олинади. Бу маълумотлар маҳсус картотекада акс эттирилади. Шунингдек барча турдаги кутубхоналарда кутубхонага аъзо қилиш вақтида кутубхонанинг умумий тузилиши, булимлари, кутубхона фонди, уни

маълумот-библиографик аппарати ва бошқа хизмат кўрсатиш имкониятлари ҳақида маълумотлар берилади.

Китобхонлар сўровини бажариш. Китобхонларни сўрови асосан икки хил бўлади:

1. Аниқ сўровлар.
2. Ноаниқ сўровлар.

Аниқ сўровлар. Кўпинча китобхонлар кутубхоналарга аниқ адабиётларни сўраб мурожаат этадилар. Бунда муаллиф, китобни номи ёки сарлавхаси, бирор бир мавзуга оидлиги аниқ бўлади.

Кўпгина китобхонлар адабиётларни ўзлари излаб топишга харакат қиласидилар. Бунда улар каталог ва картотекалардан ва библиографик қўлланмалардан фойдаланадилар. Шу билан бирга улар кутубхоначига ҳам мурожаат этадилар. Тажрибали китобхонлар кутубхоначини кўмагида каталогдан ўзларига зарур адабиётларни қидириб топадилар.

Аниқ сўровлар бирор мавзуга ёки айрим асарга оид бўлиши мумкин. Аниқ сўров берилганда ҳам кутубхоначи китобхонни хусусиятларини хисобга олиши шарт, агар асар эскирган, талаб даражасида бўлмаса шунга ўхшаш янги адабиётни, агар китобхон учун асар мураккаб бўлса, мазмун жихатидан ўзлаштиришга соддароқ асарни тавсия этади.

Бундай холда кутубхоначи ўта эҳтиёткор бўлиб сабр тоқат билан сўралган адабиётни алмаштириш сабабларини тушунтиради. Баъзан айрим сўровларда ноаниқликлар бўлади, асарни муаллифида, сарлавхасида адашиши мумкин.

Бундай вақтда библиографик қидирув муваффақиятли бажарилса китобхон талаби тезлик билан бажарилади. Зарурият туғилган тақдирда айрим сўровлар кутубхонанинг библиография бўлимига берилади.

Китобхонни сўрови баъзан ноаниқ бўлади, аммо кўпинча китобхон ҳақ бўлади, уни талаби ўзида барча аниқликни акс эттираса ҳам бир қисми аниқ бўлади. Шу сабабли кутубхоначи китобхонни ҳар бир талабига сезигрлик билан муносабатда бўлиши керак. Сўровни текшириш, аниглаш учун кутубхонанинг маълумот – библиографик аппаратидан, библиографик қўлланмалардан, энциклопедия ва бошқалардан фойдаланилади.

Ноаниқ сўровлар. Китобхонлар томонидан тез-тез ноаниқ сўровлар билан мурожаат этиш учрайди. Улар ўқиши учун бирор қиқарли адабиёт беришни илтимос қиласидилар. Бундай талабларга ўта эҳтиётколрлик билан муносабатда бўлиши керак. Уни қиқишини ўрганиш, унга бир неча адабиётларни тавсия қилиш ва бу асарлар ҳақида хикоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Китобхон китобни қайтарганда у билан сухбатлашиб уни фикрини билиш зарур. Китобхонни талаб даражасига тўғри келадиган адабиётни тавсия этиш китобхонни янги-янги адабиётларга келгусида мурожаат этишига сабаб бўлади.

Адабиётлар ҳақида сухбат мазмунан ва шакл жиҳатидан хилма хил бўлиши мумкин. Сухбат асосан тавсия этилаётган адабиёт ҳақида ва ўқилган адабиётлар ҳақида бўлади.

Уларни ҳар иккиси ҳам ягона тарбиявий жараён бўлиб уни асосида адабиётлар ҳақида ахборот бериш ва ўқишга даъват этиш ётади.

Тавсия этилаётган адабиётлар ҳақида сұхбат. Оммавий кутубхоналарда кенг тарқалган. Буни ўтказиша китобни мазмунни ва китобхон тайёргарлиги хисобга олинади. Китобхон билан сұхбатлашиб, кутубхоначи юксак ғоявий, илмий, яхши бадиий асарларни, яъни ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантиришга, китобхонни ижтимоий фаолиятини камолотига хисса қўшадиган, бадиий асарларни баҳолай оладиган даражага этишишига эришиш.

Сұхбат китобхонни тавсия этилаётган адабиёт ҳақида таассуротни шакллантиради. Махсус адабиёт ҳақида сұхбат ахборот характерига эга бўлиб, бу йўл билан китобхонларни янги адабиётлар билан таништиришни кўзда тутади ва уларни илмий амалий аҳамиятни баҳолашга ўргатади.

Сұхбатни муваффақиятли бўлишини таъминлаш учун, китобхонни бу соҳадаги тайёргарлиги, ўқиш маданиятини эгаллаганлиги аҳамиятлидир. Бунда шуни назарда тутиш керакки сұхбат китобхон психологиясига таъсир этсин, тавсия этилган адабиётларга қизиқиш уйғотсин.

Кутубхоначи сұхбатни шундай ташкил этиши керакки, сұхбатдоши эътиборини тезда ўзига қаратиш имкониятига эга бўлиши керак. Китобхонни эътиборини тортиш учун сұхбатни қизиқарли бошлаш ёки бир йўла мақсадга ўтиш муваффақиятлироқдир.

Сұхбатни қатъий белгиланган йўли услуби йўқ, шароитдан келиб чиқилади. Лекин, кутубхоначидан китоб ҳақида мазмунли, қизиқарли хикоя қилиш санъати талаб қилинади. Китобни баён қилиш қисқа, шу билан бир қаторда ишончли ва тушунарли бўлиши керак. Баъзан илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар ҳақида сұхбат ташкил этганда асар муаллифи ҳақида ҳам сўзлаш сұхбатни таъсирчанлигини оширади. Шунингдек китобни яратилиши ҳам баъзан китобхонда қизиқиш уйғотади.

Ўқилган адабиёт ҳақида сұхбат. Китобхонда китобни қайтариб олар экан кутубхоначи сұхбат ўтказиб китобхонни ўқиганлигини, тушунчасини ва адабиётга берган баҳосини ўрганади.

Айниқса бундай сұхбатни кам адабиёт ўқийдиган китобхонлар билан ўтказиш мухим. Улар бошқалардан кўра кўпроқ ёрдамга мухтоҷ. Баъзи китобхонлар китобни ўқимасдан қайтарадилар. Китобда баён этилган фикрлар улар учун тушунарли бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолда тушуниши осонроқ адабиёт тавсия этилади.

Тажрибали кутубхоначиларни бу соҳада ўз тажрибалари мавжуд. Сұхбатни бу тури айрим холларда ташкил этилади. Кутубхоначилар бундан сұхбатни фойдали эканлигини эътироф этган ҳолда доимо ташкил этиш имконияти мавжуд эмас деган фикрда. Аммо бундай сұхбат китобхон томонидан адабиётни ўқиган ёки ўқимаганлигини аниқлаш имкониятини беради. Шунингдек китобхонни асарга муносабатини ва уни амалий фаолиятида қандай ёрдам берганлигини аниқлаш мумкин. Сұхбат китобхон билан кутубхоначи ўртасида фикр алмашиши асосида шаклланади. Сұхбат келгусида қандай асар тавсия этиш зарурлиги ҳақида маълумот беради.

Асарга берилган баходан бошқа китобхонлар билан сухбатлашганда фойдаланиш мумкин. Айниқса мутахассисларни адабиётлар ҳақидаги фикрлари аҳамиятлидир.

Ўқилган адабиёт ҳақидаги сухбатда китобхонларни етуклиги ҳам хисобга олинади. Тайёргарлиги етук бўлмаган китобхонлар билан сухбатда асарни қандай тушунганлиги ҳақидаги, тажрибали китобхонлар билан эса китоб ҳақида уларнинг фикри сўралади.

Якка тартибдаги ўқиш режаси. Китобхонлар билан якка тартибда ишлаш шаклларидан бири. Якка тартибдаги ўқиш режаси китобхон маълум бир мавзуга ёки соҳага оид адабиётларни мунтазам ва чукур ўрганиш истаги пайдо бўлган вақтда, кутубхоначи ва китобхон ҳамкорлигига тузилади.

Якка тартибда ўқиш режаси китобхоннинг қизиқиши, тайёргарлик даражаси мавзуга ёки соҳага оид адабиёт танлашга асос бўлади. Адабиёт танлашда кутубхоначи каталог ва картотекалар ҳамда тавсия библиографик кўрсаткичлардан фойдаланади.

Якка тартибда ўқиш режасида адабиётларни ўқиш мунтазамликка асосланади. Мавзуни ўрганиш учун дастлаб оммавий адабиётлар ўқиш режалаштирилади. Сўнгра, мавзуга оид илмий асарлар ўқиш режалаштирилади.

Чунки, оммавий адабиётлар китобхонга мавзуга оид асосий масалалар билан танишиш, мураккаб масалаларни ўрганишга тайёрланиш, ўқишида мунтазамликни шакллантиришга қўмаклашади. Ўқиш режасини дастлабки маълумотларни берувчи адабиётларни ўқишидан бошлаш, яъни оддийдан мураккабга қараб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бадиий адабиётларни ўқишида шу асарлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар ёритилган асарларни ҳам ўқиш режасига киритиш асарни ёки ёзувчини ижодини чукурроқ ўрганиш имконини беради. Режани тузиш, кутубхоначи билан китобхонни ҳамкорликдаги ишни бошланишидир. Кутубхоначи томонидан якка ўқиш режаси тузилган китобхоннинг қандай ўқиётганлиги доимо кузатиб борилади. Агар режа асосида ўқишидан воз кечилса сабаби ўрганилади. Агар китобхон ўқиш режаси асосида ўқишидан манфаатдор бўлганлигини хис қилса, бир режани якунлаб иккинчисига тўлиқ ўтиши мумкин. Айрим китобхонлар бошқа мавзуларга оид адабиётларни ҳам ўқиш истагини билдирулар, демак, бу уларни ўкишини камол топиб боришидан нишонадир.

5-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчиларга гурухли ва оммавий хизмат кўрсатишнинг шакл ва усуллари.

5.1. Гурухли ва оммавий хизмат кўрсатишнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

5.2. Гурухли ва оммавий хизмат кўрсатишнинг шакл ва усуллари.

## 5.1. Гурухли ва оммавий хизмат кўрсатишнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари

Кутубхоналарнинг асосий вазифаларидан бири кутубхона фондида мавжуд бўлган матбуот асарлари ва бошқа хужжатларни истеъмолчиларга етказиш, улар эътиборини жалб этиб, ундан самарали фойдаланишга ўргатишидир.

Оммавий тадбирни ташкил этмайдиган кутубхона, ахборот-кутубхона маркази, ахборот-ресурс маркази мавжуд эмас. Айрим истеъмолчиларга эмас, бир гурӯҳ истеъмолчиларга ташкил этиш имконияти мавжуд.

Бир вақтнинг ўзида кенг истеъмолчилар гурухига мўлжалланган матбуот асарларини тарғиботи ва ахбороти оммавий тадбир. Оммавий тадбирлар айрим асарга ёки айрим мавзуга оид манбалар ҳақида истеъмолчиларга ахборот бериб қолмасдан, уларни матбуот асарларга бўлган қизиқишиларини шаклланишга ва тараққиётига имконият яратади. Истеъмолчиларни фикрлаш қобилиятларини ривожланишига ҳисса қўшади. Кутубхоналар доимо даврнинг энг долзарб муаммоларини ўзида акс эттирган турли соҳа адабиётларини тарғиб этиш орқали истеъмолчиларга ахборот беради. Шунингдек истеъмолчиларни ўзаро бир- бирлари билан мулоқат қилиши, фикр алмашиши учун шароит яратади. Республикаизнинг иқтисоди, ишлаб чиқариши ҳамда сиёсий ва маданий хаётидаги долзарб вазифаларга уларни эътиборини қаратиш ва уларни хал этишга ёрдам беради.

Оммавий тадбирларни усуслари хилма-хилдир. Улардан фойдаланиш кутубхона, АРМ, АҚМлари олдида турган вазифалардан келиб чиқади. Улар томонидан ташкил этиладиган оммавий тадбирлар асосан матбуот асарларини бевосита кўришга асосланган кўргазмали ҳамда жонли сўз яъни оғзаки ва кенг қамровли тарғиботларга асосланади.

## 5.2. Гурухли ва оммавий хизмат кўрсатишнинг шакл ва усуслари.

Гурухли ва оммавий хизмат кўрсатишнинг кўргазмали усуслари.

Бу усул адабиётларни бевосита кўрсатишга асосланади. Янги адабиётлар ва муҳим мавзуга оид адабиётлар кўргазмасидан иборат. Адабиётларни айнан ўзини намойиш этиш, мазмунини образли очиб бериш истеъмолчиларни энг яхши адабиётларни ўқишига бўлган эътиборини шакллантиради. Ҳозирги замон кутубхона, АРМ, АҚМлари фаолиятини кутубхона фондини ёритиб берадиган китоб кўргазмасиз тасаввур этиш қўйин.

Китоб кўргазмалари - адабиётлар ҳақида кўргазмали ахборот беришнинг асосий шакли. Ҳозирги кунда китоб кўргазмаси кутубхона фонdlарини ёритишида ва уларни истеъмолчиларга тавсия этишда энг оммалашган воситалар қаторидан жой олган. Китоб кўргазмаси истеъмолчиларни таништириш ва уларга таъсир кўрсатиши мақсадида

максус танлаб олинган ва тартиблаштирилган матбуот асарлари дир ташкил топади..

Китоб кўргазмалари истеъмолчиларни ўқишига маълум миқдорда таъсир кўрсатувчи восита бўлиб, у адабиётларни кенг танлов асосида мустақил танлашга имконият яратади.

Ҳар бир кўргазма яхши шакллантирилган бўлиши билан бирга, кутубхонага келадиганлар учун қулай жойда жойлаштирилган бўлиши керак. Истеъмолчи кўргазма билан танишмасдан туриб унга эътибор қаратиши керак. Бунинг учун кўргазмани бадиий шакллантириши, уни техника воситалари билан таъминлаш, янги материаллардан фойдаланиш зарур. Истеъмолчини эътиборини кўргазмани сарловҳаси, расмлар, эмблемалар ўзига қаратиши зарур.

Кўргазмага истеъмолчилар эътиборини қаратишда уни мавзуси ҳам катта роль ўйнайди. Агар кўргазмани мавзуси истемолчини қизиқиши ва талабига мос келса, кўргазмага қўйилган манбалар янги бўлса, истеъмолчи кўргазма олдида тўхтайди ва у билан танишади. Ҳар бир кўргазма юқори даражада ахборот бериш хусусиятига эга бўлиши керак.

Китоб кўргазмасининг асосий хусусиятларидан бири матбуот асарларини айнан кўрсатиш. Истеъмолчи китобни кўргазмадан олиб кўриши, унинг сўз боши, аннотацияси, кириш сўзи, нашр маълумотлари ва титул вараги, мундарижаси, айрим боблари, қисмлари билан танишиб чиқиши мумкин. Бу истеъмолчини адабиёт билан дастлабки танишишига имконият яратади. Истеъмолчидан адабиётлар ҳақида дастлабки ахборот шаклланади. Уни янада такомиллашига хисса қўшадиган манбалар билан кўргазмани тўлдириш зарур.

Мақсадга мувофиқ танланган матнлар, тасвирий санъат асарлари (нодир расмлар) ахборотни кенгайтиради. Кўргазма ўзини ахборот бериш хусусиятини ва тавсиявий аҳамиятини маълум муддатдан кейин йўқота бошлайди. Шу сабабли кўргазмани (15-20 кунда) янгилаш мақсадга мувофиқдир..

Кўргазмадан хоналарни безаш учун фойдаланмасдан ўқиш учун адабиётларни истеъмолчиларга бериш керак. Афсуски, сўнгги йиллада кўпгина кутубхоналарда қулфланган жовоонларда кўргазмалар ташкил этмоқда. Бундай кўргазмали тарғибот мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу истеъмолчини китобдан узоқлаштиради..

Кутубхонада ташкил этиладиган барча кўргазмали тарғиботни асосини фойдаланиш учун қулайлик, кўргазмалилик, тезкорлик яъни барча шароитларни мухайё бўлиши ташкил этади.

Кутубхона томонидан ташкил этиладиган кўргазмалар тизими хилма-хилликни ташкил этади. Мақсадга кўра: тавсия ёки ахборот, мазмунига кўра: универсал, соҳавий ва мавзули, адабиётларни хиллари ва турлари бўйича: китоблар, журналлар, ва х.к. хужжатларни нашр этилишига кўра: янги келган ва турли йилларда нашрдан чиқсан, вақтига қараб: доимий ва вақтинчалик кўргазмалар бўлади.

Кўргазмаларнинг асосий шаклига мавзули ва янги келган адабиётлар кўргазмаси киради.

Янги келган адабиётлар кўргазмаси- кутубхонага келган янги адабиётлар ҳақида мунтазам ахборот бериб бориш мўлжалланган бўлади. Кўргазмадан ёнма-ён жой олган адабиётлар мазмун жиҳатдан хилма-хил муаммоларга тааълуқли бўлади.

Кўргазмани расмийлаштиришда уни доимий сарлавҳаси “Янги адабиётлар”, “Дикқат янги адабиётлар”, “Танишинг янги адабиётлар” каби мавзулар бўлади. Йирик кўргазмаларда билимни асосий соҳаларини ёритувчи бўлимчалари берилади.

Янги адабиётлар кўргазмаси характеристига кўра: нашрларни хили ва шаклига кўра; билим соҳаларига оид бўлиши мумкин.

Одатда универсал характердаги янги адабиётлар кўргазмасида китоблар фан тармоқлари бўйича жойлаштирилади. Катта бўлмаган кутубхоналарда ҳар бир соҳага жовондан бир ёки иккита полка ажратилса, йирик кутубхоналар ҳар бир соҳа учун 1-2 жовон ажратади. Очиқ китоб фонди шароитида катта бўлмаган янги адабиётлар кўргазмасини бўлим ичida полкаларда ҳам ташкил этиш мумкин.

Янги адабиётлар кўргазмасидан жой олган ҳар бир китоб учун каталог карточкаси тўлдирилади. Кўргазмадан адабиёт берилса у жовонда қолади. Бу ўз навбатида истеъмолчиларга кутубхона томонидан олинган янги адабиётлар ҳақида ахборот олиш имкониятини беради ҳамда, ўзига хос тавсия характеристига эга бўлади. Карточкалардан кейинчалик янги адабиётлар картотекасида фойдаланиш мумкин.

Янги адабиётлар кўргазмаси йирик кутубхоналарда доимий равишда ташкил этилади, улар маҳаллий нашрлар билан бир қаторда хорижий мамлакатларда нашр қилинган асарлар ҳам намойиш этилади. Бу ахборот бериш фаолиятини ахамиятини оширади.

Кўргазмани самараси унинг тўғри ташкил этилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Йирик кутубхоналарда кўргазмалар ҳар бир ўқув залида, маҳсус кўргазмалар залида ташкил этилади. Ўрта ва кичик кутубхоналарда фондга келиб тушган ҳамма янги адабиётларни кўрсатиш имконияти йуқ. Кўпинча абономентда бундай кўргазма ташкил этилади. Аммо бунда фаол китобхонлар учун алоҳида ахборот турлари, ахборот соатлари ташкил этилиши зарур. Адабиётларга берилаётган талабларни ёзib бориш агар бошқа нусхалари бўлса уларни фойдаланишга бериш мумкин. Йирик кутубхоналарда давомли нашрлар, карталар, ноталар ва бошқа манбаларни кўргазмаларини ташкил қиласидилар.

Янги адабиётлар кўргазмасини ташкил этиш учун адабиётларни танлашда уларнинг долзарблиги, характеристи, тили, мазмуни, биринчи маротаба ёки қайта нашр этилганлиги ҳисобга олинади.

Республикамизнинг барча кутубхоналарида, ахборот-ресурс марказлари ва ахборот-кутубхона марказларида янги келган адабиётлар кўргазмаси ташкил этилади. Бу билан китобхонларга адабиётлар ҳақида дастлабки ахборотларни тавсия этиш имкониятларига эга бўладилар.

Мавзули кўргазмалар. Мавзули кўргазмаларнинг вазифаси бирор мавзуга оид энг зарур адабиётларни истеъмолчиларга намойиш этиш, истеъмолчиларни қизиқтирган соҳа бўйича адабиётлар танлашга имконият яратади. Мавзули кўргазмалар кутубхона фондини мазмунини ёритишига кўмаклашади. Кутубхоначиларга адабиётлар тарғиботини ташкил этишига имконият яратади.

Мавзули кўргазмалар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим муаммолар бўйича адабиётларни тавсия этишига хизмат қиласи, истеъмолчига масалани ўрганишига кўмаклашиш. Кўргазмани тузилиши, бўлимлари унда берилган цитаталар, китобларни жойлашиши, буларни барчаси библиографик қўлланмани эслатади. Аммо библиографик қўлланмалардан фарқи адабиётлардан бевосита фойдаланиш имкониятини бериб қолмасдан, унга энг янги адабиётларни қўйиш имконияти ҳам мавжуд.

Мавзули кўргазмалар қуидаги мавзу ва йўналишлар бўйича ташкил этилиши мумкин:

- ахборот-кутубхона хизматидан фойдаланувчиларнинг кўпчилигини қизиқтирадиган ижтимоий хаётнинг муҳим муаммоларига: бозор иқтисодиёти, фан, маданият ва санъатни тараққиётiga оид;
- мутахассисларга мўлжалланган; ўқув жараёнига кўмаклашувчи мавзулар;
- ажойиб инсонлар ҳаёти ва фаолиятига, муҳим ва унитилмас саналарига оид мавзулар;
- айрим нашрларни оммалаштириш, муайян адабиётларни тури ва жанрларига оид.

Сўнгги йилларда ижтимоий хаётнинг муҳим масалаларига оид мавзули кўргазмаларда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Биринчи ўринга сиёсий воқеалар, хусусийлаштириш, тадбиркорлик масалалари кўтарилиди. Бу мавзулар истеъмолчилар эътиборини ўзига тортади шу сабабли кутубхоналарда “Фермер бўлиши осонми”, “Ўзбекистон бизнесменлари”, “Хусусийлаштириш бизнинг келажагимиз”, “Меҳнат бозори: бу нима”, “Бозор йўлида” ва бошқа мавзуларига оид адабиётлар ҳақида ахборот бериш зарур вазифаларга айланди. Шунингдек, кутубхоналар ватанпарварлик, ватанга муҳаббатни ҳам тарғибот қиласи. “Хотира чироғи ўчмайди”, “Тупроғинг зардир азиз Ватаним” ва бошқа мавзуларда кўргазмалар доимо ташкил этилмоқда.

Муҳим саналарга бағишлиланган кўргазмалар.

Республикамизнинг тарихий саналари, меҳнат байрамлари, тарихий воқеалар, шаҳар юбилейлари муносабати билан ташкил қилинади. Масалан: “Ўзбекистон тараққиёт йўлида”, “Истиқлол қуёши мангу порлагай”, “Қомусимиз Қонун устиворлиги”, “Бухоро шарқ гавҳари” ва бошқалар.

Буюк шахслар ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган кўргазмалар. Кўргазмаларнин бу тури сиёсий ва жамоат арбоблари, йирик олимлар, саъаткорлар, ёзувчи ва шоирларнинг юбилейлари, туғилган кунлари муносабатлари билан ташкил этилади. “Туркий шеърият қуёши” (А. Навоий); “Нафис шеърият сохибаси” (Нодира); “Ажойиб шоир ва давлат арбоби” (Бобур) ва бошқалар.

Бундай кўргазмалар ҳар йили турли мавзуларда шакллантирилади. Агар кўргазма мутахассислар учун ташкил қилинса, унда шу шахснинг қўлёзма асарлари, муҳим хужжатлар, қимматли илмий асарлари, танқидий материаллардан кенг фойдаланилади. Кенг истеъмолчилари учун бўлса библиографик материалларга алоҳида ўрин берилади, адабий-танқидий материаллар, шахснинг ўз асарлари, расмлардан фойдаланиш унинг таъсирини оширади. Шахс ҳақида таникли намоёндаларнинг фикрларидан намуналар бериш ижобий аҳамият касб этади.

Мустақил билим олишга, ўкув жараёнига кўмаклашувчи кўргазмалар. Мустақил билим олишни такомиллаштириш мақсадида ўрта мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта маҳсус касб хунар коллежи ва лицей талабаларини ўкув дастуридан ташқари кенгроқ маълумот олишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади.

Кутубхоначилар истеъмолчиларга мутахассисликка оид ва қизиққан соҳаларига оид матбуот асарларини тарғиботини ташкил қиласидар. Кўргазмаларни “Иқтисодий билимларни чуқур эгаллайлик”, “Техника янгиликлари”, “Маънавият, экология ва саломатлик”, “Театр хаётидан лавҳалар” каби номлар билан ташкил этилиши мумкин.

Айрим адабий жанрга оид кўргазмалар – адабий жанрни мукаммал ўрганувчилар учун зарур маълумотлар ҳақида ахборот бериш мақсадида ташкил қилинади. “Ўзбек романчилигини тараққиёти”, “Ўзбек драматургияси”, “Ўзбек дедектив асарлари” ва бошқа мавзуларда бўлиши мумкин.

Бундай кўргазмаларда мавзуга оид асарлар, шу асарлар ҳақидаги танқидий материаллар, муҳим фикрлар, расмлар, тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш мумкин.

“Битта китоб” кўргазмаси. Кўргазманинг бу тури машхур асарларнинг юбилейлари муносабатлари билан ташкил қилинади. Кутубхоналарда “Алпомиш достонининг 1000 йиллигига”, “Авесто”га ёки А.Навоийнинг Хамса асарига оид “Хамса тенгиз дурдона”, Бобурнинг “Бобурнома адабий меросимизнинг дурдонаси” мавзусида кўргазмалар ташкил этилган. Кўргазмани бу тури истеъмолчиларга бебаҳо асарлар билан янада яқинроқ танишишларига асос бўлади.

Очиқ кўрик-кўргазмалар. Кутубхоналарда адабиётларнинг очиқ кўрик-кўргазмаларини ҳам ташкил этилмоқда. Бундай кўргазмаларни мақсади - мутахассисларни сўнги йилларда нашр этилган адабиётлар билан тўлароқ танишиштириш. Бундай кўрик-кўргазмаларни баъзан бир неча кутубхоналар биргалиқда ташкил қиласидар. Адабиётларни танлашда мутахассис китобхонлар маслаҳатига амал қилиш уни таъсирини оширишга асос бўлади.

Очиқ кўрик-кўргазмаларда кутубхоначи ёки мутахассис истеъмолчилар билан сұхбатлар ташкил этади, уларга маслаҳатлар беради, библиографик обзорлар ўtkазилади, маъruzалар, олимлар, шоирлар билан учрашувлар ташкил этилади. Бундай очиқ кўриклар асосан “Ахборот кунлари”, “Мутахассис кунлари”, “Китоб ойликлари”, “Китоб хафталиклар”ида ташкил

қилинади. Очиқ кўриклар кутубхонанинг ўзида ҳам ташкилот ва муассасаларда ҳам ташкил этилади. Истеъмолчилар кўриқдаги адабиётлар билан яқиндан танишишлари уларга талаб беришлари мумкин.

Республикамизнинг кутубхоналарида ташкил этилган турли мавзудаги очик кўрик-кўргазмаларни учратамиз. Масалан: “Экология ва саломатлик”, “Она юртим, олтин бешигим”, “Тинчлик ва инсон ҳукуқлари”, “Республикамиз Қомусини ўрганамиз” ва бошқалар.

Унитилган адабиётлар кўргазмаси. Кўргазмани бундай тури эскирган, унитилган, лекин илмий, бадиий қимматини йўқотмаган адабиётларни китобхонлар хотирасида тиклаш, эътиборига хавола қилиш мақсадида ташкил қилинади. Кўргазмага бундан 8-10 йил муқаддам нашрдан чиқкан адабиётлар танланади. Унитилган адабиётлар кўргазмаси республикамизнинг кутубхоналарида жуда кам учрайди. Уларни қуидаги номларда ташкил этиш мумкин. Масалан: “Унитилган XX аср адабиёти”, “Қизиқарли, аммо унитилган”.

Республикамиздаги кўпгина илфор кутубхоналар кўргазмаларнинг янгидан – янги кўринишларини шакллантирмоқдалар: мулоқат, бир муаллиф кўргазмаси, кўргазма панарама, кўргазма кўрик, кўргазма мухокама ва бошқалар

Китоб кўргазмасини тайёрлаш услуби.

Китоб кўргазмалари истеъмолчилар дикқатини ўзига тезда жалб этади. Шуни ҳисобга олиб ҳар қандай кўргазмани пухта ўйлаб, аввалдан белгиланган режа асосида, аниқ мақсадга кўра шакллантириш зарур. Бу кутубхоначидан катта билим, ташкилотчилик қобилятини, маҳоратини талаб қиласи. Ҳар қандай кўргазмани тайёрлаш қуидаги босқичлардан ташкил топади:

1.Истеъмолчилар грухини аниқлаш: Кўргазма асосан кимлар учун ташкил этилаётганлиги аниқлаб олинади. Уларнинг қизиқиши, ўқиш мақсади, ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади;

2.Кўргазма мавзуси аниқланади: бунда ҳозирги куннинг долзарб масалалари, муҳим воқеалар, саналар, байрамлар, ва бошқалар ҳисобга олинади. Мавзу жуда кенг масалани қамраб олиши шарт эмас. Агар масала кенг қамровли бўлса, туркум кўргазмалар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мавзуни аниқлаш кўргазманинг номини ёки сарловхасини шакллантириш билан тугайди. Сарлавҳа қисқа шу билан бирга аниқ, тушунарли бўлиши зарур. Кўргазма сарловхасида сўзлар қисқатирилмайди.

3.Кўргазманинг режасини ишлаб чиқиши: Режада мавзуни ёритиш йўллари, асосий масалалар, кичик мавзулар, адабиётларнинг жойлаштирилиши, кетма-кетлиги белгилаб олинади. Режани ишлаб чиқишида библиографлар, мутахассислар, рассомлар қатнашади. Режани тузишда турли услубий материаллардан, услубий марказлар чиқарган нашрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Кўргазма учун адабиётларни танлаш. Бунда нашр характерига, тилига, нашр йилига эътибор бериш лозим. Эскирган, ўз аҳамиятини йўқотган

адабиётлардан холи бўлиш керак. Кўргазмаларини ташкил этишда библиографик қўлланмалардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга, аммо уларнинг эскириб қолиш хусусиятини унитаслик зарур.

5.Кўргазма манбаларини ўрганиш. Бунда ҳар бир танлаган китоб, мақола, расм, потрет, фикрлар алоҳида ўрганилиб чиқилади. Уларни кўргазмадаги жойи белгиланади. Намойиш қилиш хусусияти аниқланади, муқованинг кўриниши, адабиёт хажми эътиборга олинади.

6.Кўргазмани шакллантириш – муҳим ва маъсулиятли босқич. Кўргазманинг безатилиши, ундаги ранглар китобхон диққатини тез жалб қиласди. Шунинг учун кўргазманинг шакли унинг мазмунига мос, аввалдан пухта ўйланган бўлиши керак. Адабиётлар ва бошқа материаллари ҳаддан ташқари кўп бўлмаслиги, улар дид билан жойлаштирилиши керак. Кўргазмалар кўринишига кўра бир-биридан фарқланиши, ҳар бир кўргазма ўзига хос кўринишига, хусусиятига эга бўлиши лозим. Сарлавха, бўлимчалар номи, маълумотлар, фикрлар ва бошқа матнлар бир хил кўринишда ёзилиши зарур. Ҳар бир вариандаги материал чапдан ўнга қараб жойлаштирилади, ранглар мавзу мазмунига мос бўлиши, ширфтлар ҳам худди шундай бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шарқ мамлакатлари хаётига, классик адабиётга оид кўргазма бўлса, кўпроқ араб ёзуви кўринишидаги ёзув танланади. Жиддий мавзудаги кўргазмаларда оддий ёзув қўлланилади, тантанали мазмундаги сарлавхалар хаво рангда берилади, табиат манзарапари, қишлоқ – хўжалиги масалаларига оид кўргазмаларда жигарранг, яшил ранглар кўпроқ қўлланилади.

7.Кўргазмани тарғиб қилиш. Бунинг учун кўргазмалар ёнида якка ва гурухли сұхбатлар, мутахассис маслаҳатлари уюштирилади. Радио, телевидения, вақтли матбуот орқали ахборот бериш, таклифномалар тарқатиш мумкин. Йирик кутубхоналарнинг кўргазмалар залида алоҳида маслаҳатчи-кутубхоначи иш олиб боради. У истеъмолчиларни саволларига жавоб беради, кўргазмадан самарали фойдаланишига кўмаклашади, сұхбатлар ўтказади. Айрим кутубхоналарда кўргазмалар ёнида мулоҳаза дафтари юритилади. Унда китобхонлар кўргазма ҳакидаги фикр-мулоҳазаларини, кўргазмани уларга таъсирини ёзиб қолдирадилар. Кўргазма мавзусига оид картотека ҳам қўйилади. Картотекада кўргазмага қўёилган ва қўйилмаган асарлар акс этади. Бу эса истеъмолчига ушбу мавзуни ҳар томонлама чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

8.Кўргазмани расмийлаштириш – ёки кўргазма паспортини тузиш. Унда кўргазманинг мавзуси, акс эттирилган материаллар, кўргазма ёнида олиб борилган ишлар, истеъмолчиларнинг кўргазмадан фойдаланиш даражаси, унинг таъсири, китобхонларнинг муносабати, кўргазманинг харакатдаги вақти кўрсатилади. Ушбу маълумотлар кўргазманинг самарадорлигини, яъни кўргазмадаги адабиётлардан фойдаланиш кўрсаткичларини белгилаб беради.

Кутубхона плакатлари. Кўргазмали тарғиботнинг тарихий шаклланган усули. Бирон бир ёзувчи ёки шоирнинг ижодига, айрим муҳим мавзуга, аниқ китобга тааълуқли бўлган, расмли, матнли, қофозга ёки картонга ишланган

бўлиб истеъмолчини эътиборини қаратишга мўлжалланган тасвирий санъатнинг бир тури. Кутубхона плакатлари реклама характеристига эга. Кутубхона плакатлари босма плакатларидан фарқ қилиб, улар адабиётлар ҳақида маълумот беришга ва тарғибот қилишга қаратилган. Плакатлар тасвирий санъатнинг бир тури бўлиб, у ўзида аниқ мавзуни ёритади, матн мазмунини рангли бўёқларда тасвиirlайди.

Кутубхона плакатлари энг долзарб мавзуга оид китобларни ўқишига жалб қиласди, мустақил билим олувчиларга ёрдам беради. Китоб мазмунни қисқа матнлар ва тасвирий санъат воситалари, бўёқлар ёрдамида очиб берилади.

Кутубхона плакатлари ташвиқот ва тарғибот плакатига, инструктив-услубий плакатларга бўлинади.

Тарғибот ва ташвиқот плакатларида шу куннинг долзарб воқеалари, муаммолари, халқ хўжалигининг турли соҳалари ёритилган асарларни, маълум бир ёзувчи ёки шоирнинг асарларни тарғиб қилиш мақсадида яратилади. Уларни энг кўп учрайдигани

Бир китобни тавсия қилувчи плакатлардир. Улар – китоб тақдимоти, китобхонлар конференциясига тайёргарлик жараёнларида қўлланилади. Плакатнинг бу турида мавзу, конференциянинг ўтказилиш жойи, вақти ҳақида маълумот берилса, иккинчи қисмида китоб муқоваси, конференцияда ҳал этилиши керак бўлган масалалар ёритилади. Плакатда мавзуга оид қўшимча адабиётлар рўйхати ҳам берилади, расмли материаллар қўлланилади.

Инструктив – услубий плакатлар. Плакатнинг бу тури асосан кутубхонашунослик ва библиографик маълумотларни тарғиботига оид бўлади. Бундай плакатнинг мақсади, истеъмолчиларда кутубхонашунослик ва библиографик билимларни шакллантиришга қаратилган бўлади. Кутубхоналараро абономентдан, халқаро абономентдан, каталог ва картотекалардан фойдаланиш учун йўлланма беради. Баъзан бу плакатларда кутубхона бўлимлари ҳақида ҳам маъулумот берилади.

Болалар кутубхоналарида китобдан тўғри фойдаланиш, яроқсиз китобларни таъмирлаш “касал” китобларни “даволаш” йўлларини ўргатувчи плакатлар қўлланилади.

Кутубхона плакатларини тайёрлаш ва шакллантириш усуллари.

Истеъмолчиларга энг яхши адабиётлар ҳақида тезкорлик билан маълумот бериш ва тарғиб қилиш плакатнинг асосий вазифасидир. Плакатда асосий ўринни ранглар эгаллайди, ранглар воситасида китоб тарғиб қилинади. Плакат даставвал истеъмолчини қўриш аъзоларига таъсир қиласди, шунинг учун биринчи навбатда истеъмолчи эътиборини жалб этиш вазифасини, ундан сўнг тарғиб қилинаётган китобларни ўқишига иштиёқ уйғотади. Плакат мавзусини танлашдан то унинг шакллантиришгача бўлган жараён шунга қаратилиши лозим.

Плакатни тайёрлаш мавзу танлаш билан бошланади. Мавзуни танлашда куннинг муҳим воқеалари, истеъмолчи қизиқиши, ўқишдан мақсади ҳисобга олинади. Шундан сўнг мавзуни ёритувчи элементлар танланади: матн, фикрлар, адабиётлар рўйхати, расмлар, ранглар. Асосий мақсад адабиётларни

акс эттириш, китоб муқоваларидан намуналар, адабиётлар рўйхати берилади. Рўйхатни тузишда албатта кутубхоначилик – библиографик тавсиф қоидаларига амал қилиш зарур. Адабиётларни жойлаштириш аниқ бир тартибда бўлиши шарт. Плакатда бериладиган матнлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Матн мавзуни ёритиб бериши даражасида бўлиши керак.

Сарлавҳани кўриниши ва ёзилиши ҳам аҳамиятга эга. Сарлавха ранги ҳам мазмунига мос бўлиши мақсадга мувофиқ. Бошқа матнлар ҳам қисқа, чиройли, тушунарли ёзилиши зарур. Плакатни турар жойи китобхонни фойдаланиши учун қулай бўлиши керак.

Китоб кўргазмалари, плакатлардан ташқари кутубхоналарда альбомлар ҳам ташкил этилади. Улар турли хил клублар фаолиятига, ўтказилган оммавий тадбирларга, муҳим саналарга оид бўлиши мумкин. Кўпинча альбомлар кутубхона тарихига, кутубхонага номи берилган шахсга ёки кутубхона фаолияти билан боғланган машхур шахсларга бағишлиланган бўлади. Албомлар кутубхонани реклама қилиш характеристига эга бўлади.

Адабиётларни аудиовизуал воситалар ёрдамида тарғиб қилиш. Кутубхонада адабиётлар тарғиботи замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилади. Бунда экранли ва овозли ахборотнинг воситаларидан фойдаланилади.

Уларга кинофильмлар, видеофильмлар, диафильмлар, диопозитов ва овозли – слайд фильмлари, матн, расмлар ва бошқалар киради. Ушбу воситалар кутубхона томонидан амалга ошириладиган кўргазмали, оғзаки ва комплекс тадбирларда қўлланилади. Масалан: Замонавий компьютер техникиси юқорида қайд этилган воситаларни барчасини ўзида мужассам эта олади ва адабиётларни тарғиб қилиш мақсадидаги тадбирларни самарадорлигини оширишга катта хисса қўяди.

Адабиёт тарғиботини оғзаки усули жонли сўзга асосланган бўлади. Унинг аҳамияни шундаки бевосита инсонлар билан яъни кутубхоначини айнан истеъмолчи билан тўғридан тўғри муносабатда бўлишида намоён бўлади. Сўзга чиққанда истеъмолчиларни кўриш асосига уларни кайфиятини ва айтилаётган маълумотларни улар қандай ўзлаштираётганлигини хис қилиб ўз фикрини уларга мослаштиришга харакат қиласи.

Психологлар тажрибаси шуни кўрсатадики, киши бир ўзи бўлганидан кўра одамлар орасида ўзини бошқачароқ ҳис қиласи, ахборот олишга интилади. Шу жумладан оғзаки нутқнинг ҳам таъсирчанлиги ортади. Шунингдек, кутубхоналар томонидан ўтказилаётган оммавий тадбирларга ҳам истеъмолчиларни муносабатлари ўзгаради. Оммавий тарбирлар ўтказилганда кутубхоначи тингловчилар қизиқишини хисобга олади.

Оғзаки ахборотни мувафақияти тўғридан тўғри кутубхоначини нима ҳақида ва қандай гапиришига ҳам боғлиқ. Оғзаки ахборот факат мантиқийликка эмас ҳиссиётга ҳам боғлиқ бўлади.

Ўз фикрини айтишни якуни қатор омилларга боғлиқ: айтилаётган ахборотни қийматига, уни қанчалик янгилигига, сўзловчини омма билан муносабатига ва сўзлаш санъати маҳоратига.

Шундай адабиётни тавсия этиш керакки, у ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлсин. Сўзга чиқувчи адабиётни яхши билиши ва энг муҳими равон ва ифодали сўзлай олиши керак. Шундай қилиб оғзаки ахборот китоб мазмунидан ҳам қўра кенгроқ бўлиб истеъмолчиларга қўшимча қимматли ахборот беради.

Ҳақиқатдан ҳам сўз-янги ғоя ва тўпланган билимларни, оммага етказиш воситаси бўлиб қолмасдан, китобхонларни ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳамда тарбиялаш воситаси. Матбуот асарлари тарғиботида оғзаки усул ўзига хос аҳамият касб этади, истеъмолчиларга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Истеъмолчиларга айтилаётган сўзлар қанчалик таъсирчан бўлса белгиланган вазифа шунчалик мувофақиятли амалга оширилади. Сўнгги йилларда адабиётлар тарғиботининг оғзак усули оммавий тадбирлар қаторидан ўзига мустаҳкам жой олмоқда. Уни хилма-хил усуллари шаклланмоқда. Уларга қисқача тўхталиб ўтамиш:

Библиографик обзор. Библиографик обзорлар тавсия- ахборот характерига эга бўлган тадбирлар мажмуасига киради. Бевосита кутубхоначилик шакли бўлиб адабиётлар ҳақида қисқача оғзаки ахборот беради. Уларни барчасига хос бўлган хусусият-янги адабиётлар ва бирон бир мавзуга оидликдир. Библиографик обзор муҳим масалаларга тезкорлик билан муносабатда бўла олиши билан ажralиб туради.

Библиографик обзорлар асосан кутубхоначилар томонидан ўтказилади. Айrim холларда юқори савияли истеъмолчилар гурухига адабиётлар ҳақида илмий- танқидий тавсифлар бериш мақсадида мутахассисларни таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Библиографик обзорлар мустақил равишда ёки бирор бир тадбирга боғлиқ холда ташкил этилиши мумкин. Республикализнинг баъзи кутубхоналарида истеъмолчиларни мунтазам жалб этиш мақсадида библиографик обзорларни ўтказиш учун маҳсус кунлар белгиланган.

Кейинги йилларда энг яхши деб ҳисобланган библиографик обзорлар ёзиб олиниб, радио орқали истеъмолчилар эътиборига хавола этилмоқда. Библиографик обзорлар асосан мавзули, янги келган адабиётлар ва янги журналлар, газета мақолалардан иборат бўлиши мумкин.

Мавзули библиографик обзорлар. Бирор бир долзарб мавзууни ёритишга мўлжалланган бўлиб, мавзуга оид энг зарур адабиётларни истеъмолчилар эътиборига тавсия этади. Библиографик обзор айrim машҳур шахсга, муҳим санага, даврнинг сиёсий воқеаларига, фан техника янгиликларига оид бўлиши мумкин. Масалан: “Сизга таъзим азиз устозлар”, “Бархаёт санъат”, “Сехрли шеърият”, “Озодлик улуғ неъмат”, “Хур диёр куйчиси” А.Ориповнинг тавалудига оид ва бошқалар.

Янги адабиётлар обзори. Истеъмолчиларни кутубхонага келтирилган янги адабиётлар билан танишириш мақсадида ташкил этилади. Обзорнинг бу тури истеъмолчиларга нашрлар ҳақида ахборот бериш ишларини ажралмас қисми. Янги адабиётлар обзори кўпинчча “Янги адабиётлар кўргазмаси”ни очилишига ҳамда “Ахборот кунларига” қўшиб ўтказилади. Янги келган адабиётлар барча истеъмолчилар учун ҳам янги адабиётлар

бўлавермайди, бундай адабиётлар ичидагайта нашрдан чиққан ва журналларда чоп этилган асарлар ҳам бўлиши табиий.

Кутубхоналарга янги адабиётлар обзорини турли мавзуларда ташкил этиш мумкин. Масалан: “Фермерлар- бу адабиётлардан фойдаланиг”, “Шифокорлар- Сиз учун”, “Қишлоқ хўжалиги мутахассислари - янги адабиётлар билан танишинг”, “Уй бекалари- Сизлар учун” ва бошқа мавзуларда.

Библиографик обзорни тайёрлаш услуби. Турли библиографик обзорлар мақсади жихатидан хилма – хиллика эга. Бундан уларни тайёрлаш услуби шакилланади. Аммо умумий талабалар ҳам мавжуд бўлиб барча обзорлар бу жараённи инобатга оладилар. Яъни адабиётларни тўплаш, ҳар бир адабиётни, мақолани мазмунини ёритиш, манбалар муентазамлилиги, маълумотларни жонли ифодалаш. Бу жараёнларни бирор обзор четлаб ўта олмайди. Обзорги тайёрлаш уни мавзусини аниқлашдан бошланади. Танлаган соҳа қайси китобхонлар гуруҳи учун мос келиши аниқланади.

Обзор учун асосий адабиётлар танлаб олинади, уларга тавсиф берилади, охирида қўшимча адабиётлар эслаб ўтилади. Энг зарур адабиётларни танлаб олишга эришиш учун танқидий маълумотлардан фойдаланилади.

Адабиётлар миқдори китобхонлар гурухига, мавзу доирасига, фондаги адабиётлар миқдорига боғлиқ бўлади. Тажрибали истеъмолчилар гурухи учун обзор тайёрлаш учун кўпроқ адабиётлар танлаш мақсадга мувофиқ бўлади..Агар оммовий китобхонлар учун эса 5-6 адабиёт, мутахассислар учун 10-12 китобга обзор бериш мүнкин.

Библиографик шархлар асосан уч қисмдан: сўзбоши, китобларга тавсиф ва холосадан ташкил топади. Кириш қисмида мавзу қисқача ёритиб берилади. Агар мавзу китобхонлар гурухи учун яхши таниш бўлмаса, мавзу нимадан баҳс этиши уни ахамияти ёритилади.

Китобларни тавсифлашда асар ҳақида асосий маълумот берилади. Бадиий асар ҳақида кутубхоначи обзор берар экан факат асарнинг асосий қаҳрамонлари, асарни бадиий қийматини ёритиб қолмасдан, энг қизиқарли жойларидан айрим парчаларни баён қилиши, асарни ижобий жиҳатлари ва камчиликларига эътиборни қаратиши мумкин. Асосий мақсади - истеъмолчидан асарга бўлган қизиқишини уйғотишидир.

Илмий асарлар, ишлаб чиқаришга, техникага оид асарлар обзорини ташкил этишни ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳар бир адабиётга тавсиф бериш, қисқа ва аниқ, мазмунли бўлиши шарт. Илмий адабиётларга тавсиф беришда улардаги масалаларни оддий қилиб ёритиш мақсадга эришишнинг самарали усули хисобланади.

Библиографик обзорни тайёрлаш тўлиқ матнни ёзишни талаб этади. Тайёрланган матнни кутубхона жамоаси томонидан мухокама этилиши мақсадга мувофиқдир.

Матн асарнинг ўзидан, аннотация, сўзбоши айрим асарларга берилган холосадан ва танқидий манбалардан фойдаланиб ёзилади. Тайёрланган обзор

истеъмолчиларга ўқиб берилмайди. Ўқиб бериш истеъмолчи билан кутубхоначи ўртасига тўсиқ қўяди. Кутубхоначи ўзини эркин тутган ҳолда адабиётларни шархлаши уни ахамиятини оширади.

Давра сұхбатлари. Кейинги йилларда кутубхоналарда давра сұхбатларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Тадбирнинг бу тури бирон бир мавзуни истеъмолчиларни фикр- мулоҳазалари, қарашлари асосида ўрганишга қаратилган бўлади. Давра сұхбатлари асосан фикр доираси кенг, ўз мутахассислигини ҳар томонлама яхши биладиган, машхур фан ва маданият ходимлари, шоир ва ёзувчилар ёки раҳбар ходимлар ва истеъмолчилар иштирокида ташкил этилади Тадбирда бундай шахсларни иштирок этиши, танланган мавзу бўйича уларнинг фикр- мулоҳазалар истеъмолчиларда катта қизиқиш уйғотади. Тадбирларни кутубхона шароитида ўтказилиши, шу билан бирга сұхбат тариқасида, норасмий тусда ташкил этилиши истеъмолчиларни бундай тадбирларда иштирок этишга ундайди. Давра сұхбатларини “Камолот”, “Нуроний жамғармаси”, “Махалла хайрия жамғармаси”, “Экосан” ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилиши уни самарадоролигини янада оширади..Давра сұхбатлари учун мавзуу даврнинг энг долзарб муаммоларидан келиб чиқкан ҳолда танланади.

Масалан: “Хушёрлик энг яхши химоя”, “Ёшлар бизнинг келажагимиз”, “Огоҳ бўлинг одамлар”, “Авестода инсон мадхи”, “Табиатнин асранг”, “Сиз ўз хуқуқингизни биласизми”, “Қайнонам - онам менинг, келиним болам менинг” каби мавзуларда.

Адабиётларни тарғиботининг оммавий усуллари.

Адабиётлар ҳақида ахборот беришда оммавий тадбирларни кенг қамровли усуллари алоҳида аҳамиятга эга. Бу усуллар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, кутубхоналарда кенг қўлланилади.

Уларнинг биринчи хусусияти кенг жамоатчиликка мўлжалланганлигидир. Иккинчидан бу тадбирлар оғзаки ва кўргазмали тарғибот усуллари ўйғунлашган бўлади. Учинчи хусусияти шундаки, ахборот аҳамиятига эга бўлган бу тадбирни факат кутубхоначиларни ўзи тайёрламайди, балки кенг жамоатчилик иштирок этадилар. Бу тадбирда истеъмолчилар фаол иштирок этадилар. Тўртинчи хусусияти, тайёргарлик қўриш жараёни узоқ муддатни ва эътиборни талаб этиши.

Бир вақтнинг ўзида олиб борилаётган тадбирнинг ўзида адабиётлар тарғиботининг хилма-хил усулларидан фойдаланиш имконият мавжуд бўлган оммавий тадбир шаклларига адбиётлар тарғиботини кенг қамровли усули деб таърифланади. Масалан: Китобхонлар конференцияси, китоблар мухокамаси, адабий кечалар, оғзаки журнallар, китоб тақдимотлари бунда мисол бўла олади. Уларда китоб кўргазмалари, адабиётлар обзори, замонавий техника техника воситаларидан фойдаланиш ўйғунлашган бўлади. Уларни баъзи бирларига тўхталиб ўтамиш:

Адабий кечалар. Адабиётлар ҳақида ахборот бериш шаклига таалукли бўлиб ижтимоий аҳамиятга молик бўлган мисоллар асосида истеъмолчиларни китобдаги маълумотлар, хуносалар, ёзувчини хаёти ва

фаолияти билан таништиришга қаратилган бўлади. Кечани мавзуси турли воситалар: мусика, бадий сўз, тасвирий санъат орқали ёритилади. Бу кечани самарадорлигини оширади.

Адабий кечаларни шакллари хилма-хилликни ташкил этади. Бу маърузали кеча, библиографик обзорлар билан олиб бориладиган, китоб кўргазмалари намойиш этиладиган, машХур шахслар билан учрашувлар (ёзувчилар, олимлар, жамоа раҳбарлари ва бошКалар билан) адабий ва бадий ҳамда мусиқали кечалар ва бошқалар.

Адабий кечаларни тайёрлаш бошқа усуллардан бирмунча осонроқ бўлгани учун тез-тез ташкил этиб турилади.

Асосан адабий кечаларга 3-4 хафта тайёргарлик кўрилади. Кутубхонадаги жавобгар шахс кечани ўтказишга оид зарур тайёргарликни кўради, маанфатдор бўлган муассасалар билан келишиб олади, сўзга чикувчиларни таклиф этади. Эълонлар ёзилади. Кечага оид сухбатлар ўтказилади. Истеъмолчиларга кеча мавзусига оид адабиётлар тавсия этилади. Кеча дастурида барча тадбирлар белгиланган бўлади.

Адабий кечада ахборот олиш ва хиссиётига берилиш йўли мавжуд. Фан техникага оид кечалар кўпроқ ахборот олишга, мавзу билан чуқурроқ танишишга мўлжалланган бўлади. Адабий-музиқали кечаларда бадиийлик ва ҳордиқ чиқариш асосий ўрин олади.

Ҳар бир кечани ўтказиш аниқ дастур асосида режали, сценарийга асосланган бўлади. Бунга бу соҳани билимдорлари таклиф этилади.

Адабий кечаларга факат кутубхона китобхонларигина таклиф этилмасдан, балки кутубхонага аъзо бўлмаган ахоли ҳам қатнашишлари ҳам мумкин. Бу ахборот- кутубхона хизматидан фойдаланувчиларни янги вакилларини жалб этиш учун самарали воситадир.

Адабий кечалар кутубхоналар фаолиятида доимий ташкил этиладиган тадбирлар сирасига кириб бормоқда. Кейинги йилларда турли мавзуларда адабий кечалар ташкил этилмоқда. Масалан: “Хақиқат барибир енгади”, (О.Ёқубов), “Эл ардоғидаги шоира” (Г.Нурлаиева) билан учрашув кечаси, “Адабиёт кўнгил зари, ёзувчи уни заргари” Ў.Хошимов билан учрашув кечаси, “Гўзал гулшан маликаси” Нодирабегим таваллудига бағишлиланган ва бошқа мавзуларда адабий кечалар ўтказилмоқда. Алишер Навоий таваллудига оид “Ғазал мулкининг сultonи”, “Қадаминг қутлуғ бўлсин наврўзим”, “Аёл билан гўзалдир бу олам”, “Кекса санъаткорлар - санъатимиз сарчашмалари” ва бошқа мавзуларда адабий-музиқали кечалар ўтказиш кутубхоналарда мунтазам амалага оширилмоқда.

Мунозара кечаси кутубхоналарда ўтказиладиган оммавий тадбирни бир шакли. Мунозарада асосан мунозара ўтказиладиган соҳа мутахассислари ва китобхонлар иштирок этадилар. Мунозара учун мавзулар турлича бўлиши мумкин, масалан “Атроф мухитни мухофаза қилиш”, “Гиёхвандликка қарши кураш”, “Жамоат тартибини сақлаш” ва бошқа. Унинг қатнашчилари ўзларининг қатъий фикрларига эга бўлиши ва мунозар мавзуси бўйича маълум бир ахборотларга эга бўлиши шарт. Кутубхоналар бу мунозара кечасини ўтказишдан олдин қизиқувчилар учун зарур ахборот манбаларини

китобхонларга тавсия этиш ишларини амалга оширишлари керак. Мунозара кечаси, кеча раҳбарлик қилувчи шахс томонидан амалаг оширилади. Кеча раҳбари шу соҳани яхши билувчи мутахассис томонидан бошқарилиши уни тартибли ва қизиқарили ўтишини, кўзланган мақсадга эришишни таъминлайди.

Савол-жавоб кечалари. – Кутубхоналарда савол-жавоб кечаларини ўтказиш турли муассасалар ҳамкорлигига ташкил этилади. Маслаҳатчи қилиб олимлар, юристлар, шифокорлар таклиф этилади. Савол-жавоб кечалари китобхонларни қизиқтирувчи, турли масалалар юзасидан ахборот олиш манбай бўлиб хизмат қиласди, масалан: “Уйларни хусусийлаштириш”, “Тадбиркорлик ва солиқ”, “Ўз ҳуқуқингизни биласизми?”, “Нафақа таъминоти”, “Инсон ва унинг имкониятлари” ва бошалар.

Савол жавоб кечаларини йўналиши адабиётлар тавсиясига қаратилган бўлишига турли йўллар билан эришиш мумкин: маслаҳатчиларга уларни жавоби кеча мавзусига оид аниқ адабиётларни тавсияси билан бўлиши илтимос қилинади.

Китобхонлар конференцияси. Адабиётларни муҳокама этишга мўлжалланган оммавий тадбирнинг усули бўлиб, бир йўла кенг истеъмолчилар гурухини жалб этишга имконият беради. Конференция айрим асарни, бирор мавзуни таҳлил этишга асос яратади. Бу ўз навбатида истеъмолчини мустақил фикрлашини шакллантиради. Нашриёт ва таҳририятларга, ёзувчи ва танқидчига бундан кейин қандай матбуот асарлари зарурлиги ҳақида маълумот беради.

Конференция иштирокчиси бўлган истеъмолчи асар ёки мавзуни эркин таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Ўзининг асар ёки мавзу ҳақида шаклланган мулоҳазасини баён этиб, бошқа истеъмолчилар билан бахслашади. Истеъмолчи конференцияда иштирок этар экан, китоб устида мустақил ишлайди, ўзининг эстетик дидини юксалиш учун замин яратади. Янги-янги мавзуларни излайди, фикрлаш қобилияти камол топади.

Китобхонлар конференцияси бир қатор маданий маърифий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилади. Конференцияда асар муаллифи, газета-журнал ходимлари, нашриёт вакиллари иштироки иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотади. Мустақиллигимиз тараққиётига, ватанимиз тарихига, манавий баркамоллика оид адабиётлардан конференциялар уюштириш кутубхоналарнинг ахборот- кутубхона хизмати кўрсатиш фаолиятидан мустаҳкам жой олмоқда.

Китобхонлар конференциялари асосан- маълум бир асарга оид, мавзуга ва бирон бир муаллифга бағишлиб ташкил этилади.

Айрим асарга оид конференция. Долзарб мавзулар ёритилган асарларни истеъмолчиларга етказиш мақсадида ташкил этилади. Бундай конференциялар кутубхоналарда тез-тез ўтказиб турилади. Айрим асарни танлаш, мунозарада муаллиф фикри билан яқиндан танишишга асарни бадиий даражасини ўрганишга имкон беради.

Агар конференцияда хали кўпчиликка маълум бўлмаган муаллифни биринчи йирик асари мухокамага қўйилса ёзувчининг хаёти ва фаолияти

билин таништириш, асарга тавсифнома беришда ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф таниқли бўлса тўғридан – тўғри мухокамани бошлаш мумкин.

Конференцияни ўзи, кенг жамоатчиликни эътиборини қозонган муаллиф асарини танлаб олишни тақозо қиласди.

Техника ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётларни муҳокама қилишда, илғор тажрибалар ёритилган ва уни ишлаб чиқаришда қўллашга доир адабиётлар олинади. Истеъмолчилар янгиликни амалиёт учун қанчалик муҳимлигини ва уни ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳақида бахслашадилар.

Конференция ўтказишга оид асар танлашда истеъмолчилар қизиқиши албатта инобатга олинади. Танланган асарларда хаётий муаммолар аниқ акс эттирилган бўлиши, мустақиллигимиз ютуқлари, эркинлик, инсонпарварлик, севги, вафо ва садоқат ғоялари мадх этилган бўлишлиги уни мувоффақиятли ўтишини таъминлайди.

Кутубхоналарда айрим асарларга оид конференциялар ташкил этилган ва этилмоқда. Масалан: А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, А.Қаххорнинг “Сароб”, F.Ғуломнинг “Шум бола”, Т.Маликнинг “Шайтанат”, О.Ёқубовнинг “Улуғбек ҳазинаси”, “Кўхна дунё”, Мирмуҳсиннинг “Илонлар ўчи”, Ойбекнинг “Навоий”, Ў.Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, “Қалбингга қулоқ сол” каби асарлар юзасидан ўтказилган китобхонлар конференциялари кенг жамоатчиликни эътиборини қозонган.

Мавзули конференциялар. Ўзининг услубиёти жихатидан мавзули конференция бир мунча мураккаб жараён. Конференциянинг бир тури муҳим мавзуни танлашдан бошланади. Уни тайёрлаш ва ўтказиш шу соҳага оид кўплаб адабиётлар билан танишиб чиқиши тақозо қиласди.

Бир қатор адабиётларни олиш дастлабки қарашларга катта имкониятлар очиб берадигандек кўринади. Аслида олинган адабиётларни барчаси ҳақида бахслashiш имконияти бўлмасдан бир қисми ҳақида бахслashiшга эришилади.

Мавзули конференциядан хаддан ташқари катта мавзуларини олмасдан айрим соҳани ёритиб берадиган мавзуни танлаш мақсадга мувофиқ. Мавзу қанчалик кенг бўлса уни ёритиш шунча мураккаб бўлади.

Мавзули конференцияни хилма-хил мавзуларда ташкил этиш имкониятлари мавжуд. Масалан, кутубхоналарда “Муқаддассан -Аёл”, “Мозийдан тараалган зиё”, “Орзулар ушалган кун”, “Сув-тириклик манбай”, “Маданиятимиз ва маънавий меросимизни асройлик”, “Ўзбек тилим, жону дилим”, “Жаннат оналар оёғи остидадир” каби мавзуларда конференциялар ўтказилган.

Муаллиф ижодига бағишлиган конференциялар. Муаллиф ижодига доир конференция ҳам ўз хусусиятларига эга. Белгиланган муаллифнинг фаолиятини, маҳоратини унинг ижодидаги ўзига хос фазилатларни белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Масалан: “Исёнкор шоир”(Машрабга), “Асрлар оша номинг бархаёт” (Чўлпонга), “Шоир изларини излаб” (У.Носирга), “Абдулла Қаххор мохир хикоянавис”,

“Ажойиб шоир ва давлат арбоби”, (Бобур), “Нодира ишқ назмининг қүёши” ва бошқа мавзуларда ташкил этилган конференциялар мисол бўла олади.

Китобхонлар конференциясини тайёрлаш ва ўтказиш услуби.

Китобхонлар конференциясинг бошлангич босқичи – мавзуу танлашдан бошланади. Айни шу даврдан бошлаб кутубхона турли ташкилотлар билан боғланиб шу тармоқ мутахассислари билан конференцияга тайёргарлик ишларини амалга оширадилар. Конференция режаси ишлаб чиқилади, асосий тадбирлар ва уларга ажратилган вақт ва конференцияни ўтказиш вақти ва жойи белгиланади. Мухокама қилиш учун танланган зарур адабиётлар билан китобхонлар таъминланади.

Кутубхоначи конференцияда сўзга чиқувчилар билан иш олиб боради, уларни фаол иштирокчи бўлишини таъминлашга харакат қиласди. Конференциянинг муваффақияти асарни тахлилига боғлиқ. Шунинг учун, истеъмолчилар билан яқиндан сухбатлашади, асар ҳақидаги уларни мулоҳазасини ўрганади. Уларни ўқиши даражасига қараб танқидий адабиётларни тавсия қиласди. Тайёргарлиги етук бўлмаганларига асар ҳақида тақризларни тавсия этади. Танқидий материаллар билан танишиб бориш асарни дастлаб ўқигандан шаклланган фикрларини ўзгариб боришига сабабчи бўлади.

Барча вазифалар нихоясига етказилгач таклифномалар тарқатилади, матбуот орқали ахборот берилади.

Конференция маҳсус тайёрланган биноларда асосан ўкув залларида ўтказилади. Конференция қисқача кириш сўзи билан очилади. Бунда асар ҳақида, мухокаманинг мақсади, асарнинг мухокамага қўйилиш сабаби, муаллиф ижодига қисқача тавсифнома, мухокамада эътибор берилиши зарур бўлган масалалар гапирилади. Кейин асар мухокамасига навбат берилади.

Конференцияни олиб борувчи мухокамани якунлайди. Унда асарга берилган мулоҳазалар умумлаштирилиб хаққоний баҳоланади, қўшимчалар киритилади. Конференция якунида фаол иштирокчилар алоҳида таъкидланиб барча иштирокчиларга самимий миннатдорчилик билдирилади.

Конференцияни муваффақиятли ўтиши, қатнашувчиларни фаоллиги ва бу тадбирни таъсирchan бўлиши бошқарувчининг маҳоратига боғлиқ. Унинг маҳорати туфайли сўзга чиқувчилар ва эшитувчилар ўртасида самимий муносабат ўрнатилади. Бошқарувчи нихоятда топқир, катта заковат эгаси, конференция мавзуси билан яқиндан танишиш бўлиши керак.

Конференциянинг муҳим элементларидан яна бири уни баённомасини ёзиш. Баённома муаллифга унинг асари ҳақида оммани фикрини билиш имкониятларини яратади.

Конференцияни муваффақиятини унда ахолини фаол иштирокидан ва берилган адабиётларни микдорини ортиб боришидан биламиз.

Оғзаки журналлар. Ҳар бир кутубхона мамлакатнинг халқаро ва ички хаётидаги янгиликларни, фан-техника ютуқларини, адабиёт, санъат ва бошқа маълумотлар ҳақида ахборот беришни ўзига хос йўлларини қўллайди.

Бу мақсадни амалга оширишда кутубхоналар оғзаки журналлардан фойдаланадилар. Бу тадбир даставвал клубларда жорий этилган кейинчалик кутубхоналар фаолиятида ҳам қўлланилмоқда. Оммавий тадбирни бу шакли истеъмолчилар томонидан ижобий қутиб олинди.

Оғзаки журнал муҳим воқеалардан хабардор этишга қўмаклашувчи ахборотдир. Мавзули журналлар муҳим саналарга, оммавий маросимларга оид бўлади.

Оғзаки журнални ўзига хос хусусияти оғзаки усулни кўргазмалилик билан уйғунлашувида. Оғзаки журнал бир неча саҳифадан ташкил топади. Ҳар бир саҳифани ўзи мавзуси бўлади. Мавзуни ёритишга ижодий ёндашиш, тасвирийлик, жонли, тушунарли тарзда, қизиқарли баён этиш мақсадга эришиш йўлидир.

Оғзаки журнал сахифалари ўзаро бир-бири билан яқиндан боғланган бўлади. Сўзга чиқувчи журнал дастуридаги ўз ўрнини яхши билмоғи керак. Сўзга чиқувчи мавзудан ташқарига чиқмасдан белгиланган муддатда фикрини баён этиши зарур. Сўзловчи ўзи айтадиган маълумотларини яхши билган ҳолда энг зарурини қисқа вақтда ёритиб бериши талаб этилади.

Оғзаки журнални ўтказишида бошқарувчини ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Уни вазифаси у ёки бу сахифани эълон қилиш эмас, аксинча тингловчилар учин қўшимча маълумотлар бериб, тингловчиларни жонлаштириш. Маълумотларни ўзгариб боришини хисобга олиб янги сахифага жамоатчиликни жалб қиласди.

Оғзаки журнални ўтказилиши ҳақида истеъмолчиларни ҳабардор қилиш ҳам тайёргарликни муҳим вазифаларидан бири. Таклифномалар тайёрланади, эълонлар ёзилади.

Кутубхоналар фаолиятида турли мавзуларда оғзаки журналлар ташкил этилган. Масалан: ”Навruz фасллар файзи”, ”Афсоналарга чўлғонган достон”, ”Тиллар гулдек сўлмайди”, ”Табиат дунёси”, ”Осмон жумбоғини очган аллома”, ”Тарих тилга кирганда”, ”Бобур шоҳ ва шоир”, ”Жониворларни асранг” ва бошқалар. Ушбу оғзаки журналлар китобхонларга ахборот беришда ўзига хос ахамиятга эгадир.

Китоб тақдимоти. Истеъмолчини асар мазмуни билан ҳар томонлама таништиришга мўлжалланган. Китоб тақдимотидан муаллифи ва нашриётлар манфаатдор. Улар муҳокамани ташкилотлари сифатида иштирок этадилар. Китоб тақдимотда кутубхона мутахассислари масала моҳиятини яхши биладиган тушунадиган истеъмолчилар иштирок этишини ташкил этишга қаратиши лозим. Китоб тақдимоти қўпинча адабиётлар савдоси билан биргаликда ўтказилади.

Кутубхона викторинаси. Оммавий тарғиботнинг бу шаклини ўзига хос ўйин тури бўлиб, саволлар асосида истеъмолчиларни турли фан соҳаларига оид билимлари аникланади. Бошқарувчи саволлар беради, иштирокчилар шу заҳоти жавоб берадилар. Тез ва тўғри жавоблар ғалаба хисобланади ёки тақдирланади.

Викториналар турли соҳага оид масалаларга, машҳур кишилар, ёзувчилар хаёти, ижоди хақида ёки бирон бир мавзуга оид, маълум бир асарлар юзасидан ўтказилиши мумкин.

Викторинада саволлар шундай баён қилиниши керакки, улар қисқа ва мазмунли бўлсин. Иштирокчиларни қизиқтириши билан бирга уларда яхши тассурот қолдириши керак.

Викториналар асосан турли оммавий тадбирлар дастурига киритилади. Кеча дастурининг бир қисми сифатида сахнада ўтказилади. Бу ўз навбатида истеъмолчини белгиланган муаллиф ёки асар билан қанчалик танишлигини аниқлаш имкониятини яратади, маълумотларни иштирокчиларга тарғиб қиласди.

**Қизиқишиклари.** Кутубхоналарда истеъмолчиларни ижтимоий-фойдали қизиқишини ривожлантириш, китоб ва бошқа хужжатлар билан ишлашни шакллантириш ва кутубхона фондидан фойдаланишини фаоллаштириш мақсадида ташкил этилади.

Қизиқувчилар клуби одамларни ўз ҳоҳишлирага кўра кўнгилли бирлашишлари асосида ташкил топади. Бундай клублар кутубхоналар ёки истеъмолчиларни ўзлари томонидан ташкил этилади. Уларга ёшлар, уй бекалари, нафақаҳўрлар аъзо бўладилар.

Клубнинг энг фаол аъзолари хайъат аъзолари бўлиб кутубхона ходимлари билан клубни иш режасини, йиғилишлар дастурини ишлаб чиқадилар. Биринчи йиғилишда клубни номи, эмблемаси, низоми ва бир йилга мўлжалланган дастури қабул қилинади.

Низомда клуб фаолиятининг тартиби ва унинг аъзоларини ҳукуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Маслан, Адабиёт ва санъат клубига, адабиёт ва санъатни севувчи, ахлоҳий баркамолликка интилевчилар унга аъзо бўлиши ҳукуқига эга. Клуб йиғилиши ҳар ойда бир марта ўтказилади. Қизикишга оид клублар турли мавзуларда бўлиши мумкин. Масалан: “Табиат шайдолари”, “Ёш китобсеварлар”, “Сухбатдош”, “Спорт-клуб”, “Уй бекаси” ва бошқа мавзуларда..

Клуб йиғилишини тайёрлаш ва ўтказиш учун истеъмолчиларни ўзларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Йиғилиш дастурига сухбатлар, маърузалар, машҳур шахслар билан учрашувлар, экспурсиялар киритиши мумкин. Кутубхоначилар ва клуб аъзолари клуб йиғилишини қизиқарли бўлиши учун доимо янгиликларни жорий этиб боришлари зарур. Қизикиш клубининг бутун фаолияти шахсни эркин ривожланишига, ижодий қобилиятини шаклланишига қаратилган бўлади.

## 6-боб. Ахборот-кутубхона хизматида этика, мухит ва самарадорлик.

- 6.1. Ахборот-кутубхона хизматида этика ва мулоқат.
- 6.2. Ахборот-кутубхона хизмати мухити.
- 6.3. Ахборот-кутубхона хизмати самарадорлиги

## 6.1. Ахборот-кутубхона хизматида этика ва мулоқат.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий соҳасида юз бераётган мухим ўзгаришлар, умуминсоний қадриятлар, эзгу-орзу ниятлар - ахлоқий принципларга алоҳида эътибор билан қарашни таққозо этмоқда. Жамият ривожланишининг глобал масалалари - инсонни қадрлаш, унинг хақ - хуқуқларини хурмат қилиш, ўзаро алоқаларнинг маънавий юксаклигига эришишдир. Жамият то маданият ва маърифатнинг юксак даражали ахамиятга эга эканлигини, хатти харакатнинг ахлоқий меъёрларини зарурлигини тан олмас экан, у ривожланган ва демократик бўла олмайди.

Этика (грекча-ethika, ethas- одат, таомил сўзидан олинган) ахлоқни, маънавиятни ўрганадиган фан бўлиб, “Этика ” сўзини фанга Аристотел киритган. Немис олими Иммануил Кант (1724-1804) маънавият назариясининг пойдеворини яратган. Кантнинг уч фалсафаси хозиргача маънавий талабларни ишлаб чиқиша мутахассисларга асос (негиз) бўлмоқда, булар:

- 1.Мехр-мурувват (ўзини юмшоқ, ахлоқли, хушмуомала тутишга интилиш);
- 2.Қонун-қоидаларга риоя қилиш;
- 3.Қилаётган иши амалда хеч қандай зарарли таъсир кўрсатмаслигига интилиб фаолият юритиш.

Бу фалсафани кутубхоначи ўзининг касб маҳоратини оширишда, одамларга билим тарқатишида ўз вазифаси деб қараши мумкин.

Кутубхоначилик ишида китобхонларга маънавий хизмат кўрсатиш мутахассисларнинг доимо диққат марказида бўлган.

Замонавий кутубхонашунос олимлар ахборо-кутубхона хизмати кўрсатишнинг маънавий муаммоларини ечиш кутубхоначиларнинг касбий характеристикасини тузишни таққозо этади деб хисоблайдилар. Кутубхоначилик ишининг ишлаб чиқариш омили билан бирга шахс омили ҳам ўрганиб чиқилмоқда. Бунда, кутубхоначи ва китобхоннинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг билим ва маҳсус тайёргарлиги даражасини, тажрибаси, қизиқишини, кутубхона соҳасини идрок этиши масалалари урганилмоқда. Айниқса кутубхона ходимларининг касб маҳоратини оширишни ўрганишга катта ахамият берилмоқда.

Профессор К.И.Абрамов кутубхоначи ходимларни тайёрловчи олий ўқув юртлари китобхонларга хизмат кўрсатувчи ходимлар етиштириб беришни асосий мақсад қилиб олишлари кераклигини таъкидлаб ўтади. Китобхонга маънавий хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган кутубхоначи юқори касб маҳоратига эга бўлиши керак деб хисоблайди.

Профессор А.Я.Чернякнинг фикрига кўра билимдон кутубхоначи- бу комплекс тушунчадир. У маҳсус тайёргарликни, ўз фаолиятига тўғри муносабатда бўлишни ўз ичига олади. Касб маҳорати етишмаслигининг белгиси аввало “китобхондан чўчиш” дир, бу белги кутубхоначи иш фаолиятининг биринчи йилларида юз бериши мумкин.

Профессор А.С. Чачко кутубхоначи учун: эътиборга олиш, келиб тушаётган ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлашга мослашиш даражаси, эътиборни диққат билан узоқ вақт сақлай олиш қобиляти мухим эканлигини таъкидлаб ўтади.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига қўра кутубхоначи учун қуйидаги касбий сифатлар бўлиши зарур: ахборотнинг кенг хажмидан ўзига керакли бўлган маълумотни ажратиб ола билиш; ўз иродасини мустақил равишда ошириб бориши; муомаланинг тўғри йўлини топа билиши; сұхбатдош билан алоқани йўлга қўйиш қобиляти ва х.к. Шу билан бирга, касбига хос хусусиятларга эга булиши: вазминлик, кўнгилчанлик, илтифотлилик, ўз фикрни аниқ етказиб беришни билиши, китобхонни қизиқтирган мавзуда сұхбат олиб бора олиши, ўз нуқтаи назарини асослаб бера олиши керак.

Чет эл кутубхонашунослигига оддий ва шу билан бирга сермазмун бўлган фикр мавжуд. Кутубхоначилик касби аввало инсонларга мухабbat билан қарашни таққозо этади. Кутубхоначи инсонга мўътабар деб қарashi, инсонийлик ҳамда қадрини хурматлаши керак. Ҳар бир китобхон кутубхонанинг севимли меҳмони бўлиши керак. Кутубхоначи китобхонни талабини очик юз билан бажариши, унга хизмат қилаётганидан қувониши керак. Аммо китобхонларга ҳар томонлама ёрдам бера олиши учун, кутубхоначи адабиётларни, тарихни, психологияни, педагогикани, чет тилини хам яхши билиши зарур.

Америка кутубхонашунослари кутубхона иши билан машғул одамлар хулқ- атвори кутубхона ишига таъсир этишини аниqlаганлар. Кутубхоначи кўпгина мутаасиб хулқ-атвordan холи эмас. Масалан, шошилинч ўзгаришларни қабул қила олмаслик, шахс қадр-қимматига хурмат ва тартибини севиши, ишни пухта қилиши, нуфузли инсонларга хурматда бўлиши каби.

Кутубхоначи касби иш жараёнида тўқнаш келадиган кўпгина маънавий муаммоларни хал қилишга ёрдам беради. Мутахассисларни ташвишга solaётган нарса китобхонни кутубхонадан узоқлашиб кетишидир. Бу нарса кутубхоначи- китобхон муносабатини яна бир бор яхшилаб ўрганиб чиқиши, анъанавий усусларни қайта кўриб чиқиб, замон талабига жавоб берадиган янги усусларни қидириш кераклигини таққозо этади.

Замонавий ахборот-кутубхона хизмати фаолиятидаги асосий йўналиш ахборот хизмати кўрсатишидир. Хизмат кўрсатишининг бу усули борган сайин кенгайиб бормокда. Бугунги қунда кутубхоначидан юксак маҳоратни талаб этувчи усул бу - маълумот узатиш ишидир. Маълумот бу шунчаки маслаҳат, ахборот қидируvida ёрдам ва қидируv, ИРИ, ДОР тизимида ишлашни ўз ичига олувчи мураккаброқ хизмат кўрсатишидир. Бироқ кўпинча ахборот хизмати кўрсатишини фаолиятни маънавий нейтрал соҳаси ва кутубхоначининг касб маҳоратига таянади деб тушунилади.

Биз яшаётган ахборот асирида кутубхоналарни компьютерлаштириш ғоясини илгари суради. Компьютернинг чексиз эслаб қолиш хажми, манипуляцияси, ахборотни қайта тиклаши муваффакият билан инсон ўрнини боса олади ва хаттоки ундан ўзиши ҳам мумкин. Компьютер техникасидан

орқада қолиши жамият ривожланишининг барча соҳаларида, шунингдек кутубхона ишида ҳам орқада қолишни юзага келтиради. Аммо хеч қандай мукаммал машина кутубхонадаги илиқ муносабатнинг ўрнини боса олмайди, кутубхона муҳитини яратиб бера олмайди.

Машхур кутубхонашунос олим Н.А.Рубакин ҳар бир китоб, адабиёт ўз шахсий таъсирига эга эканлигига диққатни қаратган эди. Китоб билан психологияк, педагогик оламнинг эстетик жихатларининг нозик томонларини хеч қандай замонавий машина бажара олмайди. Комфорт компьютер хизматини кўрсатиш шароитида хизмат қилаётган чет эл кутубхоналари мутахассислари китобхон талабини бажаришда сўралаётган ахборотнинг қандайлиги ва мақсади муҳим эмас деб хисоблар эдилар. Унинг ягона вазифаси бўлиб талабни қониқарли бажариш саналар эди.

Кутубхонашунослар фикрига кўра кутубхоначининг уларнинг ўз бурчини бажаришга хеч қандай маслак тўсиқ бўла олмайди. Хеч қандай сиёsat, хеч қандай эътиқод, хеч қандай насиҳат. Ўзига хос услубий ёндошишнинг ифодаси шундайдир. Қарама-қарши нуқтаи назар тарафдорлари бу фикр маънавий зидликни ўз ичига олади деган асосли изоҳ берадилар. Тақдим этилаётган ахборот билан унинг амалда қўлланилиши ўртасида узилмас алоқа мавжуд. Кутубхоначи ижтимоий вазифасига, жамият олдидаги мажбуриятларига таянган холда талаб қилинаётган ахборотни китобхонга бериш керак ёки йўқлигини хал қилишнинг маънавий хуқуқига эгадир. Кутубхоначи айниқса болани уни ёшига тўғри келмайдиган адабиётдан, фашизм, зўравонлик, шавқатсизликни тарғиб этувчи адабиётлардан химоя қилиш хуқуқига эгадир. Агар кутубхоначи ўзи тақдим этаётган ахборотни ноўрин мақсадларда фойдаланишини билса, у дархол қарама-қарши чоралар кўриши зарур. Масалан, китобхон солиқ қонун - қоидаларини қандай четлаб ўтиш тўғрисида кутубхоначидан адабиёт танлаб беришни сўради. Кутубхоначи хушмуомалалик билан кутубхоналарда бундай адабиёт бўлмаслигин тушунтириши керак. Хаттоқи вақтли матбуотда ҳам бундай мавзулар берилмаслигини таъкидлаши керак. Бундай адабиётлар хам кутубхоналарга келиб тушиши мумкин, лекин кутубхоначи бундай адабиётни беришдан бош тортиб китобхонга вақтли матбуотда чиқаётган солиқ тўғрисидаги қонун-қоидалар, мақолалар, маслаҳатларни тавсия этади ва бу билан китобхонни жамиятга қарши фаолиятидан, керак бўлса жиноят қилишдан қайтариб қолади. Кўраётганимиздек кутубхоначининг маънавий фикрлаши кўп холларда унинг харакатини ва ахборотни тақдим этишда қайси йўлни танлашини белгилаб беради.

Ахборот- кутубхона хизмати кўрсатиш китобхоннинг келиб чиқиши, иш жой, мансаби, жинси, ёши, ташқи кўринишига боғлиқ эмас. Агар кутубхоначи доимий китобхонга қўпроқ эътибор берса, ёки катталарга нисбатан болаларга камроқ эътибор берса кутубхоначининг одоб қоидаси бузилади. Ҳар бир кутубхона ўзида қандайдир одатдан ташқари ёки маҳсус хизмат кўрсатиш усулини қўллаши мумкин - олимлар учун, ишбилармонлар учун, давлат арбоблари учун. Аммо барча китобхонларга сўзсиз тенг

равища, тезлик билан, ҳар бирини ҳурматини жойига қўйиб хизмат кўрсатиш керак..

Маънавий муаммолар имтиёзли китобхонларга хизмат кўрсатишида юзага келмоқда. Оммавий кутубхонада бу унчалик сезиларли эмас, лекин маҳсус, илмий, академик кутубхоналарда муассаса раҳбарининг сўрови оддий муҳандис сўровига нисбатан биринчи ўринда туради. Кутубхоначи учун университет кутубхонасида профессор сўрови аспирант ёки талаба сўровидан муҳимроқ ҳисобланади. Ёки илмий-техника кутубхонасида кутубхона ходимлари кун давомида бош муҳандис сўрови билан машғул бўладилар, китобхонлар эса кутубхоначи эътиборидан четда қоладилар. Бундай ҳолларнинг барчасида кутубхона ишининг одоб доираси бузилади.

Кутубхоналарда маҳсус хизмат кўрастишини ва алоҳида эътиборни талаб этувчи китобхонлар туркуми борки, уларга ҳақиқатдан ҳам алоҳида эътибор керак: улар ногиронлар, кўзи ожизлар, кекса ва ёлғиз одамлар ва бошқалар. Улар учун хизмат кўрсатишининг маҳсус тизими мавжуд: кўзи ожизлар кутубхонаси, ностационар хизмат кўрсатишининг турли усуслари. Лекин китобхонларнинг бундай туркуми оддий кутубхоналардан ҳам фойдаланадилар. Кўпинча улар учун оддий иш ҳам қийинчилик туғдиради. Каталогдан ниманидар қидириш, китоб танлаб уни кўриб чиқиш ва ҳаттоки уни иш столига олиб келиш ҳам мушкул. Китобхонларнинг бундай туркумига кутубхоначи юқори эътибор кўрсатиб, уларнинг талабини назокат билан бажариши керак.

Ахборот- кутубхона хизмат кўрсатишининг самарали бўлиши кутубхона маъмуриятини ахлоқ- одоб нормаларига риоя қилишига боғлиқдир. Касб маҳоратини чуқур эгаллаш- раҳбарлик маданияти, қўл остидаги ходимлар билан тўғри муомала қила билиш, уларга ҳурмат билан қараш, бир-бирини тушуниш- бу санъатдир. Бугунги кунда одамлар билан уларнинг нуфузига бўйсиниб ишлаш усули, субъектив баҳолаш ва ғайри ихтиёрий муомала қилиш номақбулдир. Бундай муносабат бўлган жамоаларда шу жумладан кутубхоналарда жиддий вазият юзага келади. Ахлоққа зид бўлган, раҳбарият нуфузига бўйсиниб иш юритиладиган кутубхоналарда кўпинча яхши ходимлар ишдан кетиб қоладилар.

Маъмурият билан оддий ходимлар teng равища масалаларни ҳал қилар экан, ушбу кутубхонанинг иши муваффақият билан олиб борилади. Агар бундай вазият бўлмаса жамоадада кўплаб қийинчиликлар, айниқса психолого- қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Кўпинча кутубхоначилар, айниқса ёш кутубхоначилар янги ишга янги ғоялар ва янги режалар билан келадилар. Улар ўз кутубхонасининг ишини яхшиламоқчи, китобхонларни қизиқтиromoқчи, ўзининг касб ва ижод маҳоратини очмоқчи бўладилар. Лекин бу ишларни бажара олмасликларининг сабабларидан бири кутубхона ходимларининг тарқоклигидир.

Уларнинг ижодий фаолияти қатъий қоидаларга бўйсиниб, ишнинг ҳар бир бўлими маълум бир кутубхоначига бириктирилган бўлади. Оддий кутубхоначи учун бундай шароитда маслаҳат бериш номақул саналади. Кўп ҳолларда кутубхоначи устидан оддий қўрқув ҳукмронлик қиласи.

тушунмасликлари, ходимлар билан муносабатни бузиб қуиши “үта ақли” бўлиб кўриниб қолиш каби. Кўпгина кутубхоначилар “ менинг хулқимга раҳбарият қандай қарап экан?” деб ўйланиб қоладилар ва ҳар доим ҳам бу саволга ижобий жавоб олиш мумкин эмас. Лекин кўпгина кутубхоналар ишида касб маҳорати тўғрисида мунозаралар ўтказилади, раҳбарият семинарлар, касб ўйинлари ташкил этади ва бунда барча ходимлар қатнашиб, масалаларни биргаликда хал этадилар.

Кутубхонада кутубхоначи ва китобхонларнинг ўзаро муносабатлари кутубхоначилик иши назарияси ва амалиёти дикқат марказида турган муаммолардан биридир. Мулоқот кутубхона хизмати кўрсатишнинг ижтимоий кўринишига қизиқишининг ортиши жамиятда ижтимоий маънавий мухитнинг ўзгариши ва шахснинг алоҳида қобилиятининг ўсиши билан боғлиқ.

Ўзаро мулоқот инсон турмуши тарзининг асосий шаклидир. Бусиз инсонларнинг ўзаро алоқаси бўлмаганидек, биргаликдаги меҳнат ҳам бўлмайди. Мулоқот жараёнида инсон ўзининг олам ҳақидаги тасаввурини шакллантиради, бир-бирини тушунади, бошқа инсонлар билан фикр-туйғулар алшмашади. Мулоқот ўз-ўзига, ўз виждонига, хотираларига мурожаат этишни инкор этмайди. Мулоқот жараёнида инсон ўзини чуқурроқ тушунади, ўзгалар қадр қимматини ҳар томонлама хис қиласди.

Кўпгина кутубхонашунослар кутубхонада муносабатлар муаммоларини изчиллик билан ўрганаятилар. Уни ишлаб чиқишига Россиялик кутубхонашунос олимлар Н.В.Клименко, С.А.Езова, М.Я.Дворкина, Е.В.Смолина ва бошқалар катта хисса қўшмоқдалар. Уларнинг тадқиқотлари психологлар, педагоглар ва фалсафашуносларнинг мулоқат тўғрисидаги фундаментал илмий ишлари асосида, кутубхона мулоқати масалаларига бағишлиланган.

Кутубхона мулоқоти мураккаб тушунчадир. Тадқиқотчилар кутубхона мулоқотининг уч турини кўрсатиб берганлар:

- кутубхоначилар ўртасида;
- кутубхоначи ва китобхон (фойдаланувчи) ўртасида;
- китобхонларнинг ўзлари ўртасида.

Кутубхона мулоқотининг асосий муаммоси кутубхоначи ва китобхон (фойдаланувчи) ўртасидадир. Асосий методологик масалалардан бири кутубхона мулоқот жараёнида қатнашувчиларнинг ўзаро муносабати масаласидир. Уларнинг ўзаро алоқасининг асл моҳиятини тушуниш муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Чунки умуман ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш жараёнининг асл моҳиятини тушуниш юқоридаги аҳамиятга боғлиkdir.

Кутубхоначи ва китобхоннинг ўзаро алоқасига узоқ вақт худди “субъект-объект”дек қаралган, китобхон “объект” кутубхоначи эса “субъект” вазифасини бажарган, яъни кутубхоначининг дикқати қаратилган нарса деб ҳисобланган. Охирги йиллар тадқиқоти бу ўзаро алоқаларнинг бир мунча мураккаброқ табиатини кўрсатди. Аниқки, китобхон факат кутубхоначи назаридағина “объектдир”. Ҳақиқатдан ҳам китобхон кутубхоначи назарида

кутубхонанинг барча фаолияти қаратилган объектдир. Ўз вақтида китобхон ҳам кутубхоначининг “объект” сифатида кўриши мумкин, яъни китобхон ўз талаби билан кутубхоначи фаолиятига таъсирини ўтказади. Бошқа томондан эса кутубхонада кўпинча шундай вазият юзага келади, кутубхоначи ва китобхон биргалиқда иш кўради. Айниқса бу якка талабни бажаришда яъни кутубхоначи ва китобхон биргалиқда ахборот қидирув олиб борганларида юзага келади. Моҳиятан олганда кутубхоначи ва китобхон биргалиқдаги фаолият иштирокчилари деб қаралишини биринчилардан бўлиб Е.В. Смолина аниқлаган. У “субъект-объект” жараёнини қайта кўриб чиқишни таклиф этиб, китобхон ва кутубхоначи битта умумий фаолият (ахборот қидирув) билан боғлиқ ва teng поғонада туришларини аниқлади. Бироқ, китобхонларга кўп қиррали хизмат кўрсатишнинг реал жараёнини таҳлил қила туриб кутубхоначи ва китобхон учун ўзаро алоқанинг ҳар иккала шакли – “субъект-объект”, “субъект-субъект” шакли характерли эканлигини кўриш мумкин. Шуни назарда тутиб ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг турли соҳаларида китобхонга хизмат кўрсатишнинг турли конкрет масалалари жараёнида кутубхоначи билан китобхон ўртасида муносабатнинг икки шакли характерли бўлган.

“Субъект-объект” муносабат ва умуман мулоқот пайдо бўлишини кузатиш қизиқарлидир. Алоқа муносабатлари кутубхоначи китобхонни шахс деб эмас, факат талаб қилувчи деб қараса ва кутубхоначи ва китобхон ўртасида бевосита алоқа бўлмагандан юзага келади. Алоқа муносабатлари биргалиқда фаолият юритилгандагина пайдо бўлади. Мулоқотнинг кўп қиррали мураккаб жараёнида ўзаро бир-бирига боғлиқ икки тушунча- психологик ва маънавий тушунчаларни ажратиш мумкин. Кутубхона мулоқотида ҳар икки тушунча ҳам одатдаги ҳолдир. Бугунги кунда кутубхона мулоқотининг психологик тушунчаси кўпроқ такомиллашган.

Тадқиқотчилар асосий муаммо деб қуидагиларни хисоблайдилар:

- кутубхона мулоқотининг хусусияти масаласи;
- кутубхона мулоқотида хиссиётларнинг аҳамиятини англамоқ;
- кутубхона мулоқоти жараёнида кутубхоначининг психологик-педагогик ахлоқи, ўзаро алоқа пайтида низолар ва тўсиқларни енгигб ўтиш;
- кутубхоначи ва китобхон ўртасида шахсий сифатлари роли, бир-бирини тушуниш.

Кўпчилик тадқиқотчилар кутубхона мулоқотини роль деб қарайдилар, кутубхоначи ўз касбий вазифасини бажаради, китобхон ўзининг шахсий ахборот талабини ва китобхонлик талабини қондиради. Роль муносабатлар ўзига хос хусусиятга эга. Улар худди мактабда ўқувчи ва ўқитувчи роли каби нуфузга бўйсимиш ёки мансабга бўйсимиш асосида қурилмайди. Уларнинг асосида тенглик ётади. Кутубхона мулоқотининг ўзига хос томони деб эгилувчанликни айтиш мумкин. У китобхонинг турли талаблари ва қизиқишлигини табакалаштириб ажрата билган холда сеза билиш, китобхоннинг кўп қиррали хусусиятини хисобга олишида кўринади.

Кутубхона шароитида кутубхоначининг китобхон билан мулоқоти турли даражада юзага келади:

- кутубхоначини битта китобхон билан мулоқоти,
- кутубхоначининг маълум бир китобхонлар гурухи (оилавий, мактабнинг бир синфи, корхонанинг бир бригадаси) каби билан мулоқоти;
- маълум бир тадбирнинг китобхон аудиторияси билан.

Кутубхоначининг алоҳида китобхон билан мулоқоти бевосита алоқа пайтида бўлади ва кутубхонага аъзо қилиш, талабни қабул қилиш ва топшириш, хужжатлар, маълумотлар бериш, қабул қилиш, маслаҳат бериш ва бошқа хизмат кўрсатиш жараёнларида намоён бўлади. Гурух билан ёки аудиторияда мулоқот бир мунча ўзгачадир. Кутубхоначи аудиторияяга мурожаат қиласди; ўз вақтида алоҳида шахслардан иборат лекин ягона организмни ташкил этувчи аудитория кутубхоначига ўз таъсирини ўтказади, уни ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиб туришга мажбурлайди. Кутубхоначи ва китобхон гурухининг ўзаро алоқасининг мураккаблиги шундаки, аудитория ичидаги гурухлар шахслараро мураккаб муносабатда бўладилар. Кутубхоначининг китобхонлар гурухи ёки аудитория билан мулоқотида ижтимоий-психологик, механизмларни чунончи, уқтириш, тақлид қилиш, психологик таъсир ўтказиш кабиларни қўллаш зарур. Шундай қилиб шубҳасиз, кутубхоначининг алоҳида китобхон билан, гурух билан ёки аудитория билан ўзаро мулоқоти бир-биридан жиддий фарқ қиласди.

Мулоқотнинг хусусияти унинг давомийлигидадир. У эпизодик ва стабил равишда фарқланиши мумкин. Стабил мулоқот кўпроқ якка китобхон билан бўлади, лекин маълум бир китобхонлар гурухи ёки аудиторияяга мўлжалланган кутубхона хизмати кўрсатишда ҳам учрайди. Шерикларнинг муаммоларига чуқур кириб бориш билан мулоқот қулай ва узлукли бўлиб таърифланиши мумкин.

Қулай мулоқот кутубхоначи фикрига мақсади китобхон талабини қондиришга қаратилган касбий фаолияти бўлган асосий мулоқотдир. Узлукли мулоқот расмий мулоқотдир, энг оддий алоқада юзага келувчи, асосли мақсадга эга бўлмаган мулоқот (кутубхонада “қабул қилиш-бериш”). Ҳеч қандай мулоқот шу жумладан кутубхона мулоқоти бевақт, нореал шароитда ўтиши мумкин эмас. Баъзи холларда бу шароитлар мулоқотни кучайтиради, баъзан эса уни қийнлаштиради. Умуман олганда мулоқот қулай, бетараф (нейтрал) шароитлар билан характерланади. Қулай шароитга дўстона муҳит, қулайлик, кутубхоначининг юқори малакаси кабилар, ноқулай шароитга эса машғулот учун жойнинг йўқлиги, ходимларнинг совуқонлиги кабилар киради.

Кутубхона хизмати кўрсатиш бошқа мулоқотлар каби маълум бир восита асосида олиб борилади. Тадқиқотчилар қуидаги воситаларни ажратиб кўрсатадилар: тил асосида мулоқот, имо-ишора билан мулоқот, кўргазмали мулоқот, рамзий мулоқот. Буларнинг ҳаммаси кутубхона мулоқотида қўлланилади.

Асосий алоқа воситаси бу албатта тилдир. Тил билан мулоқтнинг ахамиятига баъзи бир хисоб-китобларга суюнган холда баҳо бериш мумкин. Психолог В.Левиннинг фикрига кўра инсоннинг 70 % вақти гаплашиш билан боғлиқ, 45 % тинглаш, 30 % овоз чиқариб гапириш, 15% ўқиш ва 10% ёзиш

билан боғлиқ. Шу йўл билан кутубхоначи ва китобхоннинг алоқаси сўз орқали бўлади. Лекин имо-ишора, жилмайиш, кўзлар ифодаси ҳам катта аҳамиятга эга.

Кутубхона мулоқотида кўргазмали воситалардан ҳам фойдаланилади. Энг аввало – китоб, шунингдек библиографик нашрлар ахборот рўйхатлари, кўргазмалар ва бошқалар. Булардан ташқари кодли ва рамзий воситалар ҳам мавжуд. Булар турли графикалар, чизмалар, баъзи кўрсаткичлар, шартли белгилар ва бошқалар.

Кутубхона мулоқотида хиссиёт ҳам катта роль ўйнайди. Хиссиёт- бу бошқа бир кимсанинг ҳиссий холатига ўзининг ҳис туйғулари билан жавоб беради олиш қобилятидир. Инсон хиссиёти унинг биологик асосга эга бўлган чуқур психо-физиологик хусусияти билан аниқланади. Хиссий холатлар ўзининг бошқарувига бўйсинади. Хиссиётнинг асосий функцияларидан бири атроф-мухитни билишни, ўрганишга ёрдам беришдир. Хиссиётнинг бундай ахборот бериш роли алоқа жараёнига катта таъсир ўтказади, шу жумладан кутубхона мулоқотига ҳам.

Хиссий қониқмага эҳтиёж сезиш инсоннинг асосий эҳтиёжларидан биридир. Аммо баъзи тадқиқотчиларнинг натижаларига кўра 60% кутубхоначилар ўз хиссиётларини идора қила оладилар. Бу эса хиссиётни “жиловлай” олмасликни акс этганидек уни “тежаш”да ҳам акс этади, натижада узлукли мулоқот юзага келади, оқибатда эса кутубхоначи “зарар ”кўради, яъни мулоқот зерикарли асабий, қониқарсиз вазият юзага келади.

Кутубхоначи китобхон билан алоқада бўла туриб ўз хиссиётларини шундай йўналтиради у китобхонга ижобий таъсир ўтказади. Хиссиётлар олами жуда мураккаб ва турли тумандир. Тадқиқотчилар хиссиётнинг турли кўринишларини аниқлаганлар. Кутубхона мулоқотида кўпроқ учрайдиганлари қуидагилардир:

- эзгулик, яъни ёрдам бериш истаги;
- алоқа билан яъни ахборотни етказиб бериш эҳтиёжи;
- ўз фикрлари билан боғлиқ эҳтиёжлар;
- англаб олиш, билиш ўрганиш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжлар;
- кулайликка боғлиқ эҳтиёж;

Кутубхона мулоқотида хиссиётдан ташқаори ўзаро алоқанинг таркибий қисми ҳам катта роль ўйнайди:

- китобхон ва кутубхоначининг бир-бирини тарбиялаш
- бир-бирига бўлган муносабат;
- бир-бирига мурожаат қилишнинг турлари;

Охирги йиллар текширувлари ва аввало С.А.Езованинг илмий ишлари алоқанинг таркибий қисмларини қераклича таърифлаб беради. Кутубхоначи билан китобхоннинг бир-бирини қабул қилиши кўп холларда мулоқот жараёнининг муваффақиятини аниқлайди, унинг натижалари га бевосита таъсир этади.

Инсонни инсон томонидан қабул қилиниши аввало унинг ташқи кўринишига, унинг шахси, касби-корига боғлиқ. Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, китобхон ва кутубхоначининг алоқани ўрнатувчи ва уни

қийинлаштирувчи сифатлари бирлашади. Китобхон нуқтаи-назарида қуйидаги сифатлар кутубхоначи билан алоқани қийинлаштиради: ташқи кўриниши (дидсиз, тартибсиз кийиниши, бақироқлиги); соч турмаги (таралмаган, пала партишлиги); косметикани меъёридан ошириб ишлатиш; овози (қўпол, тез); оғзи (ҳамиша бир нарсани чайнаб туриши); қараши (ёқимсиз, дилкаш эмас); имо-ишораси (захар, димоғдор). Билимдонлик, мулоқотга кириша билиш, кутубхона фондини билиш каби фазилатларининг йўқлиги ҳам китобхон билан алоқани қийинлаштиради.

Аксинча китобхоннинг фикрича кутубхоначининг ёқимли ташқи кўриниши, тартибли кийиниши, очик чехраси мулоқотни кучайтиради. Кутубхоначининг билимли, маълумотли, ишбилармон, мулоқотга кириша билиши каби фазилатлари китобхон тмонидан юқори баҳоланади.

Кўпгина кузатувлар шуни кўрсатадики, барча ёшдаги ва келиб чиқиши турлича бўлган китобхонларнинг хаммаси кутубхоначидаги эътиборсизликка салбий қарайдилар. Китобхонлар ўз талабларига бўлган лоқайдликни ёқтирмайдилар.

Ўз навбатида кутубхоначиларнинг ҳам китобхон фазилати тўғрисида ўз фикрлари бор. Кутубхоначи нуқтаи назаридан китобхонлардаги жавобгарлик хисси, хушмуомалалиқ, билимли бўлиш каби фазилатлар муҳимдир. Кузатувлар шуни кўрсатадики, бир бири тўғрисидаги биринчи таасурот алоқанинг асосий йўналиши бўлиши мумкин.

Мулоқотдаги қийинчиликлар ўртада тўсиқ келтириб чиқариши мумкин, бу эса тортишувларга сабаб бўлади. Тадқиқотчилар мулоқотнинг қуйидаги “тўсиқ” ларини кўрсатиб ўтишади:

- бир-бирини шахсан тушунмаслик билан боғлиқ бўлган;
- турли холатларда ўзини тута билмаслик билан боғлиқ;
- мулоқотнинг мос келувчи турини топа билмасликка асосланган.

Тўсиқнинг биринчи гурухи шерикларнинг бир-бирларини қабул қилишдаги хатолар билан боғлиқ. Ташқи кўринишни нотўғри баҳолаш, муомала сабабини нотўғри тушуниш тўсиқларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу тўсиқларни мулоқот қатнашчиларининг дилдан ишлашлари оқибатида олиб ташлаш мумкин. Инсон ўзида бошқа одамни “кўра билишни” ўрганиши керак. Инсон ўзида атрофдагиларга нисбатан хушмуомалада бўлишни, қарашларини кенгайтиришни, ишончни қалби кенгликни мужассам қила билиши керак.

Тўсиқнинг иккинчи гурухи мулоқотни ташкил қила билмаслик билан боғлиқ. Кўпинча кутубхоначи сўз оҳангига такаббурона тус бериб, эътибор қозонмоқчи бўладилар. Лекин кутубхоначининг такаббурли, димоғдорлиги китобхонга ёқмайди, у ҳам кутубхоначининг попугини пасайтириб қўймоқчи бўлади. Одатдагидек такаббурликка жавобан қўрслик бўлади. Мулоқотнинг бундай усули кутубхоначи обрўсини туширади, кутубхоначини китобхондан узоқлаштиради, китобхон чўчиб туради. Бу хилдаги тўсиқни “олиб ташлаш” аввало китобхон талабига эътиборлироқ бўлишга, унга хурмат билан қарашга боғлиқдир. Асосий эътибор бунда кутубхоначига қаратилади, чунки у кутубхонада мулоқотни ташкил этишга жавобгар

хисобланади. Кутубхоначи фикрларидан холи бўлиб, дикқатини бир ерга жамлаши керак. Ўз касбий маҳоратини ошира бориб, “қийин савол”дан кўрқмаслик хиссини кучайтириши керак.

Тўсиқнинг учинчи гурихи мурожаат қилиш турини танлаб олиш билан боғлиқ. Афсуски мулоқотнинг бу турига кам эътибор қаратилган. Тилимизнинг ўзига хослиги “сен”лаш ёки “сиз”лаш мурожаат турини танлашни қийинлаштирган. Кутубхонада “жаноб” деб муомала қилиш ўта расмий, “хой эркақ” ёки “хой хотин” деб мурожаат қилиш эса ўта маданиятсизликдир. Бизнинг фикримизча китобхоннинг исми шарифини айтиб чакириш маъқулроқ бўлади. Дейл Карнеги инсон учун ўзининг исми-шарифидан ёқимлироқ нарса йўқ деб, таъкидлайди. Бу китобхонни ўзини-ўзи хурмат қилишга, уни хурматга сазовор этган жойни ҳам хурмат қилишга ундайди. Бир-бирига хурмат билан мурожаат қилиш кутубхона маданияти соҳасига киради. Афсуски кутубхона муомаласининг бу муаммолари ҳали етарлича ечимга эга эмас, гарчи чет эл кутубхонашунослигига у етарлича ўрин эгаллаган бўлсада.

Кутубхона мулоқоти тўсиқлари кўпинча келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Тадқиқотчилар келишмовчиликнинг сабаби ва предметини ажратиб кўрсатадилар. Кутубхона мулоқотида китобхон томонидан келишмовчиликка сабаб бўлиб маҳоратили хизмат кўрсатишни, хушмуомалаликни талаб қилиш бўлса, кутубхоначи томонидан китобхоннинг кутубхонадан фойдаланиш қоидаларини билиши ва уларга амал қилишни талаб этиши хисобланади. Келишмовчилик бир-бирини тушунмаслик оқибатида юзага келади. Келишмовчиликнинг предмети бўлиб келишмовчиликни юзага келтирадиган ички психологик сабаб хисобланади. Келишмовчиликлар кутубхоначи айби билан бўлганидек китобхон айби билан ҳам пайдо бўлади.

Келишмовчиликларнинг асосий сабаблари:

- кутубхоначи ёки китобхоннинг билимсизлиги (қоидаларга риоя қиласлик);
- бир томонни ёки иккала томонни ҳам ижтимоий- психологик билимсизлиги (ўзаро алоқа қила олмаслиги).

Келишмовчиликка фақат сўз эмас, имо ишора, қараш, оҳанг ҳам сабаб бўлади. Келишмовчиликларни бартараф этиш, уларни юмшатиш кутубхоначининг вазифасидир.

Кутубхоначининг ўзини бошқара билиши, хис туйғуларини кечинмаларини жиловлай билиши асосий касбий фазилатлариридир. Шунинг учун кутубхоначи мулоқот жараёнини чуқур тушунган ва хис қилган холда олиб бориши керак. Кутубхоначи хушмуомала бўлса, китобхонга ёрдам беришга тайёр турса келишмовчиликлар юзага келмайди.

## 6.2. Ахборот-кутубхона хизмати мухити.

Ахборот- кутубхона хизмати маълум шароитларда олиб борилади: очиқ ёки ёпик фонддан, абонементдан, ўқув залидан, маълумот-библиографик хизмат қўрсатишдан, автоматлаштирилган техника хизматидан, бевосита ёки билвосита кутубхоначи ёрдамидан фойдаланган холда олиб борилади. Кутубхонадаги шароит хужжатлар, ахборотлардан фойдаланишга, кутубхонадан фойдаланувчиларга ва уларга хизмат қўрсатувчи кутубхона ходимларига, умуман ахборот- кутубхона хизмати натижаларига сезиларли таъсир ўтказади.

Китобхонларга ва кутубхоначиларга таъсир қилувчи ва уларнинг кутубхонадаги фаолиятига ёрдам берувчи ёки уларга тўсиқ бўлувчи кўплаб омилларни ўрганиш учун “кутубхона мухити” тушунчаси қабул қилинган. Кутубхона мухитини маънавий ва предмет мухит, шароитлар йифиндиси деб ҳам аташ мумкин. Бу ерда кутубхоначи ва кутубхонадан фойдаланувчи фаолият юритади ва бу мухит уларнинг ҳар иккисига ва умуман жамиятга таъсир қўрсатади. Кутубхона мухити жамиятнинг ахборот ва маданий мухитининг ажралмас бўлагидир.

Кутубхона мухитида назарий жихатдан предметли томони (кутубхона фондини ташкил қилувчи хужжатлар, маълумот-библиографик аппарат (МБА), жихозлар, техник воситалар, бинолар), хужжатлар фонди ва бинонинг ўзига хос характеристикаси ҳамда кутубхона мухитининг “атмосфераси” ажралиб туради. Кутубхона мухитининг “атмосфераси” ўзида кутубхона жамоаси ходимларининг, мухитни яратган архитектор, рассом, техник жихозлаш мутахассисларини, шунингдек китобхонларни интеллектуал, маънавий, эстетик, эмоционал имкониятини ўзида жамлайди. Шунингдек кутубхона “атмосфераси”, кутубхоначи ва китобхон ўртасидаги муносабатни, китобхонларнинг ўзаро муносабатини, шунингдек одамларнинг кутубхона мухитининг предметли элементларига нисбатан ва кутубхоначига, кутубхона мухитининг барча элементларига комплекс равишда таъсир этади.

Кутубхона мухити доирасида учта асосий функционал қисм ажралиб туради.

- 1.Китобхонлар ва уларга хизмат қилиш учун;
- 2.Китобхонлар билан боғлик бўлмаган кутубхона ишлари учун;
- 3.Китоблар сақланадиган жой.

Китобхонлар ва уларга хизмат қилиш учун мўлжалланган қисм кутубхона мухитида асосий хисобланади ва у ўз ичига абонемент, ўқув заллари, маълумот-библиографик хизмат қўрсатиш, хизмат қўрсатишнинг бошқа бўлинмаларини, назорат доирасини, фойдаланувчилар учун дам олиш жойларини ўзида жамлайди. Бу қисмни кенгроқ ўрганамиз.

Кутубхона фонднинг маълумот- библиографик аппарати(МБА) кутубхона мухитининг асосий элементларидан хисобланади ва у илмий, қимматли йўриқ берувчи, эстетик ва бошқа ахборотларни ўз ичига олувчи кучли Бироқ бу потенциалдан китобхон фойдаланиши учун кутубхоначилар хужжатлар ва бошқа ахборотлардан фойдаланишлик билан боғлик бир қанча муаммоларни ҳал

қилишлари лозим. Муаммолардан бири китобхон маълум бир вақтда кутубхонага келганида кутубхона тўпламларидан керагича фойдалана олмаслигига сабаб бўлувчи ахборот хажмининг психик ва жисмоний чекланганлигидир. Кутубхоначилар бу кўпминглик баъзан эса кўпмиллионлик фонддан фойдаланишликни таъминлаб беришлари учун китобхонга фонд моделини (каталоглар, картотека ва бошқ.) тақдим этишга, ҳужжатларни қисмларга бўлиб кўрсатишга мажбур бўладилар. Кутубхоначилар олдида фондни очиб беришда биринчи навбатда қайси ҳужжатларни, фонднинг қайси бўлимини, МБАни қандай кетма –кетлика тақдим этиш керак деган назарий савол туради. Кутубхонашунос олимларнинг бу масалага икки хил ёндошувини кўриш мумкин: биринчиси қиймат назарияси ва иккинчиси талаб назарияси.

Чоп этилган илмий мақолалар ва амалиёт тахлили шуни кўрсатадики, биринчи ёндошувни фойдаланувчиларга яқинлашишнинг асоси деб билиш мумкин, уларнинг дикқатини дунё миқёсидаги (ёки мамлакат) қимматли адабиётларга қаратиш мумкин. Адабиёт қиймати алоҳида гурухларнинг қизиқишилари орқали ҳам аниқланади. Бундай адабиётлар ижтиоий-сиёсий ва бошқа ташкилотлар кутубхоналарида асосий адабиётлар саналади.

Иккинчи ёндошув китобхонлар талабини қондиришга қаратилган, вақтинчалик қийматга эга бўлган, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ҳужжатларга қаратилган. Бу ёндошиш маркетингни тадбиқ этиш билан кучайтирилган, одамларнинг мустақил китоб танлаб олиши асосида тузилган. Фонд ва МБА ни ташкил этишда қимматли ва вақтинчалик қимматга эга бўлган ҳужжатлар нисбатини таъминлаш керак.

Фонди очиб беришнинг юқорида айтилган ёндошишлари фондни тақдим этишга ўз таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, очиқ китоб фондидан фойдаланувчиларнинг талабларини мўлжалга олиб, кутубхоначи китоб фондини жойлаштиришнинг турли йўлларини қўллаши мумкин: факат системалик эмас, мавзули, жанрли ва шу кабилар. Бу айниқса унча катта бўлмаган кутубхоналар учун мувофиқ бўлади. Шунда китобхоннинг ўзи керакли адабиётни тез ва осон топа олади

Китобхонлар талабига ёндошиш ўзгарувчан фонд ташкил этишни тақозо этади, қайси бир ҳужжатга талаб камайса ўша ҳужжат янгисига алмаштирилади. Шу билан бирга мумтоз адабиёт ўз ўрнида қолаверади, у доимо китобхонлар томонидан сўралади.

Кутубхона мухитида талабни хисобга олиш асосида хизмат кўрсатишнинг бир қанча соҳалари кўринади, уларни долзарб, тезлик билан хизмат кўрсатиш соҳаси (оммавий талаб), ўртача долзарб хизмат кўрсатиш соҳаси (гурухли талаб), ретроспектив хизмат кўрсатиш соҳаси (якка талаб).

Масалан Россия давлат кутубхонасида янги ва долзарб ҳужжатларга талаб катталигини хисобга олиб, кутубхона мухитида хизмат кўрсатишнинг қуидаги зоналари белгилаб қўйилган: зудлик билан хизмат кўрсатиш зonasи (кейинги 10 йил ичида нашр этилган ва фаол сўраладиган нашрларни) янги келган адабиётлар зали, вақтли матбуот зали, ахборот-библиографик бўлимни, охирги 3-5 йиллардаги адабиётларни ўз ичига олган ягона

универсал ёрдамчи фондни ўз ичига олувчи ҳамда кам сўраладиган, депозитар сақланувчи хужжатлар билан хизмат кўрсатиш зонаси.

Баъзи чет эл оммавий кутубхоналарида вестибюлда “дархол” хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб унда китобхон телефонлар китобига, темир йўллар справочникларига ва шу кабиларга мурожаат этиши мумкин. Булардан ташқари газета ва расмли ҳафтаномани ҳам кўздан кечириш мумкин. Баъзан бу ерга китобхон учун кутубхона ва ундан фойдаланиш ҳақида, фонд таркиби ва мазмuni ҳақида маълумот берувчи компьютер жойлаштирилади, ахборот олиш учун янги адабиётлар электрон доскасидан фойдаланилади.

Мисол учун, “Франция кутубхонаси” лойихасини тузишда китобхонлар талабини хисобга олиб учта “кутубхона” ташкил этилган (ўқув зали комплекси); 2000 китобхон ўрнига мўлжалланган, бой очик фондга эга бўлган, тез-тез сўраб туриладиган адабиётлар билан, янги адабиётлар, вақтли матбуот, мусиқали дисклар, хужжатли фильмлар кассеталари билан тўлдирилган ахборот кутубхонаси (оммавий сўровлар соҳаси) ва иккита гурухли сўров соҳаси: студентлар учун мўлжалланган 2000 ўринли, очик фондга эга бўлган (500 минг китоб ва 5 минг номдаги вақтли матбуот) кутубхона ва 1500 ўринли илмий кутубхона.

Кутубхона хизмати кўрсатишнинг барча тармоқ структурасида турли кутубхоналарни ташкил этишда китобхонлар сўрови хисобга олинади: регионал универсал кутубхоналар оммавий сўровларга хизмат қиладилар, маҳсус кутубхоналар-гурухли талабни бажарадилар, депозитар кутубхоналар-кам сўраладиган адабиётларга бўлган талабни бажарадилар.

Кутубхона мухити доирасида ахборот- кутубхона хизмати кўрсатишда, хужжатлардан кўпроқ фойдаланишда йўналтирувчи ахборотдан фойдаланилади. У кутубхона мухити обьектидан (фонд, каталог, техник воситалар, китоб бериш кафедраси ва бошқ.) фойдаланишга имкон берувчи ахборотни шунингдек, фонддаги хужжатлардан фойдаланиш ҳақидаги ахборотни ўзида акс эттиради.

Ахборот йўналишининг биринчи гурухига эълонлар қўринишидаги плакатлар, стеллажлардаги каталог ва картотекадаги ёзувлар; кутубхоначининг маслаҳат қўринишидаги ахбороти; бинонинг жихозланиши ва тузилиши тўғрисидаги ахборот киради.

Ахборот йўналишининг иккинчи гурухи классификацияли - яъни УЎК, КБК системалари, хужжатлар жойлашувининг чизмалари ва библиографик ахборотни ўз ичига олади. Библиографик ахборот фондни очиб бериш ва ундан фойдаланиш нуқтаи назаридан уч қўринишли функцияни бажаради.

1) Фондга келиб тушаётган кундалик маълумот (рўйхатлар, бюллетенлар ва бошқ.) ҳақида китобхонларга ахборот бериш;

2) Китобхонлар учун эски фонд бўлиб хисобланган, кутубхонада бор бўлган хужжатлар (каталог, картотека) ҳақидаги маълумотларни қайд этиш;

3) актуаллаштириш (китобхонлар учун қизиқиши уйғотаётган, қимматини йўқотмаган, хужжат ҳақидаги маълумотларни актуаллаштирувчи маълум бир мавзу, жанр кўрсаткичлари, рўйхатлари). Янги адабиётлар ва хужжатларнинг актуаллиги ҳақида маълумот бериш фақат библиографик

ахборот орқалигина эмас, балки бевосита хужжатларни янги адабиётлар кўргазмасида (очик кўргазма) ва мавзули, жанрли, маҳсус ва бошқа кўргазмалар орқали ҳам бажарилади.

Ахборотнинг бу гурухи китобхонларни фақатгина шу кутубхонанинг хужжатларидангина эмас, бошқа кутубхонадан ҳам фойдаланиши, китоб танлаб олиш ва ундан фойдаланиши енгиллаштиради. Йўналтирувчи ахборот фойдаланувчига ўз билимларини янги алоқаларга қаратишга, янги билимларни олдингилари билан бирлаштириб яхлитлашга имкон беради.

Кутубхона мухитида хужжатлардан, бошқа ахборотлардан фойдаланишнинг умумий схемаси кутубхона турлари (болалар, катталар, оммавий, илмий техник ва бошқ.), алоҳида бинонинг бор йўқлиги, хизмат кўрсатиш бўлинмаларининг турлари (абонемент, ўқув зали, маълумот-библиографик бўлими, санъат бўлими, янги адабиётлар кўргазма зали ва бошқ.), очик фонднинг бор йўқлиги, аванзал, янги ахборот технологиялари ва бошқалар аниқлаб берилади.

Кутубхона мухитининг китобхонга таъсири унинг кутубхона вестибюлига киришида кўринади. Бу ер маҳсус безатилиш ёрдамида китобхонда алоҳида бир хис уйғотади ва кутубхона ҳақидаги барча эълонларни тасаввур этади. Барча китобхонлар вестибюлдан ўтганлари учун, кутубхонани реклама қилиш абонентларнинг оммавий талабларига мўлжалланади.

Энг долзарб ахборотларни вестибюлнинг тўрига, барчанинг кўзи тушадиган жойга жойлаштирилади. Бошқа зуур маълумотлар долзарб ахборотнинг икки тарафига жойлаштирилади (кутубхона обуна бўлган вақтли матбуотлар, қизиқишлиар клублари ҳақидаги маълумотлар каби).

Вестибюлни безатишда шу кутубхона хизмат кўрсатаётган жойнинг хусусиятлари (масалан махаллий саноати, махаллий рассомларнинг чизган суратлари, болалар ижоди ҳақида) ҳақидаги маълумотлар ҳам берилади ва бу билан китобхонда ўз туғилиб ўсган жойига меҳр, хурмат хисси уйғотилади, китобхон ўзи туғилиб ўсган жойи ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Вестибюлни кўкаламзорлаштириш алоҳида ўрин тутади. Абонементда хизмат кўрсатиш соҳасини ажратиш очик ёки ёпиқ фонднинг бор-йўқлиги билан аниқланади. Ёпиқ фонда хона турли китобхон гурухига хизмат кўрсатувчи иккита кафедрага ажратилади.

Китоб бериш кафедраси олдида фойдаланувчилар учун маҳсус жой ажратилиб, у актуал хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради. Бу ерда абонемент хизмати рўйхати, кўргазмалар (янги адабиётлар, мухим саналарга бағишлиланган кўргазмалар), кундалик газеталар, кутубхона аъзо бўлган вақтли матбуот, янги адабиётлар бюллетени, кун давомида китобхонлар топширган адабиётлар учун жой бўлади. Китоб бериш кафедраси қаторида маълумот материалларини жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Булар кутубхона жадвали, нашр этилган каталоглари, абонемент каталоги, кутубхонада кўлланиладиган классификация жадвали, уларга алфавит предмет кўрсаткичлари, туман ёки шахар телефонлари справочники, энциклопедия луғати, чет тиллари луғати ва бошқалар. Ўрта актуал хизмат

кўрсатиш бу ерда абонемент фонди орқали, ретроспектив хизмат китоб сақлаш бўлими орқали бажарилади.

Очиқ китоб фонди абонементида кутубхона мухити бир мунча бошқачароқ ташкил этилади. Китобхонлар учун жой бу ерда китоб бериш кафедраси билан кутубхона фонди ўртасида ажратилади. Китобхонлар оқимини тартибга солиш ва назорат қилиш мақсадида бу жой кутубхона кираверишда жойлаштирилади. Шу ерда актуал хизмат кўрсатиш соҳаси жойлаштирилади.

Очиқ китоб фондидан кўпроқ сўраладиган хужжатлар китоб бериш кафедрасига яқинроқ қуишиб, улар ҳам шу соҳага киритиб қўёилади. Камроқ актуал бўлган, бироқ тез-тез сўраб туриладиган хужжатлар билан хизмат кўсатиш соҳаси очиқ китоб фондининг бошқа бўлимида акс этади. Очиқ китоб фондидан китобхонларга қулайлик мақсадида стол ва бир неча стуллар қуилади. Бу ерда адабиёт танланади ва кўздан кечириб чиқилади. Ўқув залида эса жиддий ўқиш билан машғул бўладилар.

Ўртacha ва катта кутубхоналарда ўқув заллари назорат соҳаси ортида жойлашади. Унча катта бўлмаган кутубхоналарда бундай соҳа йўқ, назорат вазифасини бевосита кутубхоначининг ўзи бажаради. Китобхонлар тезда ахборот оладиган ва узоқ қолиб кетмайдиган ўқув заллари (масалан кундалик вақтли матбуот зали) назорат пунктига яқинроқ жойлаштирилади.

Ахборот-кутубхона хизматини ташкил этишда ўқув зали очиқ ёки ёпиқ китоб фондига эгалиги, китоб бериш кафедраси ўқув залининг ичидаги ташқарида жойлашганини хисобга олиш мухимдир.

Ўқув залида актуал хизмат кўрсатиш соҳаси барча китобхонлар мурожаат этадиган китоб бериш кафедраси атрофига мўлжалланади. Китоб бериш кафедраси аванзалда жойлашса актуал хизмат кўрсатиш соҳаси ўша ерга кўчирилади. Бу соҳада абонемент соҳасига аналогик мос келувчи ахборот тақдим этилади.

Ўқув зали актуал хизмат кўрсатиш соҳасининг маълумот қисми вазифасини “кўл ости” кутубхонаси бажаради. Улар одатда зал деворлари бўйлаб жойлашган китоб жавонларида бўлади ва китобхонлар улардан эркин фойдалана олади. Маълумот материаллари китоб бериш кафедраси олдида ҳам бўлиши мумкин. Актуал хизмат кўрсатиш соҳаси шунингдек китобхонлар учун маълум бир вақтга қолдирилган “брон жовони” даги китоблар билан ҳам хизмат кўрсатишни ўз ичига олади.

Камроқ сўраладиган ахборотлар соҳаси ўқув зали фондидан жой олади. Ретроспектив хизмат кўрсатиш китоб сақлаш бўлими фондидан бажарилади. Ўқув зали китобхонлар ишлиши учун зарур шароитлар яратилган ўқиш зонаси хисобланади.

Маълумот-библиографик хизматида “дархол” хизмат кўрсатиш, “ўртacha” хизмат кўрсатиш ва хужжатларни кўриб чиқиш зоналарини ажратиш мумкин. Биринчи зонада китобхон справка нашрлари, библиографик кўрсаткичлардан фойдаланиш имконига эга бўлади, ўзи мустақил холда ёки библиограф-маслаҳатчи ёрдамида керакли ахборотни олади. Шу ернинг ўзида янги келган библиографик ахборотлар кўргазмаси, МБА структураси,

улардан фойдаланиш қоидалари, библиографик хизмат кўрсатиш рўйхати, кундалик газеталар жой олади.

Хизмат кўрсатишнинг иккинчи зонаси китобхонларни маълумот-библиографик фондидаги библиографик нашрлар билан таъминлайди. Китобхонларнинг библиографик кўрсаткичлардан фойдаланишлари учун бир қанча столлар қўёилади (баъзан махсус ўқув зали ташкил қилинади). Абонементда ёки ўқув залига қўйилган компьютер экранидан китобхон маълумот ахборотини ёки маслаҳат ёрдамини олиши мумкин, бу эса маълумот-библиографик хизмати вазифаларини бир мунча ўзгартиради.

Янги адабиётлар залидаги “дархол” хизмат кўрсатиш соҳаси кўргазма жавонлари олдига жойлаштирилади. Бу ердан китобхон ўзи хоҳлаган хужжатини қўриб чиқиш учун олиши мумкин. Навбатчи кутубхоначи столи ёнида, кўргазма бўлимлари рўйхати, тақдим этилаётган хужжатлар картотекаси, кундалик газеталар жойлаштирилади. Хужжатларни кўздан кечириб чиқиш учун бу ерга китобхонлар учун столлар қўйилади.

Кутубхона муҳитининг қатъийлиги китобхонни аста-секинлик билан маданият оламига кириб келишига шароит яратади, чунки бир вақтнинг ўзида буни эгаллаб бўлмайди. Кутубхона муҳити кўрсатиладиган хизматлар эълонидан бошланиб, журнал столидаги газеталарга, ундан эса кўргазмага, сўнгра абонемент ёки ўқув залидаги очиқ китоб фондига, сўнгра асосий сақлаш бўлимининг кўп миллионли фондига, КАА орқали эса минтақа, давлат ва жаҳон кутубхоналари фондига чиқиш мумкин.

Замонавий техника ва технология ахборотни тезлик билан етказиб беради. Китобхон библиографик, фактографик ахборотларни факат кутубхонада эмас, ўз уйида компьютердан ҳам олиши мумкин. Замонавий техника ёрдамида китобхон хоҳлаган ахборот турларини (нашр, кўргазмали, оғзаки) танлаб олиши мумкин.. Шунинг учун кутубхоналар келажаги янги ахборот технологияларига боғлиқ. Улар кутубхоначи ва китобхондан интеллект даражаси ва умумий маданиятни талаб қилган ҳолда кутубхона муҳити атмосферасини юзага келтиради.

Кутубхоналарни техника ва технология билан қайта жиҳозлаш кутубхона муҳитининг бошқа элементларига ҳам таъсир этади, хусусан кутубхона биносининг архитектура-режалаштириш ишларини ҳал этишда, унинг жиҳозланиши, бу воситалар орқали ахборотлардан фойдаланишга ўз таъсирини кўрсатади.

Замонавий кутубхона муҳитини ташкил этишда архитектура-режалаштириш масалалари нуқтаи назаридан, услубларнинг хилма-хиллиги, биноларнинг индивидуал лойиҳа бўйича қуриш, уларни замонавий технология ва техника воситаларига мўлжаллаш, адабиётлардан фойдаланишни таъминлаб бериш, универсаллик, бир-бирига халақит бермасдан, bemalol фойдаланиш учун шароит яратиб бериш характерлидир. Буни амалга ошириш ўқув ўринларининг турли-туманлигига: ажратилган, тўсилган, алоҳида, бир-бирига қарама-қарши, дераза олдида, жавонлар орасида, кресло, диванларда, торшерлар остида, якка тартибда ва гуруҳ бўлиб ишлаш учун ва бошқаларга боғлиқдир.

Кутубхонашунослик техника, архитектура воситалари орқали кутубхона ресурсларидан фойдаланиш китобхон учун ахборот манбаигина бўлмасдан, улар учун психологик қулай шароит ҳам яратади. Бу кутубхона муҳитининг қулийлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Қулай кутубхона муҳити шундай жойки, у ерда китобхон ва кутубхоначи учун психологик ва жисмоний мақбул шароит яратилиб, уларнинг кутубхонадаги фаолиятини яхшилайди.

Кутубхона муҳитини ташкил этиш узлуксиз жараёндир ва у фойдаланувчилар учун кўпроқ хужжатлар, бошқа ахборотлардан фойдаланишда, ақлий фаолиятни кучайтиришда қулай шароитга эга бўлиши керак.

### 6.3. Ахборот-кутубхона хизмати самарадорлиги.

. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни самарадорлигини баҳолашнинг амалдаги тизимида бир қанча асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичларни асослаб беришдан аввал мавзудаги асосий тушунчаларга тўхталиб ўтамиз. Мавзудаги асосий тушунча бу “самарадорлик” терминидир. Махсус кутубхонашунослик адабиётида бу тушунча ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд. Умумий таърифлар кутубхона терминлари луғатида берилган, унда “самарадорлик” кутубхоначилик фаолияти кутубхона иши мақсадларига мос келувчи натижалар даражаси” деб. Сўнгра эса “кутубхонанинг ўз мақсадларига эришиш даражаси” деб қаралади. Юқорида келтирилган таърифлар самарадорликнинг ижтимоий кўриниши- ижтимоий мақсадларга эришиш натижасини акс эттиради.

Самарадорликнинг иккисидий томони ҳам мавжуд бўлиб, бу китобхонларга кўрсатилган ижтимоий натижалар, хизматлар ва сарфлар (мехнат сарфи, моддий ва молиявий сарфлар) мутаносиблиги ҳақида маълумот беради. Самарадорликнинг ҳар икки кўринишини хисобга олиб, уни “ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг натижалари, мақсадини-олинган натижалар сарфига ўзаро мутоносиблиги даражаси” деб қараш мумкин.

Ахборот-кутубхона хизматида самарадорликнинг муҳим таркиби сифатdir. Ахборот-кутубхона хизмати сифати хизмат кўрсатиш жараёнининг сифатидан келиб чиқади.

Ахборот-кутубхона хизмати сифатини унинг хоссалари китобхонларнинг ахборотга бўлган талабига мос келувчи даражаси деб таърифлаш мумкин. Модомики, унинг ҳар бир хусусияти ҳам ўзининг сифат ва сон муаянлигига эга экан, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш барча бошқа жараёнлар каби кўп сифатларга эга. Унинг муҳим хусусиятларини (масалан хужжатлар, маълумотлар бериш релеванти) ва унчалик муҳим бўлмаган хусусиятларини (айтайлик хизмат кўрсатиш жараёнида китобхонга нисбатан хушмуомаликда бўлишлик) кўриш мумкин. Агар қандайдир

кўшимча хусусият китобхон талабига мос келмас экан, хизмат кўрсатиши сифати пасаяди. Шунингдек, муҳим хусусиятлар бўлмаса хизмат кўрсатилди деб хисобланмайди. Сифат самарадорликнинг натижали якунланишига таъсир кўрсатади. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг самарадорлигин баҳолаш учун айнан ўхшаш критерий белги ва кўрсаткичлар аниқлаб олинади. Ва шу белги ва кўрсаткичлар остида баҳолаш амалга оширилади.

Критерий деганда бир қатор кутубхонашунос олимлар оддийгина белги эмас, асосий белгини тушунадилар (С.Н.Карташов, Ю.Н.Столяров). Қайси белги (ёки белгиларни) кутубхона фаолияти самарадорлигининг критерийси деб ҳисобланишга қараб мутахассислар турли хил, гоҳида қарама-қарши нуқтаи назарга амал қилмоқдалар. Шу масала бўйича тадқиқотчиларнинг турлича қарашларини ҳисобга олиб, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш самарадорлигини баҳолашни умумий, тан олинган услубларини қайд этамиз.

Ахборот- кутубхона хизмати кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш критерийси деб китобхонларнинг ҳужжатлар ва бошқа ахборотларга бўлган талабини кутубхонадаги мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ бажарилиши ҳисобланади. Тўлиқлик, мукаммаллик кутубхоначининг китобхон талабини қай даражада бажарганига боғлик. Лекин мукаммаллик (kitobxon талабини тўлиқ бажариш) кутубхонадаги мавжуд моддий, молиявий ва бошқа имкониятлардан келиб чиқади.

Критерий асосида хизмат кўрсатиш ресурсларини баҳолаш, тизимдан фойдаланиш интенсивлигини баҳолаш, алоҳида кутубхона хизмати кўрсатишни баҳолаш, хизмат кўрсатиш маданияти кўрсаткичлари гуруҳини ўз ичига олган натижавий кўрсаткичлар тизими тақдим этилади.

Баҳолашлар кутубхона ҳужжатларини таҳлил қилиш, кутубхона статистикаси, кузатув услублари, эксперт баҳолаш, сўров услублари орқали амалга оширилади. Ҳар бир кўрсаткичнинг ҳисобидан сўнг олинган рақам моҳияти ортиб боради, натижа миқдор ифодасида акс этади.

Самарадорликнинг иқтисодий томони асосан кутубхона хизмати нархини аниқлаш уни бажаришга кетган вақтни баҳолашга асосланган. Кутубхона маблағи миқдори (смета бўйича), турли хизматларни бажаришга кетган меҳнат ҳажми миқдорига қараб белгиланади. Ҳар бир кутубхона хизматига мўлжалланган сарф кўрсаткичлари хизматнинг ижтимоий моҳияти коэффицентига шартли-нархий ифода асосида кўпайтирилади. Бундай коэффицент ижтимоий мақсадларга эришиш нуқтаи назаридан кутубхона хизматларининг бошқа турлари орасида кўрсатилаётган хизматнинг ўрнини таърифлаб бериш учун зарур.

Коэффицентни самарадорлик баҳосидан фойдаланиш социал моҳиятга эга, лекин мураккаб бўлган кутубхона хизматини (масалан, фақат кўргазма эмас, ахборот кунлари ҳам) бажаришларида манфаатдорлик кўришига ўз таъсирини ўтказади. Коэффицентларни тенгглаштириш учун тажрибавий баҳолаш услубидан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир хизматнинг “баҳоси”, берилган хизмат турининг қийматини билиш учун, хизматлар сонига кўпайтирилади. Кутубхона кўрсатган барча хизматлар қиймати жамланади.

Бу ифода аниқ бир кутубхонада кўрсатилган хизматлар сарфини муҳокама қилиш имконини беради.

Таклиф этилган йўл билан кутубхонанинг алоҳида бўлинмалари самарадорлигини баҳолаш, кутубхонанинг турли йиллардаги хизмат кўрсатиш тизимида қилинган ишларни таққослаш мумкин. Натижавий кўрсаткичларни асосламай туриб кутубхона хизмати самарадорлигини тўлиқ баҳолаб бўлмайди.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ресурсларининг баҳолашни биринчи гурух кўрсаткичлари: ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни таъминланишини (фонд, ходимлар, бино, молия ва бошқаларни), мавжуд ресурслардан фойдаланиш, китобхонларга кўрсатилган хизматлар ҳақидаги умумий фикрларини ёритиб бериш имконини беради.

Бу гурухда қўйидаги кўрсаткичлар акс этган: адабиёт таъминоти (китобхонлар ва аҳоли контингенти бўйича); фонднинг айланиши (умаман ёки тематик бўлимлар, хужжатлар турлари бўйича); очиқ китоб фондидан фойдаланиш даражаси; маълумот-библиографик аппаратидан фойдаланиш даражаси; кутубхона биносини жойлашуви; хизмат кўрсатиш ходимлари билан таъминланиши; хизмат кўрсатиш учун жой ажратиш даражаси; янги олинадиган адабиётларни молиявий таъминланиш даражаси ва бошқалар.

Бундан ташқари бу гурухга “китобхонларни меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини таъминлаб бериш даражаси”ни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Уни интеръер, ёрдамчи хизматлар, ёруғлик, дам олиш зонаси, ҳаммабоп ўриндиқлар ва бошқаларни ташкил қилиш хужжатлари нормативларидан келиб чиқиб ҳисоблаш мумкин.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг ривожланиб бориши китобхонлар қабул қиласидиган хизматлар ҳажмининг ўсишини ва абонентларга янги хизматлар ҳавола этишини кўзлайди. Бу натижани ёритиб бериш учун қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади: “Кутубхона хизмати номенклатурасини кенгайтириш даражаси” ва “кутубхона хизмати ҳажмининг ортиб бориши даражаси”.

Биринчи кўрсаткич хизмат турлари номини шу йилдаги сонини ўтган йилги сонига нисбатан ҳисобланади. Иккинчи кўрсаткич, кутубхона хизмати ҳажм даражасини ҳисоблаш учун бир йиллик ривожланиши акс этирувчи кўрсаткичларни: китоб беришнинг умумий ва бўлинмалар бўйича сонлари нисбати; тадбирлар сони (кутубхона ичida ва ташқарида); берилган справкалар сони (оғзаки, ёзма, мавзули ва бошқалар); китоб берилишини бир йиллик сонини, ўтган йилги сонига нисбати ҳисобланади. Бироқ бу кўрсаткичлардан фойдаланиш сифатли баҳолашни ҳам талаб этади, яъни хизмат ҳажмининг ўсиши ёки камайиши сабаблари, улар номенклатурасининг ўзгариши ва х.к..

Иккинчи гурух кўрсаткичлари аҳоли ёки хизматчиларнинг (ўқувчилар, талабаларни) ахборот-кутубхона хизмати тизимидан мунтазам фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш имконини беради (аниқ бир кутубхона, бўлинма ёки тармоқ бўлса).

Учинчи гурӯҳ кўрсаткичлари алоҳида кутубхоналар хизматини натижавий баҳолашни акс этади (уларнинг сифати, тақдим этилган ахборотларни ўз ичига олган ҳолда). Хизмат характери сўров турига боғлиқлиги сабабли уларни баҳолаш кўрсаткичи ҳам шу белги билан фарқланади.

Бир марталик сўровга хизмат кўрсатишнинг натижавий кўрсаткичлари. Кутубхона бу хизматларни китобхон бирорта хужжат ёки маълумотни таърифлаб сўрагандага ёки сўров кутубхоначи томонидан ифода этилганда амалга оширади. Шунинг учун хизмат кўрсатишнинг бу гурӯхи натижавий баҳосининг асосий кўрсаткичлари талабни қондириш ёки қондира олмасликдир. Улар бир марталик сўровга хизмат кўрсатишнинг сифатини акс эттиради. Кўпгина кутубхоналарда талабни қондира олмаслик сабаблари китобхон талаби варақасида белгилаб қўйилади. Сўров оғзаки бериладиган кутубхоналарда рад жавобини (талабни қондира олмаслик) маҳсус дафтарларда белгилаб қўйиш керак. Кутубхона ишини компьютеризация шароитида белгилаш имконияти ортади.

Кўпинча кутубхоналарда шундай ҳол кузатилади, аниқ бир китобга ёки хужжатга бўлган талаб қондира олинмаса, китобхон розилиги билан унинг ўрнини босувчи китобга алмаштирилади ва бу маълум даражада китобхонни қониқтиради. Бунда хизматнинг сифати ва натижаси камаяди, чунки талаб аниқ қондирилмаган бўлади. Бошқа ҳол, кутубхоначи китобхон сўраган хужжатга янги чиққан нашрни (баъзан эса шу мавзу бўйича қўшимча материалларни) таклиф қилиши мумкин. Агар китобхонга кутубхоначи таклифи зарур бўлса, факат қониқиши ҳақида эмас, китобхон талабининг ривожланиб бориши ҳақида ҳам гапириш мумкин. Шунинг учун “талабни қондириш” кўрсаткичини батафсил ишлаб чиқиш керак:

- талабни тахминан бажариш;
- талабни аниқ бажариш;
- талабни бажариш ва талабнинг ўсиб бориши.

Бу сифат кўрсаткичларини сонли белгилаб (1,2,3 нисбатида), улардан бир марталик сўровга хизмат кўрсатишнинг натижасини хисоблашда фойдаланиш мумкин. Рад жавоби берилганда кўрсаткич қиймати – 0. Хизмат кўрсатишни бажариш сифатининг муҳим кўрсаткичи оперативликдир. (Уни соддалаштириб сўров берилган пайтдан то хужжат, маълумот, нусха, муқоваланган китоб ва бошқаларни беришгача бўлган вақт бўлагининг норматив вақтга нисбати сифатида кўриб чиқамиз).

Одатда кутубхоналар вақт етишмаслигидан бир марталик сўровга хизмат кўрсатишнинг ҳаммасини ҳам баҳолайвермасдан, уларнинг ҳаммасини хисоблайдилар. Бунинг учун “сўровни қондириш даражаси” кўрсаткичидан фойдаланилади. Буни маълум бир вақт ичida қабул қилинган барча сўровларнинг қондирилган сўровларга нисбатидек хисобланади. Бу кўрсаткични хужжатлар, библиографик ахборотлар, структурали бўлинмалар бўйича алоҳида хисоблаб чиқиш ҳам мумкин.

Доимий талабларга хизмат кўрсатишнинг натижавий кўрсаткичлари. (ИРИ) -ахборотни танлаб тарқатиш -АТТ, (ДОР) раҳбар ходимларга табақалаштирилган хизмат кўрсатиш -РХТҲК хизмати). Бу хизматларни

бажариш янги адабиётлар тўғрисида китобхонга библиографик ахборотни мунтазам равишда етказиб беришни кўзлар экан, унинг муҳим кўрсаткичлари қуидагилар:

- “абонентга мунтазам ахборот етказиб туриш” (абонентга узлуксиз юбориб турилган хабарлар сони умумий хабарлар сонига нисбатан ҳисобланади);
- “абонентга оператив-тезлик билан ахборот бериш” (китобхон талабига мос келувчи ҳужжатлар сони кутубхонанинг барча шароитларини ҳисобга олганда жўнатилиши мумкин бўлган ҳужжатлар сонига нисбатан);
- “абонентга аниқ ахборот бериш” (абонентга мос келувчи ҳужжатлар сони унга юборилган ҳужжатлар умумий сонига нисбатан).

Алоқанинг қайтиш картаси мавжуд бўлса хизматнинг шу шакллари бўйича “хизмат кўрсатишни қониқтириш даражаси”ни аниқлашга ёрдам беради. Бу кўрсаткични абонент берган ижобий баҳолар сонини умумий баҳолар сонига нисбатан ҳисоблаш мумкин.

Кутубхона тадбирларининг ва кўргазмаларнинг натижавий кўрсаткичлари (ахборот кунлари, мутахассис кунлари, кутубхона кечалари, китобхонлар конференцияси ва бошқалар). Тадбир бир одамга эмас, бир неча китобхон ёки кутубхонанинг барча китобхонларига мўлжалланар экан, энг асосийси уни китобхон талаби ва мақсадига мос қилиб ўтказишидир. Бу тадбир сифатининг асосий кўрсаткичларидир. Уни бир қанча кўрсаткичларга ажратиш мумкин:

1. мавзунинг (агар тадбир ёки кўргазма бирор мавзуга аталган бўлса) китобхонлар талаби ва мақсадига мос келиши;
2. тақдим этилаётган адабиётлар мазмунининг китобхонлар талаби ва мақсадига мос келиши;
3. хизмат кўрсатиш турининг мос келиши;
4. жиҳозланишнинг мос келиши;
5. жойнинг китобхонлар талаби ва мақсадига мос келиши;
6. вақтнинг (ўтказиш муддати ва давомийлиги) китобхонлар талаби ва мақсадига мос келиши.

Юқоридаги кўрсаткичларга мисоллар келтирамиз:

-Агар хизмат кўрсатиш бирор касб эгаси бўлмаган китобхонларга мўлжалланган бўлса ва адабиётлар орасида мутахассисларга мўлжалланган маҳсус илмий адабиётлар бор бўлса- адабиётлар мазмунининг китобхонлар талаби ва мақсадига мос келмаслигидир;

- Агар кутубхоначилар мунозара ўтказсалар, аммо китобхон бу муаммоларни яхши тушуниб етмаса, мунозаранинг натижаси яхши бўлмайди, бу тадбир мавзууси ва шаклининг китобхонлар мақсадига мос келмаслигидир;

- Агар талabalар учун сессия вақтида ноўкув тадбир ўтказилса, бу тадбирга талabalар қатнаша олмаса, бу тадбир вақтининг мос келмаслигидир;

-Агар кўргазма қоронғи, кўзга ташланмайдиган жойга ўрнатилган бўлса, бу ерга китобхон кирмаслиги мумкин, бу жойнинг мос келмаслигидир.

Бу кўрсаткичлар сўров ва тажрибавий баҳолаш услуби орқали аниқланади. Кўргазма, тадбирлар сифатининг рақамли кўринишини аниқлаш учун

қуидаги услубни қўллаш мумкин: Хизмат кўрсатишнинг сифатли бажарилишини 1 балл билан белгилаймиз.

Юқорида айтиб ўтилган ҳар бир кўрсаткичга бирлик миқдорида сифат коэффиценти берамиз. Мухимроқ бўлган “тадбирнинг китобхонлар талаби ва мақсадига мос келиши” кўрсаткичга 0,4 ва 0,3 белгисини берамиз; қолган кўрсаткичларга аҳамияти пасайиб боришига қараб 0,1; 0,08; 0,07 ва 0,05 белгиларини берамиз. Агар тадбир ёки кўргазмани баҳолашда эксперталар у ёки бу кўрсаткичлар бўйича сифат бузилганлигини аниқласалар, бу кўрсаткич 0 белгисини олади. Барча кўрсаткичларнинг умумий йиғиндиси тадбир ёки кўргазма сифатининг сонли кўринишидир.

Тадбирдаги бирорта нисбат бузилса, унинг сифатининг сонли белгиси 1 дан кам бўлади. Тадбир ёки кўргазманинг сифатини баҳолашда хизмат кўрсатиш тўғрисидаги фикрлар, китобхонлар фаоллиги, фойдаланилган адабиётлар инобатга олинади. Шу асосда қуидаги кўрсаткичларни тузиб чиқамиз:

- “қониқарли хизмат кўрсатиш даражаси” (тадбирни ижобий баҳолаган абонентлар сонини, тадбирда барча қатнашаётганлар сонига нисбатан ҳисобланади),
- “китобхонлар фаоллиги даражаси” тадбирда сўзга чиққан китобхонлар сонини қатнашаётганлар сонига нисбатан ҳисобланади.

-китоб ёки хужжат олган китобхонлар сони оғзаки тадбирда қатнашганлар сонига нисбатан ҳисобланади,

“фойдаланилган ҳужжатлар даражаси” ижобий баҳоланган, китобхонлар томонидан сўралган ёки олинган адабиётлар сонини тадбирда тақдим этилган адабиётларнинг умумий сонига нисбатан ҳисобланади.

Айтиб ўтилган кўрсаткичларни ҳисоблаш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (қатнашаётган ва сўзга чиққан китобхонлар сони, олинган китоб ва бошқа ҳужжатлар сони), кутубхоначи кундалигида, тадбир паспорти ёки бошқа ҳужжатларга белгилаб қўйилгани учун, бу кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиши учун мушкул бўлмайди.

Айтиб ўтилган барча кўрсаткичларнинг сонли белгиларини бир-бирига кўшиб, тадбирнинг натижавий сонли ифодасини аниқлаш мумкин.

Хизмат кўрсатишнинг натижавий баҳолашни тўртинчи гуруҳ кўрсаткичлари: “китобхонларнинг кутубхона-библиографик билимлари билан танишликлари даражаси” ва “хизмат кўрсатиш маданияти” ҳақида тасаввур беради.

“Китобхонларнинг кутубхона-библиографик билимларни эгаллаш даражаси” сўров усули билан аниқланади ва бу билимларни билган китобхонлар сонини умумий китобхонлар сонига нисбатан ҳисобланади.

Кутубхоначиларнинг китобхонлар билан мулоқот маданияти даражаси ҳам сўров орқали аниқланади, кутубхона мулоқотидан қониққан китобхонлар сонини умумий китобхонлар сонига нисбатан ҳисобланади. Шу билан бир қаторда “мулоқот маданияти даражаси”ни баҳолашда Л.Н.Голенокнинг услугидан – мулоқот маданияти бузилишини қайд этиш китобидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Кутубхона хизмати

самарадорлигини баҳолашда таклиф этилган ёндошиш фаолиятининг бошқприш учун зарур бўлган натижалар ҳақида тасаввур беради.

Самарадорликни тўлиқ таҳлил қилиш ва қўп сонли кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш катта меҳнат талаб этгани учун электрон ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш керак. Айрим хизматлар натижасини, кутубхонадан фойдаланиш самарасини қўлда ҳисоблаш мумкин. Бажарилаётган хизматларни мунтазам баҳолаб бориш маркетингни тадбиқ этиш учун, фойдаланувчиларнинг ўзгариб турадиган талабларини бажаришга мослашиш тизими учун шароит бўла олади.

Кутубхона хизматини баҳолай туриб, шуни таъкидлаб ўтамиш, баҳолаш фақат самарадорликка эришишнигина эмас, кутубхона хизматининг шахсга таъсири, ижтимоий групҳулар, жамият билан боғлиқ самарасини ҳам беради. Самаранинг ўрни кутубхона хизматида жуда каттадир.

6-боб. Ахборот-кутубхона хизматида истеъмолчилар ва ўқиш психологияси: назарияси ва усуслари.

- 6.1. Ахборот-кутубхона фаолияти истеъмолчилари: назарий аспекти.
- 6.2. Истеъмолчиларни ўқишга бўлган эҳтиёжлари ва мотивлари.

### 6.1. Ахборот-кутубхона фаолияти истеъмолчилари: назарий аспекти.

Мутолаа психологияси ва китобхон типологиясининг кўпгина муаммоларининг ечими мутолаа назарий асосларининг ишлаб чиқилиши даражасига боғлиқ. Мутолаа назарияси бир бутун шаклланишнинг қийинчиликлари объектив факторларга асосланган. Мутолаа ижтимоий ва психологик таъсир обьекти сифатида ва тадқиқот предмети (фани) сифатида бир қанча фанларда қизиқиш уйғотади: фалсафа, социология, психология, педагогика, тилшунослик, кутубхонашунослик ва бошқалар. Шунинг учун мутолаа назарияси бир бутун шаклланиши масалалари мутолаа тўғрисидаги билимларни яхлитлаш – бир бутунга айлантириш (интеграциялаш) масаласи ҳисобланади. Бу интеграция ягона асосида амалга оширилиши керак. Мутолаа соҳасида жамланган кенг назарий ва тажрибавий манбалар умумийроқ тушунча ва категория асосида бирлаштирилади.

Мутолаа муаммоларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатади, бу аввало китобхон фаолияти, китобхон мuloқоти, китобхон психологияси, китобхон шахси, китобхоннинг шаклланиши тушунчалардир. Шуни билиш керакки, “фаолият”, “мулоқот”, “онг”, “шахс”, “шаклланиш” ва бошқа категориялар (тоифалар) психология фани тизимида асосий ҳисобланади. Мутолаа ижтимоий –психологик ва психологик –педагогик жараён сифатида ўрганилар экан, психология фани асосий хал қилувчи калит вазифасини бажаради. Шундан келиб чиқиб мутолаа тадқиқотини унинг психологик бутунлигича, мутолаанинг умумий моделини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келиши масалаларини кўриб чиқиш керак.

“Мутолаа” жараёнининг мураккаблиги ва кўп аспектлилига унинг тушунчасининг хилма–хиллигига ўз аксини топди. Тушунчаларнинг кўпчилигини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Улардан биринчи гурухи чуқур психологик ёндошишни белгилайди. Ва “мутолаа – бу натижаси уни тушуниш бўлган психологик фаолиятнинг, мураккаб кўриниши, текстни идрок қилиш ва қайта ишлаш жараёни” деган фикрга диққатни қаратади. Тушунчанинг бошқа гурухи мутоланинг ижтимоий функциясини таъкидлаб ўтиб, уни фаолият сифатида кенгроқ тушунишга диққатни қаратади. Бундай тушунчанинг муаллифлари қайсиdir битта функцияни (коммуникатив, билим орттириш, ахборот–қидиув ва бошқаларни) ажратиб кўрсатадилар, шунингдек, китобхон фаолияти моҳиятини матнда қайд этилган хабар ёки билимларнинг кўчирмаси сифатида кўрадилар.

Умумфалсафий тушунчадан келиб чиқиб “мутолаа- фаолиятнинг бир кўриниши” деб тан олинар экан, тушунчанинг биринчи ва иккинчи гуруҳлари бир томонлама ва тор доирада ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, ташқи оламни ўзгартириш ва инсон манфаатига бўйсундиришдан иборат бўлган инсон учун специфик усул бўлган фаолият тушунчасидан келиб чиқади.

Фаолият доимо инсон фаоллиги билан, ўз эҳтиёжларини қодириш учун онгли равишда мақсадларга эриши билан боғлиқ. Фаолиятнинг ҳар қандай кўриниши, шу жумладан китобхон фаолиятининг энг биринчи сабаби эҳтиёждир. Бу методологик ҳолатни ҳисобга олиб матн замирида инсон мутолаа жараёнида ўрганиб оладиган реал, объектив олам борлигини ҳис қилган ҳолда китобхон фаолиятининг қуйидаги таърифини шакллантириш мумкин.

Мутолаа –бу моҳият матн мазмунининг ижтимоий субъектнинг турли талабларига фаол, мақсадли мос келиши ва бўйсунишини ўз ичига олишдан иборат бўлган билим орттириш –коммуникатив фаолиятнинг бир кўринишидир. Таърифнинг бу умумийлик даражаси унинг турли функция ва хусусиятларини шу жумладан психик хусусиятини акс эттирувчи китобхон фаолиятининг барча хусусий таърифини ўз ичига олиш имконини беради.

Китобхон фаолияти учта даражага бўлинади: мотивацион–ундовчи, процессуал–самаравий, резульватив–баҳоловчи.

Китобхон фаолиятининг мотивацион-ундовчи даражаси китобхоннинг ижтимоий–демографик маълумотлари, унинг ижтимоий статуси ва ҳаётий позицияси, шунингдек шахс интилиши структурасининг ижтимоий психологик мазмuni асосида шаклланади. Мотивацион–ундовчи омил сифатида фаолият обьекти – матн ва унинг муаллифи, шунингдек бошқа китобхонлар билан мулоқот, уларнинг ўқиб чиқилган матни ҳақидаги фикрлари ҳам қатнашиши мумкин. Шахс интилишининг ўзаро мулоқотли таркибининг мураккаб тизими ( дунёқараш, қимматли йўналиш, ишонч, талаб, мотив, йўналтириш, қизиқиш ва бошқ.) мотивацион ундовчи фазада онгли равишда шаклланувчи ёки матн мақсадини интуитив англаш кўринишида ўзгаради ва конкретлашади. Мотивацион-ундовчи фаза структурасининг (таркибининг) устунлик таркибий қисми бўлиб

фаолиятнинг бош сабабчиси ҳисобланган, мотивацияси турлича бўлса ҳам, талаб ҳисобланади. Шу билан бир вақтда талаб ва мотив ўртасида узвий алоқа мавжуд. “Инсон талаби –индивиднинг бирор нарсага бўлган ҳиссий эҳтиёжидир. Мотив эса –бу ана шу эҳтиёж туфайли инсоннинг интилишидир”-деб таъкидлаб ўтган россиялик олим В. Н.Ковалев. У шундай дейди: мотив бу онгли талабдир, лекин талабнинг ўзи эмас, унинг қўриниши ва акс этишидир. Ўз навбатида яна бир россиялик тадқиқотчи Б. Ф. Ломов мотивнинг мақсад билан боғлиқлигини уқтириб ўтган: “Ҳар қандай фаолият у ёки бу мотивдан келиб чиқиб, айрим мақсадларга эришишга қаратилган”. “Мотив –мақсад” муносабати ана шу фаолиятга киритилган психик жараён ва ҳолатлар тизимини ташкил этувчи фактор вазифасида қўринади.

“Мотив-мақсад” китобхон фаолиятининг процессуал –натижавий фазанинг спецификасини белгилайди. Процессуал натижавий фазанинг турли амал ва операциялари нисбатининг кўрсатиб ўтилган динамикаси билан бир қаторда бошқа омиллар ҳам белгаланади:

- психик жараёнларнинг шаклланиш даражаси, шунингдек, китобхоннинг ҳам, матн муаллифининг ҳам нутқий маҳорати ва билими;
- китобхон ва матн муаллифининг билим даражаси ;
- китобхоннинг эмоционал–иродали характеристи, мутолаанинг психофизиологик хусусиятлари, мутолаа амалга ошириладиган шароит;
- китобхон диққатини жамлаш даражаси ва бошқ.

Булар ҳаммаси биргаликда китобхон фаолиятининг ва унинг натижасининг процессуал–натижавий фазасининг ўтишига таъсир этади.

Натижавий баҳолаш фазасида матн мазмуни ва натижанинг ўзи, қўйилган мақсадга эришиш даражасини баҳолаш бўлиб ўтади. Баҳолаш учун илгари сурилган кўрсатгичлар тизими ва баҳолаш белгиси (критерий) мотивацион –ундовчи фазада талаблар, мотив, қизиқиш, китобхонни аниқлаштириши, шунингдек унинг дунёқараши, интилиши, идеаллари, қимматли ориентациясига мос равища шаклланишини белгилаб ўтамиз. Мотивацион ундовчи фазанинг ижтимоий –психологик мазмуни китобхон фаолиятининг объектини танлашни белгилаб беради. Танлаб олинган матн мазмунини баҳолаш кўрсатгич тизимининг ва баҳолаш критерийсининг бир томондан мотивацион ундовчи фаза билан, иккинчи томондан матн мазмуни ва муаллиф фикри билан мослашган ҳолда бўлиб ўтади.

Баҳолаш функцияси мотивацион-ундовчи фазада шакллана туриб, у ёки бу ўлчамда процессуал –натижавий фазада матн мазмунини қабул қилиш, идрок этиш ва эслаб қолиш фаолияти ва операциялари билан параллел ҳолда амалга оша боради. Китобхон фаолияти натижасини баҳолаш процессуал–натижавий фазани корректировкалашга, шу фазага кирувчи психологик ва психофизиологик механизmlар динамикасини оптимизациялашга ўз таъсирини қўрсатади.

Мутолаа натижаси фаолиятнинг билиш –эстетик ёки касбий соҳасига таъсир этади ва мотивацион –ундовчи фазасига таъсир этади, уни шакллантиради. Эришилган натижалар ва уларни баҳолаш асосида китобхон фаолиятини “ишлаб чиқариш” бошланади.

Шундай қилиб, барча уч фаза бир –бири билан узвий боғланган, ўзаро келишилган, ўзаро бир –бирига сингиб кетган ва бир–бирисиз мавжуд бўла олмайди. Масалан, агар мутолаага бўлган онгли талаб аниқ равшан асосланган бўлиб турли сабабларга кўра тадбиқ этила олмаса, демак китобхон фаолияти йўқ, демак талаб фақат шахснинг мутолаа онги даражасидагина мавжуддир, у англашади, лекин тадбиқ этила олмайди.

Шахс принципини фаолият ва мулоқот билан узвий боғлик ҳолда кўриш фаолиятнинг структурали таркибини шахснинг структурали таркиби билан узвий ҳолда кўриш имконини беради. Масалан, мутолаа мақсади китобхон шахси ва матн муаллифи интилишининг структураси мазмунига боғлиқдир. Китобхон шахси ва матн муаллифи структурасининг сермазмун таркиби процесдуал –натижавий фаза тизимининг субъектив –объектив – “китобхон–матн–муаллифи, бошқа китобхонлар” каби муносабатда ўз аксини топади. Процесдуал–натижавий фазага бевосита китобхон шахснинг барча структуралари кирган ва бевосита матн орқали матн муаллифи шахси ва бошқа китобхонлар структурасининг баъзи таркиблари уларнинг матн мутолаасига бўлган муносабати шароитида акс этади.

Натижавий баҳолаш фазаси фақат китобхоннинг эмас, муаллиф шахс структураси йўналиши мазмунига ҳам боғлиқдир, айниқса уларнинг дунёқарашининг мос келишида, қимматли–зарур мақсадларнинг, маслакларнинг ижтимоий тутган йўли мос келганида. Натижани баҳолаш китобхон шахси тажрибасининг структурасига кирувчи билимлар таркибига ҳам боғлик, шунингдек муаллиф шахсига ҳам.

Натижавий баҳолаш фазасида шунингдек шахснинг баъзи бир бошқа таркиблари, масалан, хис –туйгулари ҳам ўз аксини топади. Баҳолаш, уни корректировкалаш бошқа китобхонлар билан мулоқотга ҳам боғлик. Бу мулоқот бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Масалан, турли кўринишдаги тақризлар, у ёки бу матн тўғрисида танқидий мақолаларни ўқиши жараёнида.

Китобхон фаолиятининг бир –бирисиз мавжуд бўла олмайдиган учта фазаси ажратиб кўрсатилган. Китобхон фаолияти деганда китобхоннинг матн билан бир марталик мулоқоти, матн билан ҳар қандай алоқаси тушунилади.

Кўрсатиб ўтилган уч фазадан ташқари яна икки фазани ажратиб кўрсатиш мумкин: улар нисбатан мустақил бўлсада, аслида китобхон фаолияти билан боғлик ва уни таъминлаб туради. Фазалардан бири китобхонни матн билан бевосита алоқасидан олдин бўлиб ўтади ва адабиётни турли манбаларини кузатиб боришни, аниқ бир китобни танлаб олишни, кутубхона каталоги ва картотекаларини, электрон ташувчиларни тўғри топишни ўз ичига олади.

Фазалардан иккинчиси матн ўқиб бўлгандан сўнг юзага келади ва мутолаа мақсади ва вазифасига мос келувчи турли усулларни қўллаган ҳолда эришилган натижаларни мустаҳкамлаб олишни ўз ичига олади: библиографик тавсифлар, аннотациялаш, конспектлаш, ўқиб чиқилганни фикран айтиб бериш, ўйлаш кабиларни. Бу икки фазани китобхон фаолияти тушунчасига киритиш уни кенгроқ маънода кўриб чиқиш имконини беради.

Бироқ бу иккала фаза мотивацион–ундовчи ва натижавий –баҳолаш фазасига асосланади ва улар орқали тартибга солинади.

Шундай қилиб, китобхон фаолиятини шартли равишда уч поғона ва уч акспектда кўриш мумкин.

1.Асл китобхон фаолияти ёки унинг ўз ичига учта асосий фазани олувчи алоҳида бир бутун акти.

2.Қабул қилинган ахборотни қидириб топиш , танлаб олиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган фазаларни ўз ичига олган асл китобхон аҳамияти.

3.Китобхон фаолиятининг барча фазалари , шунингдек мутолаа қилаётган одам характеристикасининг кенг спектри, масалан, шахсий кутубхона, газета ва журналларга обуна бўлиш, жамоат кутубхоналаридан фойдаланиш, мутолаа доираси, бошқа китобхонлар билан мулоқот.

Шуни айтиш керакки, китобхон фаолиятининг таҳлилини турли даражаларда ва турли ижтимоий субъектларга мувофиқ амалга ошириш мумкин, алоҳида шахс, груп, умуман жамият.

## 6.2. Истеъмолчиларни ўқишига бўлган эҳтиёжлари ва мотивлари.

Босма масулотлар ижтимоий ахборотнинг универсал ташувчиларидан бири сифатилда инсоннинг турли талабини қодириш усуслари ва воситасидир. Ривожланишининг маълум бир босқичида мутолаа янги, нисбатан мустақил маданий фаолиятга, эҳтиёжга айланиб бормоқда.

Мутолаага эҳтиёж-бу ижтимоий субъектнинг (шахс, груп, жамият) мутолаага ҳаётий зарур фаолиятдек муносабатда бўлишига айтилади. Мутолаага тарихий эҳтиёж ёзув пайдо бўлиши билан бир вақтда туғилди, китоб нашр қилишининг тарқалиши билан бирга ривожлана борди, инсонларнинг янги авлодлари онгидаги нашрий ахборотга бўлган талаб жараёнида юзага келди.

Маърифат ва маданиятни миллат ютуғи даражасига кўтарган демократик жамият мутолаага бўлган оммавий талабни қодириш ва шакллантириш учун зарур шароит яратиб берди. Мутолаага талаб шаклланишининг замини мактабгача бўлган ёшдаёқ ижтимоий мухит, билим даражасининг фаоллиги таъсири остида, масалан, катталарнинг овоз чиқариб ўқиши жараёнида пайдо бўла бошлайди. Бироқ, мутолаага ўрганиш, билимларни мустаҳкамлаш, дарс жараёнидаги мутолаа ўз –ўзидан мутолаага бўлган талабни шакллантирмайди. Мутолаа шахснинг маънавий талаби ва қизиқишлирига жавоб бера оладиган мунтазам фаолиятга айлангандагина ўз –ўзидан ривожланишига қодир бўлган мустақил эҳтиёж предметига айланади.

Мутолаага эҳтиёж нашрий ахборот тақчиллиги жараёнида юзага келувчи мутазам қониқмаслик ҳолати шаклида англанади ва хис қилинади. Мунтазам қоникиши жараёнида инсон ўзининг мутолаага бўлган эҳтиёжини англаб етмайди. Аммо нашр матбуоти тақчиллигига учрагада, у қониқмаслик-

салбий эмоциялар билан тўла ҳолатни ҳис қиласи. Айнан мана шу мутолаага эҳтиёжни ҳис қилиш, унинг шаклланишидир. Мутолаага онгли эҳтиёж китобхонда фаолликни уйғотади, нашр ахборотидаги этишмовчиликни тўлдириш учун куч сарфлашга мажбурлайди.

Мазмун бўйича мутолаага эҳтиёжнинг аниқланиши, яъни дифференциацияси фаолиятнинг инсонлар бажарадиган ижтимоий роли ва турларининг бирикмасидан келиб чиқади. У билим даражаси, умумий ва мутолаа маданияти даражаси, ўқимишлилик ва кўплаб бошқа шахсий ва психологик омилларга боғлиқдир.

Мутолаага эҳтиёж аҳамиятга кўра фарқланади. Эҳтиёжнинг жамият ва шахс учун аҳамиятлироғи илмий дунёқарашнинг шаклланиш жараённида, умумий, сиёсий, касбий таълимнинг ошишида, илмий, техник ва бадиий ижодиётда, эстетик завқланиш жараёнларида пайдо бўлади. Фаолият турларининг ўзгариши, фаол дам олиш ёки психологик даражаси заруриятига жавоб берувчи мутолаа эҳтиёжи ҳам етарлича аҳамият касб этади.

Адабиётга зарурият мутолаага эҳтиёждан фарқланади. Улар кўпроқ фарқланади (мавзувий) ва ҳар доим ҳам шахсий эҳтиёж мазмунини тўлалигича ёрита олмайди. Инсоннинг севимли шоири шеърларини ўқишига бўлган кучли эҳтиёжи айнан шу асарлар нашрига зарурият туғдиради. Бироқ адабиётга зарурият ташқи ёки вақтинчалик заруриятга асосланиб, вазиятга қараб юзага келади. Имтиҳон пайтида талабанинг дарсликларга бўлган эҳтиёжи мутолаага бўлган шахсий эҳтиёжига мос келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда мутолаа фаолият сифатида эҳтиёж предмети бўлиб хизмат қилмайди, шунчаки бошқа мақсадларга эришиш воситаси бўлади.

Ташқи мажбурият –мажбурият хисси туфайли мутолаа қилиш – мутолаага бўлган умумий эҳтиёжни англаш турларидан биридир. Мутолаага бўлган шахсий эҳтиёжнинг шаклланиши жараёни мураккаб ва кўплаб омиллардан келиб чиқади.

Мутолаа рағбатлари–стимули турличадир, яъни адабиётни танлаш, қабул қилиш ва баҳолаш учун ташқи ундовчи таъсирлар. Улар фаолият шартлари билан аниқланадиган вазифа ва қизиқтириш тизими сифатида ёки бошқа китобхонлар билан мулоқот пайтида олинадиган маслаҳат ва тавсиялар кўринишида бўлади. Мутолаа рағбати–стимули бўлиб барча кутубхона – библиографик таъсирлар, шунингдек, китобнинг маълум бир сифати (структураси, мазмуни, безаги) хизмат қиласи. Мутолаа стимули китобхон хулқига, шахснинг мутолаа психологиясига асосланиб таъсир этади.

Китобхон қизиқишининг шаклланиши мутолаага бўлган умумий эҳтиёжнинг шахсий эҳтиёжга айланиш жараёнида асосий оралиқ звеносидир. Мутолаага эҳтиёжни англашнинг асосий формаси мутолаа мотивидир.

Мутолаа мотиви –китоб сифатининг китобхон эҳтиёжига мос келиши меъёри ҳақидаги тасаввурнинг муқаррарлигига асосланган китобхоннинг ички истагидир. Адабиётни кўздан кечираётган китобхоннинг онгидаги китоб танлаш мотивлари образлар формасини (кўп китобхонларни жалб қилганлигидан бўлса керак, титилиб кетган китоб ҳақидаги тасаввур),

фикрлар (бошқа китобларга нисбатан қизиқарлироқ бўлган китоб ҳақида фикр юритиш), ўзига жалб этиш (кўнгил ёзиш учун мароқли сюжет истаги), истаклари (Навоий асарларининг барчасини ўқиши истаги ), интилишни қабул қилиш мумкин. Мутолаа мотиви сифатида қизиқиши ҳолати ҳам, шахс хусусияти сифатида китобхоннинг онгли қизиқиши ҳам иштирок этиши мумкин. (фантастикага қизиқсанлиги учун шуни танлади).

Кутубхоначи учун мутолаа мотиви кўринишининг формалари эмас, балки уларда жамланган китобхоннинг “кузатиш тизими” муҳимроқдир. Инсон танлаган китобидан нимани кутади, бу китоб ўзининг сифатлари билан китобхон кутган нарсага мос келадими? Бу саволга жавобни китобхоннинг маълум бир адабиётга ва уни баҳолаши белгисига бўлган муносабатидан топиш мумкин.

Замонавий психологияда “мотив” атамаси субъектни фаоллаштирувчи турли кўриниш ва ходисаларни белгилаш учун қўлланилади. Мотивлар сифатида эҳтиёж ва қизиқишилар, ҳавас ва ҳис –туйғулар , мақсад ва идеаллар акс этиши мумкин. Инсоннинг китобга муносабати мотивлари нисбатини ўрганиш катта тажриба ва илмий қизиқиши талаб этади . Соҳага оид адабиётларга муносабат мотивларини шартли равишда ишга оид ва мустақил билим олишга оид .

Ишга оид деганда касбий эҳтиёжлар асосида, шунингдек, жамоат топшириқларини, коллеж ва институт важифаларини бажариш зарурияти асосида юзага келадиган мутолаа мотивлари тушунилади. Лекин бундай мотивлар шахс қизиқишилари деб аталиши маъқулроқ. Чунки бевосита айрим фан, мавзу, воқеалар билан боғлиқ бўлган мустақил билим олишга оид мотивларни муваффақиятли деса ҳам бўлади.

Мустақил билим олиш мотивини мақсадга мувофиқликнинг мутазамлиги ва давомийлигининг намоёнлиги билан, реал мутолаада ишга оид мотив бирикмаси билан ажратилади. Шахс қизиқиши ҳар доим ҳам мустақил билим олишга оид мотив даражасига кўтариilmайди.

Бадиий адабиёт мотивларини классификациялаш эса беҳад қийиндир: эстетик, маънавий-ахлоқий, умумбилим ошириш, эмоционал-кўнгил очувчи мотивлар ҳар бир китобхон учун мотивация структурасини ташкил қилган ҳолда турли бирикмаларда учрайди. Тадқиқотчи Умнов Б.Г. мотивациянинг турли кетма –кетлигини поғоналарда қўйидагича қайд этган:

О- мутолаа қилмайдиганлар

Мутолаа қиладилар:

1. Мажбурият юзасидан
2. Гоҳида қизиқиши бўлганда
3. Мажбурият ва гоҳи қизиқиши бўйича
4. Доимо қизиқиши бўйича
5. Мажбурият юзасидан ва доимо қизиқиши бўйича.

Биринчи поғона (мажбурият юзасидан). Бу поғона мотивлари: бурч, бўйсуниш, ташқи зарурат, мукофот кутиш ёки жамоат қўллаб қувватлашини кутиш ва бошқ. Китобхон фаолияти мажбурлаш характерига эга бўлиши,

эпизодик қийин бўлиши, кучли иродани талаб этиши мумкин.

Иккинчи пофона (гоҳо қизиқиш юзасидан). Бу мотивлар қизиқувчангликни қондиришга интилиш, бирор–бир вазият туфайли ёки бекарор қизиқишлиардан иборат. Китобхон фаолияти мутолаага бўлган ижобий эмоционал муносабат, у ёки бу масалани кўриб чиқиш истаги билан характерланади. Бироқ объект билан, ходиса билан танишиш шаклланмаса бекарор қизиқиш сўнади. Психологик зўриқиши, кузатиш қисман бартараф қилинсада, китобхон фаолияти мунтазам ҳисобланмади.

Учинчи пофона (мажбурият юзасидан ва гоҳида қизиқишдан). Бу ерда биринчи ва иккинчи пофоналар бирлашади. Китобхон фаолияти шахснинг камолоти учун аҳамиятлироқ деб баҳоланади. Тўртинчи пофона (доимо қизиқиши билан). Бу мотивга интеллектуал фаолликка интилиш, ўзининг маънавий имкониятларини ривожлантириш киради. Қизиқиш онг механизмини доимо уйғотувчиси сифатида юзага келади. Мутолаа мустақил билим олиш характеристига эга, қизиқарли бўлиб боради, жараённинг ўзи юқори ташкилий даражаси билан ажралиб туради. Фаолиятнинг у ёки бу соҳасига қизиқиш асосида пайдо бўладиган қизиқишлиар мустаҳкамроқ ва фаолроқ бўлиб бормоқда, ривожланиш жараёнида эса улар ўз предметига фаол муносабатда бўлганда барқарор эҳтиёжгача ўсиб бориши мумкин.

Бешинчи пофона (мажбурият юзасидан ва доим қизиқишлиар юзасидан). Учинчи ва тўртинчи пофоналар бирлашади. Ишга алоқадор мотивлар ва китобхон қизиқишининг оптимал бирлашуви шахсиятнинг пухта хусусияти бўлиб, шахснинг мақсадлари компоненти бўлиб боради. Бундай мутолаани бир вақтнинг ўзида ишга алоқадор деб ҳам, мустақил билим олиш сифатида ҳам кўриш мумкин.

Шундай қилиб мотивация шкаласи баҳоловчи сифатида намоён бўлади, мотивлар аҳамиятининг ўсиб бориши бўйича жойлашади, пастдан юқорига қараб ривожланиш бўйича берилган. Мутолаа мотивининг муҳимлиги мутолаа учун китоб танлашда, унинг афзаллигига, уни қабул қилиш хусусиятлари, баҳолаш критерийси билан белгиланади.

Мунтазам мутолаа ярим мотивлашган фаолиятдир. Мутолаа жарёнида мотивацион механизм ўзгариши мумкин: китобхон модаси учун характеристи бўлган мотив ҳақиқий қизиқиш билан “олға суримиши” мумкин; устун турувчи мотив билан стимул –мотив ўрни алмашади. Бу ҳолда мода таъсири остида китобхон қизиқиши шаклланади.

Мутолаа мотиви –жиддий, лекин шахснинг мутолаа йўналишининг ягона кўриниши эмас. Кутубхоначининг мутолаа мотиви ва структурасини билиши ва етакчиларни аниқлаши, унга китобхон фаолиятининг қонун –қоидаларини очиб беришга, мутолаани ташкил қилишга, мотивацион структурани аста –секинлик билан паст поғонадан юқори поғонага ривожлантириб юборишга имкон беради.

### 2.3 Китобхон қизиқиши .

Китобхонлар қизиқиши муаммолари унча қизиқ бўлмаган китобга муносабатдан қизиқ китобнинг ўқилиши билан ажралиб турувчи хусусиятлар билан белгаланади:

1. Қизиқ китоб қизиқ бўлмаган китобга нисбатан тезроқ ўзлаштирилади, унинг ўқилиши бош мия катта ярим шарлари пўстлоғининг маълум бир соҳасида оптимал қўзголиш натижасида пайдо бўладиган ўчоқда дикқатнинг жамланиши асосида бўлиб ўтади.

2. Қизиқ китоб мутолаасининг характерли томони дикқатнинг ихтиёrsизлигидир. Дикқатнинг жамланиши қизиқиши бор бўлганда, қизиқ бўлмаган китоб мутолаасида бўладиган кучли ва мажбурий зўриқиши билан мутолаа қилишни талаб қилмайди.

3. Тажриба шуни кўрсатадики, китобхон қизиқиши китобга интилишининг кучли ёрдамчи омилидир. Бошқа бир хил холатларда қизиқ китобга интилиш кучлироқ, у осонроқ ўзлаштирилади. Китобга бўлган қизиқиши унинг мазмунидаги тушунмовчиликларни осон ҳал қилишга ёрдам бнради.

4. Муҳим хусусиятларидан яна бири қизиқ китоб мутолаасини безовчи ижобий эмоционал оҳангдир.

Бундай мутолаа хузур –ҳаловат бағишлияди. Қизиқиши идрок этиш, эсада сақлаб қолиш, тасаввур, фикрлаш, истак каби жараёнларни фаоллаштиради ва йўналтиради, дикқатни ва хис –ҳаяжон мустаҳкамлигини кучайтиради. Чуқур қизиқиши инсон қобилияти ва иштиёқини ривожлантиришга сабаб бўлади ва унинг кўпгина феъл–атвор хусусиятларини очиб беради.

Кутубхонада китобхонларга ахборот –кутубхона хизмати кўрсатиш ишларини узлуксиз тарбия жараёнига айлантириш учун китобхон қизиқишини ўрганиш зарур. Мутолаага қизиқтиришнинг педагогик–психологик асоси бўлиб, китобхон қизиқишини аниклаш, уларнинг шахс психологияси ва ижтимоий психология соҳасида инсонлар мутолаасининг якка ва гурухли хусусиятлари билан алоқаси ҳисобланади.

Бошқа фаолиятлар сингари мутолаага ҳам шахснинг психологик хусусияти таъсир кўрсатади. Аввало у инсон эҳтиёжи билан, қизиқиши билан, ҳис қилиши билан, темперамент, хулқ –атвори, қобилияти билан характерланади. Шахснинг танлаш фаоллиги қизиқишлиарида ёрқин намоён бўлади.

Кутубхонада китобхонларни ўрганишнинг асосий мақсади –китобхон қизиқишини ўрганишdir. Китобхон қизиқишининг ҳисоботи мутолла мазмунини кўра билиш ва китобхон қизиқишини ривожлантиришни йўналтириб туриш учун зарурдир. Дарҳақиқат, мутолаа тажрибасига эга бўлмаган инсон ўзининг китобхон қизиқишини идорк эта олмайди, шунда кутубхоначи унинг бошқа қизиқишлиарига суюнган ҳолда, инсонни мутолаага қизиқтириши мумкин. Бошқа томондан инсоннинг мунтазам мутолаа жараёнида шаклланадиган аниқ бир адабиётга бўлган муносабати унинг билимга доир қизиқишлиарини ривожлантиришга ўз таъсирини кўрсатади.

Китобхон қизиқишини белгилашда узоқ вақт аниқ фикр бўлмаган.

Китобхон қизиқиши тушунчасига нималар киради? Мутолаага қизиқишнинг ривожланиши нимага боғлик?, унинг характерли хусусиятлари қандай? – бу ва бу билан боғлик бошқа саволлар китобхон қизиқиши назариясининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган. Тан олиш керакки, психолог ва социолог олимлар ишларида китобхон қизиқиши категорияси табиати ва мазмuni тўғрисида фикрлар бўлмагани учун бу тушунчанинг кенг маънодаги таърифи, изланишлари қийин масала бўлиб қолмоқда.

Китобхонлик қизиқиши – китобхонлик йўналишининг элементи бўлиб, у нашр маҳсулини танлаш, уни қабул қилиш ва баҳолашга ўз таъсирини кўрсатади. Китобхонлик қизиқишининг субъекти боша маънавий қизиқишлари билан, шунингдек мутолаага бўлган эҳтиёжи билан чамбарчас боғлиқдир. Нашр маҳсулининг эмоционал жозибаси китобхоннинг китобга бўлган муносабатининг китоб билан бевосита қизиқиши каби тури билан ифодаланади.

Китобхоннинг китоб билан бевосита қизиқиши мутолаа мотивининг, жалб этиш, истак, ақлий кучни ижодий йўналтиришдан қониқиши ҳисси, янги билимларга эга бўлгандан қониқиши, хузурланиш каби мотивларнинг кўплиги билан характерланади. Китобга муносабатнинг бу икки типи кўпинча бир –бири билан мутаносиб бўлади.

Китобхон учун китоб билан бевосита қизиқиши мутолаа жараёни бойитадиган ижобий эмоцияларда, китоб мазмунига беихтиёр диққатни жалб этишда, мутолаани давом эттиришнинг кучли истагида пайдо бўлади. Агар китобхон илмий характердаги китобдан янги маълумотлар олиб муаллиф фикрини қузатишидан қониқиши ҳосил қиласа ёки бадиий асар образларидан ҳаяжонланиб хузур –халоват ҳис этса, у қизиқишини намоён этади ва қизиқувчанглик холати билан характерланади.

Шуни ёдда тутиш керакки, нашр маҳсулига эмоционал жозиба пайдо бўлган аниқ бир китобга бевосита қизиқиши ҳар доим ҳам шахснинг барқарор хусусияти, яъни китобхон қизиқиши сифатида ифодаланмайди.

Китобхонни қизиқтирган китоб мутолааси вақтинчалик психологик ҳолатни юзага келтирсада, шу мавзу бўйича адабиётга чуқур қизиқиши пайдо бўлганини билдирамайди. Китобхонлик қизиқиши шахснинг нисбатан барқарор хусусияти сифатида вақтинчалик қизиқиши ҳолатининг кўп марта юзага келиши ва жамланиш йўли билан шаклланади ва пайдо бўлади.

Матн билан қизиқиши психологик ҳолат бўлиб, беихтиёр диққат концентрацияси билан мутолаанинг ижобий эмоционал оҳанги мослашади ва қабул қилиш, фикрлаш, идрок этиш, ёдда сақлаб қолиш жараёnlари оптимал даражаси билан характерланади. Бу ҳолатда китобхон диққатни бир ерга жамлаш учун зўр бериб ўтирамайди. Аксинча, уни чалғитиб бўлмайди, у шунчалик мутолаага берилиб кетади.

Ситуатив ва шахсий қизиқишлиар фарқланади:

Ситуатив қизиқиши мутолаа вазиятига қараб, аввало китобхонда ижобий эмоцияларни уйғотувчи диққатни жалб қилувчи нашр маҳсули сифати билан аниқланади. Ранг –баранг иллюстрациялар факат болаларнигина эмас, катталарни ҳам ўзига жалб этади. Баъзан китоб муқоваси, сарлавҳаси,

жозибадорлиги, фикрларнинг янгилиги ва муаллиф томонидан ўзига хос тақдим этилганлиги ҳам жалб этади. Хулоса қилгандা, ситуатив қизиқиши китобхон психологияси хусусиятларининг вазият билан мослашиши натижасидир.

Шахсий қизиқиши шахснинг барқарор хусусиятларининг юзага чиқиши – кўринишидир (эҳтиёж, қизиқиши, қобилият ва бошқ.). Шунинг учун шахснинг устун турувчи маънавий қизиқиши, одатда тегишли нашр маҳсулининг мутолааси давомида қизиқувчангликни пайдо қиласди.

Китобга қизиқиши ҳолатида унга ҳали ўиб кўрилмаган китобни баҳолаш муносабати шаклланади. Кутубхоначи учун муҳим натижа шундан келиб чиқади: янги китбон қизиқишини шакллантириш учун китобхон биринчи марта мутолаа билан қизиқишининг ёрқин ҳолатини ҳис қилувчи вазиятни юзага келтириш, сўнгра эса танлаб олиш йўли орқали янги китобларга қизиқтириш, уни мустаҳкамлашга, умумлаштиришга ва мустаҳкам вазиятга айлантириш учун зарур яратиб бериши керак.

Кўрсатиб ўтилганидек айрим китоблар мутолааси пайтида юзага келувчи қизиқувчанглик ҳолати ҳар доим ҳам китобхон қизиқиши сифатида инсоннинг айрим адабиётга барқарор муносабати сифатида пайдо бўлавермайди. Шуни назарда тутиб кутубхоначи ҳақиқий китобхон қизиқишини аниқлашга (уни қизиқувчангликдан фарқлаган ҳолда), уни тушуниши ва у ёки бу мавзу бўйича адабиётга мустаҳкам қизиқиши уйғотишга ҳаракат қиласди.

Китобхон қизиқиши шаклланишининг қонуниятларини тушуниш учун қўйидагиларни биргаликда кўриб чиқиши керак:

- а) қизиқишининг объектив томони (мутолаага ташқи таъсир, инсоннинг мутолаага бўлган реал эҳтиёжи);
- б) инсоннинг мутолаага бўлган эҳтиёжини англаш даражаси;
- в) қизиқишининг субъектив томони (мутолаа мақсади ва мотиви ички талаб сифатида )
- г) мунтазам мутолаа мазмuni ва характеристига қизиқишининг пайдо бўлиши .

Китобхон қизиқиши турлари. Китобхон қизиқишилари шахсий ( шахснинг китобга муносабати ) ва жамоавий (жамият , социал гуруҳлар) ёки бутун бир жамиятнинг у ёки бу адабиётга қизиқиши шаклида бўлади. Жамоавий китобхон қизиқиши айрим ҳолда умумий кўринишда бўлади. Бундай классификация субъектнинг турли кўринишда қабул қилинган. Жамоавий кўриниш китобхон гуруҳининг кўпчилигига, шу билан бирга турли даражада юзага келади. Ҳар қандай гуруҳда китобхон қизиқиши ва адабиётга бўлган эҳтиёжини тўлиқ кўрсатувчи типик китобхонлар ва унчалик типик бўлмаган китобхонлар бор.

Ҳар бир инсон ўзининг ижтимоий гуруҳи ва бутун жамиятнинг китобга бўлган муносабатини у ёки бу даражада акс эттира туриб, шу билан бир вақтда гуруҳ ва жамоат қизиқишилари билан мос бўлмаган индивидуал китобхон қизиқишини ҳам акс эттиради. Шахсий китобхон қизиқишидан умумий китобхон гуруҳи учун характерли бўлган томонни ажратиб туриб, унинг жамоавий қизиқиши ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Чуқурлиги, барқарорлиги, фаоллиги билан китобхон қизиқишилари қуйидагича классификацияланади:

- 1.Чуқур (барқарор, кучли, фаол) ва
- 2.Юзаки ( бекарор, кучсиз, пассив).

Чуқурлиги ва кенглиги орасида китобхон қизиши нисбатан қарама – қарши бўлади: барча маънавий қизиқишиларнинг ҳётий қандайдир битта соҳасига йўналганлиги чуқурлиги билан бирга китобхон қизиқишининг торлигини ҳам белгилайди. Китобхон оз –оздан барча нарса ҳақида мутолаа қилса, унинг қизиқишилари юзаки ва сочилган. Гармоник ривожланган шахсни тарбиялаш мақсадида кутубхоначи учун маълум бир адабиётга китобхоннинг чуқур қизиқишини шакллантириш ва мустаҳкамлаш муҳимдир.

Мутолаага бўлган муҳимроқ эҳтиёжни тўғри хис қилиш шахс интилишини характерловчи бир ёки бир неча қизиқишиларнинг барқарорлигига олиб келади. Шу билан бирга чуқур ва юзаки қизиқишилар китобхон қизиқувчанлиги ва китобнинг дикқатни тортиш қобилиятидан келиб чиқсан ҳолда бир –бири билан алмашади.

Юзаки қизиқиши қондириш ҳар доим ҳам китобхон тажрибасининг юқорироқ даражасига жавоб берадиган, чуқурлашган, бойитилган ёки янги китобхон қизиқишига ўтиши билан мос келмайди. Шундай қилиб юзаки китобхон қизиқиши инсоннинг нашр маҳсулиниң йилдан – йилга кучайиб борувчи оқимини ажратиб олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Китобхон қизиқиши нашр маҳсули китобхон учун аҳамиятга эга эканлигини қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлигини ёритиб беришга қараб уни ҳақиқий ва сохтага бўлинади. Сохта китобхон қизиқиши маълум бир асарнинг эмоционал жозибасини бўрттириб кўрсатади ва шу билан бирга унинг мутолаага реал эҳтиёжи мутаносиблиги даражасини оширади, уларни тўғри талқин этади. У зўрайиб кетган бошқа қизиқишиларга зарар етказган ҳолда бениҳоя бўртиб кетган, уларни сиқиб чиқаради. Сохта китобхон қизиқиши адабий–бадиий диднинг ривожланмаган асорати бўлиб кўринади. Сохта қизиқишиларни енгиб ўтиш аввало ҳақиқий мутолаа дидини англаб етиш ва ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Китобхон қизиқишининг мазмuni бўйича илмий асосланган классификацияси ҳали аниқланмаган. Турли мавзудаги адабиётлар йўналишига қараб китобхон қизиқишини ижтимоий –сиёсий, табиий – илмий, техник ва бадиий адабиётларга бўлинади. Булардан ташқари китобхон қизиқишилари умумтаълим ва касбий бўлади. Уларни юзага келиши инсонларнинг ижтимоий –тарихий ҳёти шароитидан келиб чиқади ва таълим –тарбияга боғлиқ бўлади. Шу тарзда китобхон қизиқишилари шахснинг бошқа қизиқишилари билан боғлиқ бўлиб, унинг мазмуни инсон меҳнат фаолиятининг характеристи –касбий, ўкув, илмий, ижтимоий ва шу кабиларга боғлиқ бўлади.

Шахс ёши ва маълумоти китобхон қизиқиши мазмуни билан бирга унинг юзага келиши ва шаклланиш динамикасини ҳам белгилайди.

Мутолаа мазмунида ёш фарқланиши айниқса, болалар ва ўсмирларда

яққол кўринади ва кутубхоначи томонидан ҳисобга олинади. Ёшларда эса у етук ёшдагиларга нисбатан бекарорроқ бўлади. Кўп ҳолларда ёшларда китобхон қизиқишининг пала – partiшлиги кузатилади.

Тадқиқотлар қизиқиши билим даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатади: ахолининг билим даражаси қанчалик юқори бўлса шахсий кутубхоналарга эга бўлганларнинг ўртача фоизи шунча юқори бўлади.

Китобхон қизиқишиларининг инсон жинси, миллати каби гурухли хусусиятлари кам ўрганилган. Шунингдек мутолаа характери ва мазмунининг шахс хусусиятларига (қобилияти, характери, темпераменти, инсоннинг олий асад фаолияти турлари) боғлиқлиги ҳам кам ўрганилган.

Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш назарияси ва амалиётини ривожлантириш учун китобхонлар қизиқиши ва қобилияти чуқурлигининг ўзаро таъсирини, шунингдек инсон характерининг баъзи қирраларини ўрганиб чиқиши зарурдир. Маълумки, қобилият китобхон қизиқиши ривожланишини белгилайди ва аксинча барқарор китобхон қизиқиши шакллантириб ва мутолаа мунтазамлигини йўналтира туриб кутубхоначи кўпинча китобхон қобилиятини ривожлантаришга ёрдам беради.

Инсон характери ва унинг китобхонлик қизиқиши ўртасида узвий боғлиқлик бор. Масалан, индивидуализм шахсий қизиқишиларни ижтимоий қизиқишиларга қарши қўяди ва кўпинча китобхон қизиқишининг чегараланганилиги билан боғлиқ. Агар кутубхоначи китобхонда ижтимоий – сиёсий адабиётга қизиқиши уйғота олса, мутолаа - унинг характерининг қатъий ишонч, колективизм каби қирраларининг шаклланишига таъсир кўрсатади, характерни умум тарбиялашга олиб келиши мумкин.

Одатда инсон бир эмас, бир неча китобхонлик қизиқишига эга бўлади, улар ўзаро ички боғланган турли вақтларда ва турли такрорийликда бўлсада, маълум бир структурани белгилайди. Жамланганда улар кенг ва тор бўлиши мумкин, ўзаро эса барқарорлиги, фаоллиги ва чуқурлиги билан ажralиб туради.

Китобхон қизиқиши- бу ҳаракатланувчи, ривожланувчи китобхон фаоллигидир. Агар у пастки поғоналарда қизиқувчанглик –қизиқиши, мароқли - қизиқиши бўлса, юқорироқ поғоналарда у иродали, онгли хусусиятларга эга бўлади, ташаббускор қизиқиши поғонасига ўтади.

Кутубхоначининг китобхон қизиқишига таъсири одатда қуйидиги йўналишларда амалга оширилади:

- 1) Мавжуд бўлган қизиқиши – уларни аниқлаш, баҳолаш, ривожлантариш ва ташкил қилиш маъносида;
- 2) Китобхонда йўқ бўлган янги қизиқишиларни уйготиш, яратиш, уларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш;
- 3) Мавжуд бўлган, лекин исталмаган қизиқишиларга қарама –қарши қизиқишиларни алмаштириш ёки уларни ўрнига янги қизиқишиларни яратиш, қайта тарбиялаш ва ўзлаштириш.

## 7-боб. Китоб ўқиши ва уни ўзлаштириш психологияси.

7.1. Алохидатурдаги адабиётларни ўқиши ва ўзлаштириш психологияси.

7.2. Бадиий адабиётларни ўқиши ва уларни ўзлаштириш психологияси.

7.1. Алохидатурдаги адабиётларни ўқиши ва ўзлаштириш психологияси

Китоб инсон шахсининг икки соҳасига: унинг тафаккури ва эмоцияларига ёки, бошқача айтганда, инсон ақли ва сезгиларига таъсир кўрсатади. Инсон тафаккури бойиши, мустаҳкамланиши, кенгайиши ёки аксинча бузилиши, парчаланиши мумкин. Баъзан у ўзгаради. Буюк китобдан ларзага келган инсон ўз дунёқараши, фикрлаш тарзини бутунлай ўзгартиради.

Китобхоннинг маҳорат даражаси шахснинг маданий савияси билан белгиланади. Юқори маълумотли ва кенг билимли одам истеъододли ижодкор қаламига мансуб китобни идрок этишга кўпроқ қодир эканлиги яхши маълум. Бироқ мутолаа лаёқатига ҳар қандай саводли одам эга бўлавермаслиги ҳам сир эмас. Одатда кўп ва тез ўқийдиган одам яхши китобхон ҳисобланади, деб ўйлашади. Афсуски, амалда бундай эмас.

Ўқиши – излаш ва топиш демак. Нимани ва қандай ўқишига қараб биз инсонни биламиз ва аниқлаймиз. Унинг эҳтиёжларини ифодаловчи диidi ва идеаллари истақ, талаб, танлаш, мода, мўлжал ва мойиллик каби хулқ-атвор шаклларида ўз аксини топади.

Мутолаа маданияти – инсон шахсининг муҳим жиҳатларидан бири. Кутубхоначилик атамалари луғатида “мутолаа маданияти” тушунчасига шундай таъриф берилган: “Мутолаа маданияти - қуидагиларни ўз ичига оловчи китоб билан ишлаш кўникмалари мажмуи:

- а) мутолаа мавзусини онгли равища танлаш;
- б) манбаларда, аввало кутубхона каталоглари ва библиографик қўлланмалар тизимида мўлжал олиш;
- в) ўқишининг тизимлилиги ва изчиллиги, муайян китобни танлаш;
- г) ўқилган матнни мумкин қадар тўлиқ ўзлаштириш ва теран идрок этиш мақсадида китобда мўлжал ола билиш;
- д) адабиётдан олинган ахборотдан амалда фойдалана олиш;
- е) ўқилган материални мустаҳкамлаш ва ундан фойдаланишни таъминловчи техник усуслар.

Мутолаа маданияти шахснинг умумий маданияти билан ўзаро таъсирга киришади; бу меҳнат, таълим ва айниқса мустақил ўқиб билим олиш маданиятининг зарурый таркибий қисмидир”.

Мутолаа маданияти тизимли тушунча сифатида шахсга таълим ва тарбия бериш, уни ҳар томонлама ривожлантириш ижтимоий вазифаларидан келиб чиқиб, социология, психология ва педагогиканинг мутолаа ҳақидаги

маълумотларига асосан лойиҳалаштирилади ва қуидагича тавсифланиши мумкин: мутолаада мўлжал олиш, китобларни танлаш ва бевосита мутолаа қилиш.

Матн мазмунини идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уларни белгиловчи омилларни излаш мураккаб психологик муаммо – матнни идрок этувчи ва англаб етувчи китобхон шахси муаммосининг жиҳатларидан бири ҳисобланади. Психологияда бу йўналишнинг биринчи йирик вакили Н.А.Рубакин эди. У китобхон билиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва шахс фазилатларини акс эттирувчи “китобхон формуласи” ни яратиш вазифасини кўйди. Л.С.Рубинштейн таъбири билан айтганда, матнни ўқиш ўзига хос фикрлаш амали ҳисобланади, бунда матн фикрлаш фаолиятининг омилларидан бири бўлиб, китобхон бу фаолиятни қандай амалга ошириши бир қанча ҳолатлар билан белгиланади.

Китобхон билим манбаи бўлган китоб билан мулоқотга киришган ҳар хил вазиятларда унинг шахси ва билиш фаолиятининг айнан қайси кўрсаткичларини ҳисобга олиш муҳим, деган савол ҳанузгача мураккаб психологик-лингвистик ва ижтимоий-психологик муаммо бўлиб қолаётир. Унинг қўйилиши ва ечими турли билим соҳаларини синтез қилувчи фан – мутолаа психологиясининг назарий ва экспериментал масалалари қай даражада ечилгани билан ҳам белгиланади.

Маълумки, ҳозирги вақтда нерв системаси асосий хоссаларининг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг билиш фаолиятига таъсирини ўрганиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Тадқиқотчилар интеллектнинг типологик хусусиятлари, унинг умумий ва ўзига хос омилларини таҳлил қилиб, уларнинг билиш фаолияти кўрсаткичлари: билишга қизиқишнинг кенглиги, ақлий фаолликнинг осон таъсирланиши, унинг ўзгарувчанлиги ёки барқарорлиги, қизғинлик даражаси, ахборотни сақлаш вақти, янги ахборотни ўзлаштириш усуллари ва шу кабиларга таъсирини тавсифламоқдалар (Б.М.Теплов, З.И.Калмикова, Н.С.Лейтес, Р.К.Лепихова, Ю.А.Сиэрд ва бошқалар).

Таълим олиш жараёнида шаклланган ва стихияли тарзда юзага келган билимларни ўзлаштириш кўнімалари, турли манбалардан, шу жумладан ёзма матнлардан ахборот олиш усулларининг таъсири ҳам алоҳида қайд этилади (В.В.Давидов, В.А.Крутецкий, Н.А.Менчинская, Н.С.Якиманская). Индивидуал типик хусусиятлар, олинган маълумот даражаси, коммуникатив муҳит, асосий фаолият талабларининг уйғунлиги натижасида шаклланган билиш фаолияти ахборотни идрок этиш, шу жумладан мутолаа жараёнида ҳеч шубҳасиз ёрқин намоён бўлади. Унинг билиш жараёнлари хусусияти ва китобхонларнинг турли билим манбаларига мурожаат этиш мақсадлари билан уйғунлиги мутолаа стратегиясини ва унинг муайян китобхон учун “прагматик қиммати”ни белгиловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда матнларни ўқиш ва идро этиш жараёнига сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи омиллар сони олдингига қараганда анча кўпайган. Бу омилларнинг намоён бўлишида адабиёт тури ҳам катта рол ўйнайди.

Бадиий адабиётлар китобхонларининг типологиясини яратишда уларнинг идрок этиш хусусиятини белгиловчи индивидуал-психологик хоссалари биринчи ўринга чиқса (Л.И.Беляева, Л.Г.Жабицкая, О.Н.Никифорова), яъни китобхоннинг шахсий-индивидуал хусусиятларини ўрганишга ургу берилса, китобхоннинг публицистик, илмий-оммабоп, илмий адабиётлар билан ўзаро муносабатларини таҳлил қилишда реципиентнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, китобхонлар аудиториясининг ижтимоий тажрибасини ҳисобга олиш талаб этилади (Л.В.Беляков, Т.М.Дридзе, М.Лауристин, А.А.Леонтьев).

Психологияда ўрганилувчи нутқ фаолияти назариясида китобхоннинг идрок этиш субъекти сифатидаги фаол ролига катта эътибор берилади. Инсон ўзи турли адабий манбалардан олувчи ахборотни аввало амалий, ижтимоий тажриба нуқтаи назаридан идрок этади ва баҳолайди. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатадики, матннинг прагматик аҳамияти, унинг прагматик қиммати асосан у ёки бу типдаги китобхонлар аудиториясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари билан белгиланади.

Профессионал мутолаанинг ўзига хос хусусиятлари. Сўнгги йилларда мутолаани коммуникатив жараён сифатида ўрганиш тенденцияси пайдо бўлди. У коммуникатордан реципиентга ахборот узатиш жараёнини таҳлил қилиш натижасида юзага келди. Мазкур жараён асосида хабарларни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади. Хабарларни идрок этиш муаммоларини ўрганиш билан нафақат психологлар, балки социологлар (Б.А.Грушин, Б.М.Фирсов), кибернетика ва системалар назарияси соҳасидаги мутахассислар (Р.Акофф, Д.Майлс), психолингвистика намояндадари (А.А.Леонтьев ва унинг мактаби), информатика (А.Д.Урсул) ва семантика (Ч.Осгут) вакиллари ҳам шуғулланади. Ёндашувларнинг ҳар хиллигига қарамай, бу тадқиқотларда асосий эътибор хабарнинг реципиент томонидан ахборотнинг идрок этилишига таъсир кўрсатувчи коммуникация обьекти сифатидаги тузилишига қаратилади. Матнларни мантиқий-семантический ва лексик тузилмалар сифатида ўрганиш уларнинг китобхон томонидан матннинг тушунилишига таъсир кўрсатувчи информацион сифимлилик даражасини ўлчаш имконини беради (Л.П.Доблаев, Т.М.Дридзе ва бошқаларнинг асарлари).

Хабарларни идрок этиш муаммосини ўрганишга нисбатан психологик ёндашув истеъмолчига муайян ахборот берувчи матнларнинг лингвистик таҳлили билан уйғунликда коммуникация жараёнини психолингвистик ёки социолингвистик тушунишга яқинлашиш имконини берди.

Психолингвистикада хабарлар маъносини нутқда ифодалаш усулларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилади, унинг лексик ва семантический тузилиши ўрганилади. Бироқ психолингвистик ёндашувнинг ўзига хос хусусияти ахборотни идрок этиш ва ўзлаштириш муаммосини шахснинг фаолияти контекстида кўриб чиқишдан иборат.

Мутолаа жараёнини ўрганишга нисбатан фаол ёндашув кутубхонашунослик ва библиография соҳаларида китобхонларга хизмат кўрсатишини такомиллаштиришга кўмаклашиши мумкин бўлган муайян

натижаларга эришиш имконини берди. Масалан, техник адабиётларни мутолаа қилишга нисбатан психолингвистик ёндашув “муаллиф – китобхон” тизимида мулоқот қилиш механизмининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, янги ахборотни идрок этиш ва сўнгра ундан фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш, коммуникатив жараён кечишининг техник адабиётларни мутолаа қилиш хусусиятига таъсир кўрсатувчи омилларини ўрганишнинг аҳамиятини аниқлаш имконини берди.

Психолингвистиканинг матндан ахборот мазмунини идрок этиш имкониятини белгиловчи матндан ташқари борлиқ мавжудлиги ҳақидаги бош ғоясидан фойдаланиш асосида техник адабиётлар матни ортида турувчи ва адабиётни яратишнинг айрим босқичларидағи ўзига хос хусусиятларни белгиловчи илмий-ишлаб чиқариш фаолияти омилларини аниқлаш йўллари ҳам белгиланди.

Илмий-ишлаб чиқариш фаолиятининг омилларини ўрганиш фан ва техника соҳасидаги мутахассисларнинг информацион эҳтиёжларини объектив тавсифлаш имконини беради, чунки мутолаа жараёнининг объектив моҳиятини айнан улар белгилайди. Бунда илмий-ишлаб чиқариш фаолияти омилларини таққослаш мутахассисларнинг информацион эҳтиёжлари хусусиятларини тадқиқотлар ва ишловлар натижасида олинган фактлар ҳақидаги маълумотларни мустаҳкамловчи техник адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари билан солишириш учун имконият яратди. Матнларни илмий-ишлаб чиқариш фаолияти омиллари ва хизмат кўрсатилаётган мутахассислар информацион эҳтиёжларининг ўзига хос хусусиятлари билан таққослаш, техник адабиётларнинг ҳақиқий қимматини ва ундан турли мутолаа жараёнларида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш учун йўл очди.

Бироқ бирон-бир илмий ёки техникавий ғояни ривожлантириш ва уни амалга татбиқ этиш чоғида юзага келувчи муайян мутолаа жараёнлари ҳам хабарларни маъно жиҳатидан тўғри идрок этиш омиллари билан белгиланади. Улар ҳужжат муаллифининг матн ортида турувчи илмий-ишлаб чиқариш фаолияти билан китобхон фаолияти ўртасида сўзлар ёрдамида алоқа ва муносабатлар ўрнатилишига имконият яратади. Шу тариқа мутолаа жараёнини нафақат мутахассисларнинг информацион эҳтиёжлари хусусиятларидан келиб чиқиб, балки уланинг информацион имкониятлари нуқтаи назаридан ҳам тавсифлаш имконияти пайдо бўлди.

Шундай қилиб илмий-ишлаб чиқариш фаолияти жабхасида юзага келувчи муайян мутолаа жараёнлари мутахассисларнинг бир-бири билан адабиётлар воситасида мулоқот қилиш жараёнлари ҳисобланиши аниқланди. Бу жараёнларнинг қайси бири кўпроқ юз беришини аниқлаш учун мутахассисларнинг информацион эҳтиёжлари хусусиятлари ва уларнинг информацион тайёргарлик даражаси (яъни информацион имкониятлари)нинг энг кўп учрайдиган уйғунликларини таҳлил қилиш лозим.

Бундай уйғунликлар, биринчидан, адабиётларга мурожаат этишининг илмий-ишлаб чиқариш фаолияти объектив омилларининг бевосита субъектив инъикоси ҳисобланадиган ва мутолаа мотивлари ва мўлжалларида

ифодаланадиган мақсадлари билан, иккинчидан эса, ахборотни идрок этиш ва ўзлаштиришга китобхоннинг ҳозирлик даражаси билан тавсифланади.

Профессионал мутолаа муаммоларига доир назарий тадқиқотлар билан бир қаторда илмий-ишлаб чиқариш фаолияти чоғида юзага келувчи муайян мутолаа жараёнларини амалий ўрганиш ҳам амалга оширилди. Уларни ҳар хил нуқтаи назардан тавсифлаш ва шу билан бир вақтда анча осон намоён бўлувчи белгилар ёрдамида мутолаа жараёнларининг асосий хусусиятлари, чунончи:

- зарурый ахборот хусусияти (изланаётган маълумотлар тематикасининг ўзига хос хусусиятлари);
- адабиётларга мурожаат этиш мақсадлари;
- китобхоннинг информацион имкониятлари даражаси (хабардорлик даражаси, китобхонлик тажрибаси, муаллиф фаоллиги);
- кутубхоначилик-библиография ресурсларида мўлжал олиш даражаси, ахборот бериш йўллари ва воситаларидан хабардорлик даражасини аниқлаш мумкин экан.

Шу тариқа кутубхоначилик-библиография хизматлари кўрсатишнинг турли мутолаа жараёнларида техник адабиётларни баҳолаш ва танлаш билан боғлиқ бўлган амалий методикаларини ишлаб чиқиш учун асослар яратилди.

Техник адабиётларни мутолаа қилишни коммуникатив жараён сифатида ўрганишдан мутахассисларнинг хабардорлик даражасини оширишга унинг таъсир кўрсатиш механизмини тадқиқ этишга ўтиш, профессионал мутолаа муаммоларини ўрганиш борасида ташланган навбатдаги қадам бўлди. Техник адабиётларни мутолаа қилишни ижтимоий ва психологик жараён сифатида ўрганиш коммуникация ҳодисалар ўртасидаги умумий алоқа турларидан бири, аникроқ айтганда, йўналтирилган алоқа тури эканлигини кўрсатди.

Шу нуқтаи назардан профессионал мутолаа энг муҳим элементларидан бири ҳисобланувчи коммуникация механизмининг моҳияти муаллиф ва китобхон ўртасида ўзаро ахборот алмашибдан иборатdir. Айни шу сабабли уни профессионал мутолааининг нафақат ахборот узатиш, балки уни ўзлаштиришга ҳам бевосита ва билвосита таъсирини ўрганмасдан тўла тушуниш мумкин эмас (“таъсирининг самарадорлиги” ҳодисаси). Бунда таъсирининг самарадорлиги деганда матнни ўқиш натижасининг манбада ифодаланган ғояга нисбати тушунилади. Бу нисбат коммуникация жараёни кечадиган шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқ.

Профессионал мутолаа таъсирининг самарадорлиги кўпгина омиллар билан белгиланади, шу сабабли тадқиқот жараёни дастлаб уларнинг илмий-ишлаб чиқариш фаолияти шароитида коммуникация жараёнининг юз бериш механизмларига ва мутахассисларнинг хабардорлик даражаси ўзгаришида акс этувчи мутолаа натижасига таъсирини аниқлаш ва қиёсий таҳлил қилишга қаратилди. Бундан ташқари, профессионал мутолаа жараёнини ўрганишнинг мазкур мўлжалини амалий мақсад – профессионал мутолаани рағбатлантириш муаммоларини бошқарув вазифаси сифатида ечишни ҳам белгилаб берди.

Техник адабиётларни мутолаа қилишни ўрганишга нисбатан бундай “бошқарувчилик” ёндашуви профессионал мутолаанинг қуидаги асосий элементларини ҳар хил нұқтаи назардан таҳлил қилишни тақозо этди:

1) китобхон бошқарувнинг мақсадли обьекти сифатида ва унинг илмий-ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян ва мунтазам ўзгарувчи шароитларида иш кўрувчи шахс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари;

2) кутубхоначилик-библиография ресурслари профессионал фаолият учун зарур маълумотларни ўзида мужассамлаштирган воситалар тизими сифатида уларни идрок этиш ва тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари нұқтаи назаридан;

3) кутубхоначилик-библиография ресурсларидан ахборотни истеъмолчига етказиб беришнинг йўллари ва воситалари коммуникация тизими элементлари ўртасидаги алоқа каналлари сифатида.

Профессионал мутолаанинг дастлабки икки элементини ўрганиш борасида анча кўп ишлар амалга оширилган бўлса, учинчи элементни ўрганиш, одатда, кутубхоначилик-библиография хизматлари кўрсатиш шакллари ва усуллари ҳамда уларнинг ахборот узатиш воситалари сифатидаги имкониятларини таҳлил қилиш билангина чекланади.

Айни вақтда мутолаани рағбатлантириш шакллари ва усулларининг мумкин қадар кўпроқ миқдоридан фойдаланиш яхши самара бермайди, бу эса китобхонга кўрсатиладиган таъсирни сусайтиради ва пировард натижада илмий-ишлаб чиқариш фаолиятининг даражасида ўз аксини топади. Шу сабабли ҳозир энг муҳим муаммолардан бири – мутолаани китобхонлар ва ҳамкасб-муаллифлар ўртасидаги ўзаро алоқа жараёни сифатида изчил ўрганишдан иборат бўлиб, унда кутубхоначилик-библиография ресурслари (техник адабиётлар, уларни китобхонларга етказиш шакллари ва усуллари) нафақат мутахассисларнинг илмий-ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур маълумотларни олиш воситаси сифатида, балки коммуникация субъектларининг бир-бири ва ахборотни турли алоқа каналлари орқали узатиш воситалари билан ўзаро алоқасини ҳисобга олган ҳолда ҳам қаралиши лозим.

Профессионал мутолаа жараёнида китобхонлар ва муаллифнинг ўзаро алоқаси механизмининг таҳлили бу ўзаро алоқасининг барча иштирокчилари доим ҳам ҳисобга олинавермайдиган мураккаб жараён эканлигини кўрсатди. Масалан, кутубхонашунослик ва библиографияшуносликда китобхон ва китобнинг ўзаро алоқасини ўрганиш концепцияси етакчилик қиласи, библиографик фаолият эса фақат акс эттирувчи тизим сифатида қаралади.

Мутолаани коммуникатив жараён сифатида кенгроқ ўрганиш коммуникация жараёнининг ўзи китобхон ва муаллифлар ўртасида юз беришини кўрсатди: адабиётларни мутолаа қилиш натижасида китобхонда мутахассис-ҳамкасларининг илмий-ишлаб чиқариш фаолияти хусусияти ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Мазкур концепцияга биноан, кутубхоначилик-библиография фаолияти мутолаани бошқариш, мутахассисларнинг илмий билиш жараёнини тартибга солиш борасидаги уларнинг ижодини тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи фаолият сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, муаллиф ва китобхон ўртасидаги ўзаро алоқа жараёнини синчиклаб ўрганиш ўз ижтимоий-психологик хусусиятларига эга бўлган бир нечта ҳар хил элементларни фарқлаш имконини берди:

1) муаллифнинг замонавий билим билан ўзаро алоқаси. Бу алоқа ижодий фаолият жараёнида юз беради ва ахборот тақчиллигини аниқлаш ва юзага келтиришда, муаллифи бир вақтнинг ўзида ҳам мутахассис ва ҳам китобхон сифатида амал қилувчи ҳужжатларнинг яратилишида намоён бўлади;

2) муаллифнинг ноширлик-таҳрир бўлинмаси ёки илмий-техникавий ахборот бўлими ходимлари билан ўзаро алоқаси. Бу алоқа натижаси ўлароқ ҳужжат эълон қилинади ёки ундан воз кечилади, ҳужжат сақланади ёки мазмуни бузиб кўрсатилади, унинг сифати яхшиланади ёки ёмонлашади;

3) муаллифнинг ҳужжатда қайд этилган ахборотни баҳолаш ва қайта ишлаш амалга оширилувчи тармоқ ахборот марказлари билан ўзаро алоқаси. Бунинг натижасида ҳужжатни у ёки бу библиографик қўлланмада акс эттириш ёки ундан воз кечиш масаласи ҳал қилинадики, бу ҳам у ҳақдаги ахборотнинг хусусиятига ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади;

4) муаллифнинг “ҳужжат – китобхон” коммуникатив жараёнида воситачи бўлган кутубхоначи-библиограф билан ўзаро алоқаси. Бунинг натижасида китобхоннинг информацион эҳтиёжлари, унинг мураккаблик даражаси ҳар хил бўлган матнларни идрок этиш ва тушунишга нисбатан тайёргарлик даражаси ҳақида воситачининг тасаввурлари ойдинлашади ва изланишга кўрсатма таърифланади;

5) кутубхоначи-библиографнинг библиографик ресурслар тизими билан алоқаси. Бунда изланишга берилган кўрсатмани китобхоннинг информацион эҳтиёжлари хусусияти ва имкониятлари билан таққослаш ҳамда изланишга берилган кўрсатмага аниқлик киритиш, шунингдек информацион эҳтиёжларни янада тўликроқ қондириш учун библиографик ресурслар тизимининг потенциал имкониятларини таҳлил қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.

Бу ўзаро алоқа жараёнларининг ҳар бири уларнинг юз бериш хусусияти ва натижасига таъсир кўрсатувчи муайян ижтимоий мухитда амалга ошади. Масалан, ҳужжатни яратиш жараёнида унинг мазмуни хусусиятига тармоқ ёки йўналишнинг ривожланиш даражаси, ҳужжат яратилган фаолият соҳаси ва босқичи ва бошқа шунга ўхшаш омиллар таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, профессионал мутолаа жараёнида матн маъно жиҳатидан кўрсатувчи таъсирнинг самарадорлиги субъектив омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Боз устига, улар илмий-ишлаб чиқариш фаолияти объектив вазиятининг хабарни тайёрлаш ва узатиш чоғида юзага келган барча элементлари тўғри акс эттирилишини белгилайди. Ахборот манбалари (айни ҳолда ҳужжат матни) нафақат мазмунни ифодалаши, балки муаллифнинг асл мақсадлари ва ниятларини тўғри ва теран тушунишга кўмаклашиши лозим.

Ҳар қандай тармоқ ҳужжати матнида, унинг ҳажми ва хусусиятидан қатъи назар, куйидаги “қатламлар” ёки мулоҳазаларни фарқлаш мумкин:

1. Мулоҳазаларнинг умумий қатлами – хабарнинг бош ғояси ва мақсади (унда нима ҳақида сўз юритилиши).

2. Мулоҳазаларнинг концептографик ёки тушунчалар қатлами – хабарнинг бош ғояси ёки мақсадини ёритувчи асосий мулоҳазалар (нималар айтилиши).

3. Мулоҳазаларнинг фактографик қатлами (омиллар қатлами) – асосий мулоҳазалар, хабарнинг бош ғояси ва мақсадини ёритувчи ва тасдиқловчи жами faktik материал (бу қатламни шартли равишда “тафсилотлар ва тавсифлар” деб номлаш мумкин).

4. Шакл ҳосил қилувчи қатлам – матн мазмунининг умумий фони. У муаллиф тили, услуги, материални баён этиш услуги, жанр ва шу кабиларни, яъни матн мазмунининг таркибий-мантиқий, лингвистик ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ барча хусусиятларни тавсифлайди. Турли матнларни таркибий-мантиқий уюштириш вариантлари матн хусусиятлари, унинг ҳажмига, яъни мулоҳазалар сони ва уларнинг хусусиятига ҳам боғлиқ бўлади.

Мутолаа жараёнининг умумий қонуниятларини аниқлаш принципи мутолаа психологияси масаласини ечишда анча яхши самара беради. Шу сабабли маъно воситасида изчил таъсир кўрсатишнинг бирон-бир натижаси амалда мавжуд бўлган, бу жараён доирасида коммуникатор билан реципиент ўртасида тўғридан-тўғри ва тескари ўзаро алоқалар йўлга қўйилган тақдирдагина коммуникация жараёни юз берган деб ҳисоблаш мумкин.

## 7.2. Бадиий адабиётни ўқиши ва ўзлаштириши психологияси.

Бадиий адабиётни идрок этиши – ўта мураккаб психологик жараён. У ўз динамикасида муайян босқичлардан ўтади. Бу жараёнларни аниқлаш ва ўрганиш идрок этишнинг моҳиятини англаб этиши учун жуда муҳимдир.

Тадқиқотчиларни фикрича, бадиий адабиётни идрок этиши жараёнининг босқичли хусусиятга эга бўлган ҳозирги концепцияларида бу жараён одатда камидан икки босқичга ажратилади. Биринчи босқич бевосита идрок этиши босқичи деб белгиланади. Яхлит идрок этишда биринчи босқич жуда муҳим рол ўйнайди. Айни шу ерда китобхон асар қаҳрамонлари билан учрашади, бадиий образларни ўз кўз ўнгига гавдалантиради, айни шу босқичда китобхоннинг тасаввури ва сезгилари алоҳида аҳамият касб этади.

Иккинчи босқич, асарнинг ғоявий мазмунини тушуниш босқичи. Бу ерда идрок этишнинг эмоционал томонини чукурлаштирувчи китобхоннинг тафаккури ва интеллекти биринчи ўринга чиқади.

Бадиий адабиётни идрок этиши босқичлари ҳақида сўз юритганда, улар ўртасида мавжуд динамик ўзаро боғланишни яна бир карра қайд этиши лозим. Тадқиқотчи П.Русеев масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътиборни қаратади: “Бадиий идрок этишнинг қайд этилган босқичлари аниқ ва қатъий ажратилган ва уларнинг ҳар бири қонуний ва мустақил хусусият касб этади, деб ўйлаш ярамайди. Уларни изчил кетма-кетликда тасаввур қилиш хато бўлур эди... Бадиий идрок этиши жараёнлари чексиз даражада ранг-барангdir”.

Идрок этиш муаммоларини тадқиқ этишда унинг айрим таркибий қисмлари, элементларини, ҳар бир босқичга хос бўлган руҳий жараёнларни ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Ҳозирги тадқиқотчилар бу масалаларни ечишда бадиий асарни идрок этиш жараёни – бу китобхон шахсининг индивидуал хусусиятлари билан ҳам, асарнинг таркиби ва тузилиши билан ҳам белгиланувчи фаолият эканлигидан келиб чиқадилар. Тўлақонли идрок этиш руҳиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан бевосита боғланмайди. Одатдаги руҳий жараёнлар (тасаввур қилиш, фикрлаш, эмоциялар ва ҳ.к.) махсус билимлар ва кўнималар билан мураккаб ўзаро алоқаларга киришиб, китобхоннинг эстетик тажрибасида мужассамлашган тақдирдагина бадиий асарни аниқ идрок этишни таъминлаши мумкин. Бошқача айтганда, одатдаги руҳий жараёнлар мураккаб эстетик қобилиятларга айланиши лозим. Ўз-ўзидан равшанки, бу жараёнлар бадиий асар матнининг таҳлилига таянади.

Яна бир тадқиқотчи Л.Г.Жабицкая “қатламма-қатlam таҳлил қилиш” концепциясини илгари суради. Унинг фикрича, бу концепция мутолаа жараёнига ижодий ёндашувчи китобхонни шакллантириш вазифасига кўпроқ мос келади. У адабий-бадиий матнининг қуидаги қатламлари (ёки даражалари)ни фарқлайди:

- табиий тил қатлами;
- тасвиrlанаётган фактлар қатлами;
- ғоявий мазмун қатлами.

Тажрибасиз, эстетик жиҳатдан яхши ривожланмаган китобхонлар матнининг айрим қатламларинигина идрок этадилар, юксакроқ қатламлар уларнинг эътиборидан четда қолади. Агар бундай китобхонларнинг тасаввури яхши ривожланган бўлса, улар бадиий асарда тасвиrlанган “фактлар қатлами” (қаҳрамонларнинг қилмишлари, муносабатлар, воқеалар юз бераётган вазият ва ҳ.к.)ни ўз тасаввурларида яхши гавдалантирадилар.

Л.Г.Жабицкая ўтказган эксперимент бундай китобхонлар воқеаларнинг ривожланишини таҳмин қилувчи гипотезалар яратиши, бу гипотезалар қаҳрамонлар феъл-атвори мантиқига ҳам, ҳаётда воқеаларнинг ривожланиш мантиқига ҳам мувофиқ бўлишини кўрсатди. Бироқ бунда улар муаллиф талқинини умуман эътиборга олмайдилар. Мазкур китобхонлар тафаккури “фактлар қатлами”да ишлайди, бироқ ғоявий мазмун, муаллиф дунёқарashi, унинг фалсафаси ифодаланган қатламни четлаб ўтади.

Л.Г.Жабицкая фикрига кўра, бундай ўхшатишларнинг туғилиши асарни яхлит англаб етиш даражасида идрок этишнинг муҳим омилларидан биридир. Кўрсатилган фонд қанча бой ва китобхоннинг бадиий матнни талқин қилиш тажрибаси қанча катта бўлса, идрок этиш даражаси шунча теран ва фалсафий бўлади. Бироқ бадиий асар шундай бир ягона, яхлит тизимки, унда ғоявий мазмун умумий мазмуннинг олий қатламини ташкил этиб, айни вактда бутун тизимга ўз таъсирини кўрсатади ва унинг ҳар бир қатламида акс этади.

Ёзувчилар услубидаги фарқларни таҳлил қилишни талаб этувчи масалалар, агар улар тилнинг ташқи хусусиятларига, аниқроғи ёзувчининг ўзига хос интонациясини ифодалашга тегишли бўлса, ҳатто катта мактаб

ёшидаги ўсмирларни ҳам боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Муаллифнинг услуби, одатда, “ёркинлик”, “рангларга бойлик”, “сержилолик” тушунчалари орқали ифодаланади. Лингвистик воситаларни ёзувчининг эстетик идеали, унинг дунёқарашини тавсифловчи воситалар сифатида таҳлил қилиш мактабда ҳам, кутубхонада ҳам кам амалга оширилади.

Мутолаани рағбатлантириш методикасида китобхоннинг эстетик тажрибасини шакллантиришга қаратилган усуллар бисёр. Булар сўз ёрдамида оғзаки тасвирилаш, ижодий кўрсатиш, театрлаштириш, кўп сонли ижодий изланиш ўйинлари ва х.к. Л.Г.Жабицкая ўтказган тадқиқот бу методик усуллар, шунингдек бадиий адабиётни мутолаа қилиш жараёни замирида матннинг тўлақонли, ижодий таҳлили ётиши лозимлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Таҳлил – мутолаа жараёнида юзага келган туйғулар, фикрлар, тасаввурда уйғонган манзараларни текширувчи иш. Таҳлил – китобхонни унинг ўз таассуротларидан асар муаллифи, унинг нуқтаи назари сари олиб борувчи йўл. Уни эгаллаш учун китобхон маълум эстетик тажриба орттириши, маҳсус билимларни ўзлаштириши лозим.

Бу ерда кўп сонли экспериментал маълумотларга таяниб идрок этишнинг ҳар бир босқичида “ишлайдиган” психологик механизmlарни аниқ фарқлаган ва бу маълумотларни матн таҳлили билан бирлаштириб, мазкур механизmlарни рағбатлантириш, уларни китобхоннинг эстетик тажрибасига айлантириш юзасидан муайян тавсиялар берган О.Н.Никифорованинг материаллари ва тадқиқотлари кутубхоначига катта амалий ёрдам бериши мумкин.

Идрок этишнинг биринчи тасаввурлар, яъни китобхоннинг асарда ифодаланган образларни тўғри тасаввур қилиш қобилияти идрок этишнинг энг муҳим механизми ҳисобланади. Китобхоннинг бу қобилияти, ўз навбатида, унда гавдалантирувчи тасаввурнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Мазкур босқичда шахс онгининг эмоционал-ҳиссий томони табиий равишда фаоллашади, О.Н. Никифорова таъбири билан айтганда, “китобхонларнинг эмоционал-иродавий фаоллиги” кучаяди. Мутолаани рағбатлантириш амалиётида тадқиқотчи бадиий асарда фарқлаган “мўлжаллар”дан фаол фойдаланиш мумкин. Муаллиф ўтказган эксперимент бу “мўлжаллар” гавдалантирувчи тасаввурнинг ижодий фаоллигини рағбатлантириши ва йўлга солишини тасдиқлади. Булар асар жанри ва умумий хусусияти, воқеалар юз берувчи жой ва вақт, асарнинг асосий қаҳрамонлари, муаллифнинг уларга нисбатан эмоционал муносабатидаги “мўлжаллар”дир. Тадқиқот мазкур “мўлжаллар” китобхоннинг эмоционал фаоллик механизмини ҳаракатга келтирувчи бош омил эканлигини кўрсатди. Тасаввурнинг бу ижодий иши китобхоннинг ҳаётий тажрибаси билан бирикуви, Никифорова фикрига кўра, образли хулосалар юзага келишига, яъни идрок этиш жараёнидаги ўта муҳим босқич – тасаввурда асар образлари гавдаланиши ва уларга ҳамдардликнинг юзага келишига кўмаклашади.

Бадиий асарнинг умумий ғоявий-эстетик мазмунини тушуниш босқичида муҳим руҳий жараён – фикрлаш биринчи ўринга чиқади. Фикрлаш

тасаввур ва сезгилар фаолиятини йўлга солади ва теранлаштиради, улар онгли, идрок этилган нарсалар эса – яхлит хусусият касб этишига имконият яратади. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, бадий асарларни тушуниш масаласи етарли даражада тўла ўрганилган, деб айтиш мушкул. Тушунишнинг моҳияти турли муаллифлар ҳар хил талқин қилиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Тушунишнинг О.Н.Никифорова таклиф қилган талқини, бизнингча, мутолаани рағбатлантириш жараёни учун айниқса самаралидир. У тушунишга амалий нуқтаи назардан ёндашиб, адабий асар ҳақида мулоҳаза юритишнинг асосий босқичлари ва фикрлаш амалларини белгилайди:

- 1) Образларнинг тушуниш учун муҳим ғояларини аниқлаш;
- 2) Энг муҳим образларнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилиш;
- 3) Колган барча образларни энг муҳим образларга таққослаб таҳлил қилиш;
- 4) Асарнинг ғоявий-бадий мазмунини бажарилган барча амаллар синтези сифатида аниқлаш.

Кутубхоначи бу жараёнларни таклиф қилинган кетма-кетликда олиб, китобхонни “мўлжаллар лабиринти” орқали китобни яхлит, эстетик ўзлаштириш сари ишонч билан бошлаб боради.

8-боб. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда бадий-оммавий тадбирлар сценарийларини тузиш услублари.\*

- 8.1. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда бадий-оммавий тадбирлар сценарийсини тузиш услублари.
- 8.2. Сценарийда иллюстрациялаштириш ва театрлаштириш усулларидан ҳамда кўргазмали материаллардан, техника воситаларидан фойдаланиш.

8.1. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда бадий-оммавий тадбирлар сценарийсини тузиш услублари

Бадий-оммавий тадбирларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда бадий-оммавий тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга. Бадий- оммавий тадбирлар китобхонларга керакли ахборотлар бериш, уларни бадий –эстетик завқлантириш, маданий-ижодий ишга жалб қилиш ҳамда уларни мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун ёрдам беради. Бу тадбирлар, асосан оғзаки журнал, турли кечалар, мунозаралар, китоб тақдимотлари, учрашувлар ва бошқалардан иборатдир. Шу билан бирга бадий-оммавий тадбирлар ижтимоий характердаги йирик саналарга

махаллий ҳаётдаги муҳим воқеаларга бағишланиб, улардаги ўзгаришлар ва ютуқлар моҳиятини очиш, турмушдаги ҳар хил холатларни ёритишга ҳам бағишиланган бўлиши мумкин. Хулоса қилиб айтганда, бадиий-оммавий тадбирлар хаётимизнинг энг долзарб масалаларига бағишиланади.

Бадиий-оммавий тадбирларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларини билиш шу соҳага оид билимларниэгаллашга аниқлик киритади, тадбирлар моҳияти ва характерини тўлароқ ёритибберишга ёрдам беради.

Ўзига хос хусусиятлар деганда, ходисаларни бир-биридан ажратиб турадиган, факат бир ходисанинг ёлғиз ўзига тегишли бўлган хусусий белгилари ва томонлари тушунилади. Лекин ўзига хос хусусиятлар бир ҳодисанинг якка ўзини ўрганиш билангина аниқланмайди. Балки бир неча ҳодисаларни бир- бирлари билан солишириб кўрилганда, уларнинг аввал умумий, кейин эса хусусий томонларини топиш мумкин бўлади.

Бадиий-оммавий тадбирларнинг хусусиятларини аниқлаш учун уларни санъат, оммавий ахборот турлари билан таққослаб кўрилади. Чунки бадиий-оммавий тадбирларнинг театр спектаклари, концерт дастурлари, кинофильм ва радиоэшиттиришлари, телекўрсатувлар билан умумий бўлган ҳамда улардан ажралиб турадиган ўзига хос томонлари бор. Улар қуидагилардир:

\* Ушбу бобни ёзишда Усмон Қорабоевнинг “Бадиий-оммавий тадбирлар:”  
Т.: 1986 йил. ўкув қўлланмасидан ижодий фойдаланилди.

- Бадиий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг биринчи асосий хусусияти шундан иборатки, у кундалик ҳаётнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади ва ундаги муҳим ва дикқатга сазовор воқеаларни тадбир сифатида уюштиради. Аҳолини бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш асосан маданий-маърифий муасасаларнинг, шу жумладан АРМ, АКМ ва кутубхоналар зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам уларни ишдан ёки ўқишдан бўш вақтларида ҳаётнинг муҳим дақиқаларини ва меҳнат ютуқларини нишонлаш, ҳамда уларни адабиётга ва ахборотга бўлган эҳтиёжларини, бадиий –эстетик завқларини қондириш учун бадиий-оммавий тадбирлар уюштирилади. Аҳолини бўш вақтларида уларнинг билимларини ошириш учун оғзаки журнал, ҳордиқ чиқаришлари учун дам олиш кечалари, бирон буюк сана ёки меҳнат ютуғини нишонлаш учун байрамлар каби тадбирлар ташкил қилинади. Бу тадбирлар эса маҳсус ўйлаб топилмайди. Уларни ҳаётни ўзи, кишиларни маънавий эҳтиёжи бевосита тақазо қиласи ва шуларга биноан тадбирлар ташкил қилинади. Кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирлар реал хужжатли материаллар билан боғлиқ холда акс эттирилади. Албатта, улардаги барча ҳаётий материаллар бадиий-эстетик безатилиб, маданий тадбир шаклига келтирилади.
- Бадиий-оммавий тадбирларнинг иккинчи хусусияти шундан иборатки, у бир марта ташкил этилиб, асосан бир марта намойиш қилинади. Чунки

улар асосан маълум ва мухим саналарга бағишлангани учун фақат белгиланган кунда ёки унинг арафасида ташкил қилинади. Кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирларни деярли ҳаммаси худди шу хусусиятга эга. Фақат баъзи бир мавзули тадбирлар ҳар хил жойларда бир неча маротаба ўтказилиши мумкин. Лекин маълум муддатдан кейин, албатта бошқа дастур тузилади. Шунинг учун ҳам кутубхоналарда ўтказилган тадбирларни сценарийсининг иккинчи тадбирга қўллаш мумкин эмас.

- Бадиий-оммавий тадбирларнинг учинчи хусусияти шундан иборатки, улар асосан махаллий аҳоли учун, уларни реал хаётидан олинган материаллар асосида тузилади. Тадбирларда акс эттириладиган материаллар аниқ туман ёки шаҳар хаётидан олинади. Буюк саналар, давлат арбоби ва ёзувчиларга бағишлиб ўтказиладиган тадбирларни ҳам махаллий аҳоли хаётига яқинлаштириб ўтказиш мақсадга мувофиқдир.
- Бадиий-оммавий тадбирларнинг тўртинчи хусусияти шундан иборатки, уларда жуда кенг кўламда таъсирchan воситалар синтезлаштирилади. Тадбирлар реал хаётнинг ўзини ташкил қилиши билан бирга, ундаги мухим воқеалар ўз мазмунига сингдирилади. Уларнинг моҳиятини очиш ва аҳамиятини ёритиш учун таъсирchan воситаларга мурожаат қилинади. Тадбирда мазмун маълум бир композицион тузилиш ҳолатига келтирилиши учун ундаги барча баён қилиш ва таъсирchan воситалар ҳам бир-бирлари билан бирлаштирилади, уйғунлаштирилади. Акс ҳолда, тадбирнинг мазмуни пуч, шакли эса самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Маълумки, кутубхоналардаги бадиий- оммавий тадбирларнинг деярлик барчasi китобхонларга ахборот бериш ва уни тарғиб этиш характеристига эга. Улар “куруқ” ва “зерикали” бўлиб қолмаслиги учун уларни мантиқ талаб қиласидиган таъсирchan воситалар билан бойитиш лозим. Нотиқнинг оғзаки нутқи ёки тадбирдаги хужжатли ахборот материалларни бадиий воситалар билан бирлаштириш-бу тадбирнинг таъмирчанлигини ва самарадоролигини оширади.
- Бадиий-оммавий тадбирларнинг бешинчи мухим хусусияти-бу оммани тадбир қатнашчисига айлантиришdir. Кутубхоналарда уюштириладиган тадбирларни оммавий деб аташни боиси шундан иборатки, у омма учун уюштирилади ва оммани иштирокида ўтади. Албатта, тадбирда ҳаммани бирдай фаол қатнаштириш қийин. Унинг асосий қатнашчилари- олдиндан белгилаб қўйилган бадиий ҳаваскорлик жамоалари аъзолари ҳамда сўзга чиқадиган кишилардир. Лекин тадбир ташкилотчиси бу асосий қатнашчилар билан кифояланиб қолмасдан,балки тадбир иштирокчиларни ҳам фаоллаштириш йўлларидан фойдаланиши керак. Бунинг учун тадбир иштирокчилари ўртасида оммавий ўйинлар, қўшиқлар, викториналар, савол-жавоблар каби маҳсус тадбирлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Бадиий-оммавий тадбирларни тайёрлаш жараёни ва услуби.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда бадиий-оммавий тадбирларни тайёрлашда энг мухим жараён-уни режалаштиришdir. Маълумки

кутубхоналардаги барча тадбирлар йиллик, чорак ва ойлик режаларда ўз аксини топади. Уларга биноан маълум иш бошланади ва охирига етказилади.

Бадий-оммавий тадбирлар тайёрлаш жараёни хақида сўз юритар эканмиз, аввало унинг драматургияси –сценарийсига эътибор қиласиз. Театр санъатининг асоси (пьеса) бўлганидек, бадий-оммавий тадбирлар негизида ҳам сценарий ётади.

Сценарий – итальянча сўз бўлиб, асарнинг схемаси, режаси деган тушунчани билдиради. Бадий-оммавий тадбирлар сценарийси- бу кенг маънода ҳаётий ва хужжатли материалларнинг бадийлаштирилган адабий-публистик шакли демакдир.

Сценарий –бу тадбирни яратиш учун асосий адабий манба бўлиб, унда энг аввал, асрнинг мазмуни, композицион тузилиши акс эттирилади. Шунингдек, сценарийда тадбир ўтказиладиган жой (ўқув зали, сахна, майдон )нинг безатилиши, қатнашчиларнинг сўзларининг матнлари, бадий ва хужжатли материаллар, фойдаланилайдиган таъсирчан воситалар баён қилинади. Сценарийнинг пухта бўлиши бўлажак тадбирнинг энг асосий ютуқларидан биридир. Сценарийнинг бўш ёзилиши эса, тадбирни механик қимлар умумлашмасига, ягона сюжетнинг бузилишига, ғоявий мазмуннинг тўла ёритилмаслигига олиб келади.

Кутубхоналарда оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни билан асосан қутубхоначининг ўзи шуғулланади. Йирик кутубхоналарда “оммавий ишлар бўлими ёки шульбаси” мавжуд бўлса, шу бўлим ходимлари шуғулланадилар. Лекин, кўпинча, катта тадбирни тайёрлашда сценарий ёзишга адабиёт билан шуғулланувчи, бу ишда яхши малакага эга бўлган ижодкор таклиф қилинади.

Сценарий ёзиш билан ким шуғулланмасин, у қуйидаги лаёқатларга эга бўлмоғи лозим:

- а) ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётни, махаллий аҳоли меҳнати ва турмушини, кутубхона хизмат кўрсатадиган муассасанинг асосий вазифаси ва йўналишларини чуқур тушуна оладиган ҳамда уни тўғри таҳлил қила оладиган шахс бўлмоғи;
- б) адабиёт ва айниқса, драматургия соҳасида билимга эга бўлган, улардан самарали фойдалана оладиган киши бўлиши;
- в) ҳаётий материалларни, хужжатли фактлари йиға оладиган, уларни адабий-бадиий шаклда баён қила биладиган ижодкор бўлмоғи лозим.

Энг муҳими, сценарист ҳаётий ва адабий материаллардан фойдаланиб, бадиият қонуниятлари асосида, ўз ғоясига, мазмунига эга бўлган янги асарни яратса оладиган ижодкор бўлмоғи лозим.

Тадбир сценарийсини яратишда бир қанча босқичлар мавжуд.

Аввало, сценарий асосида муҳим ижтимоий ва ва қизиқарли мавзу ётиши керак. Мавзу-бу фикр- мулоҳаза юритиш учун танланган объект, ҳаётнинг маълум масалалари, муаммолари. Одатда, тадбир бирон санага бағишлиб уюштирилаётганда, унинг умумий мавзуси ўз-ўзидан вужудга келади. Масалан, 8 Март куни ташкил қилинадиган тадбир албатта хотин- қизлар мавзусига бағишлиган бўлади. Лекин бир тадбирнинг ўзи билан хотин-

ояқизлар мавзусини тўлиқ ёритиб бўлмайди. Шунинг учун умумий мавзуни ҳар доим аниқлаштириб, унинг муҳим ва қизиқарли бўлагига дикқатни жалб қилмоқ лозим. 8 Мартга бағишлиган тадбирга аниқ мавзу сифатида хотин-қизларнинг ўтмиши, қаҳрамон оналар ҳаёти ёки шифокор қизларнинг меҳнати асоси бўлиши мумкин.

Мавзу аниқлангач, ғоя, яъни тадбир нима мақсадда ўтказилаётганлиги ҳақида ўлаш лозим.

Фоя- бу тадбирда илгари суриладиган асосий ижтимоий фикр, мақсаддир. Мақсаднинг нималиги ғояда ифодаланади. Ғоя тадбирнинг охиридагина ойдинлашиши керак. Шунга эришиш керакки, тадбир давомида тлмошабинлар ижтимоий ғоя ҳақида, унинг асосий фикри ҳақида ўйласин, қизиқиши ортсин. Амалда эса кўпгина ташкилотчилар ғояни тайёр кўринишида, тадбирнинг бошланишидаёқ бериб қўйишади. Бу эса тадбир иштирокчисини унга бўлган қизиқишини камайтиради, тадбир қимматини пасайтиради.

Мавзу ва ғоя аниқлангандан кейингина сценарий режаси тузилади. Сценарий режаси эса тадбир мавзуси ва ғояси асосида вужудга келган мазмун тарзда шаклланади.

Мазмун- бу асарнинг умумий маъноси, мағзи. Тадбир мазмуннинг воқеалар занжири бўлиб, у воқеа харакатларида ривожланиб боради. Масалан, “Мустақилликнинг шонли 16 йили” номли хроника кечаси мазмунида Мустақил Ўзбекистон Республикасини биринчи қунидан ҳозирги давригacha бўлган воқеалар ёритилиши мумкин. Агар биз тадбирда 16 йил ичидаги Республикаизда бўлган ҳамма воқеаларга тўхталашиб бўлсан, унда жуда кўп вақт талаб этилади. Шунинг учун дикқатни энг муҳим воқеаларга жалб қилиб, уларни қисқача ёритиб ўтиш лозим бўлади. Ҳар бир тарихий воқеани тадбирнинг бир эпизодида акс эттириш мумкин. Эпизодлардан тузилган воқеаларни эса ягона мазмун “занжири”га боғлаш керак.

Шу билан бирга ҳар қандай бадиий асар мазмунининг мағзи бўлиб хизмат қилган конфликтлиликни тадбирда ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Конфликт (қарама-қаршиликлар) мураккаб меҳнат фаолиятида, у ёки бу мақсад йўлидаги қийинчиликларда пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкин.

Мазмун ва конфликт аниқ танлангандан кейингина сценарий материалларини тўплашга киришиш керак.

Кутубхона бадиий –оммавий тадбирлари замонамизнинг глобал масалалари, фан соҳаларидаги янгиликлар, ижтимоий- иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар, янги бадиий асарлар тарғиботига қаратилган бўлиши, умуман, кутубхона ва ахборот муассасаларидан фойдаланувчиларни билим доираларини, дунёқарашларини кенгайтиришга хизмат қилиши керак.

## 8.2. Сценарийда иллюстрациялаштириш ва театрлаштириш усулларидан ҳамда кўргазмали материаллар, техника воситаларидан фойдаланиш.

Сценарийда тадбирларни ташкил қилиш усулларини белгилаш талаб қилинади. Ташкил қилиш усуллари деганда, тадбирни вужудга келтириш

учун қўлланиладиган усул ва воситалардан фойдаланиш тушенилади. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ишларидағи тадбирларда асосан икки хил усул- иллюстрациялаштириш ва театрлаштириш усуллари қўлланилади.

Иллюстрациялаштириш учули дейилганда- тадбирда санъат элементларидан фойдаланиш тушенилади. Театрлаштириш эса, мураккаб жараён бўлиб, аввало оммавий тадбирларни театр ва драматургия қонунлари асосида яратишни, уларга тарғибот ва ташвиқот характерини беришни талаб қиласди.

Иллюстрациялаш усули. Бу тадбирни бошқарувчини сўз мазмунига ва мақсадига мос келадиган турли-туман бадиий ва санъат воситаларидан фойдаланишидир. Иллюстрациялаштирилган тадбирда асосий ургу сўзга берилади. Бошқа материаллар эса уни кучайтириш ва тўлдириш учун хизмат қиласди. Мусиқа, қўшиқ, рақс, шеър, монолог, проза, кинокадрлар ва бошқа воситалардан иллюстрация сифатида фойдаланилади. Масалан, ҳаммага таниш бўлган “Ҳайвонат дунёси”, “Оlamга саёҳат” номли циклли теледастурларда бошқарувчи маълум мавзулар ҳакида сўз юритади, нутқининг мазмуни кўргазмали ва жонли бўлиши учун баён этилган воқеаларга оид кинолавҳалар кўрсатилади. Нутқ мазмуни тасвирий лавҳалар билан бойитилади. Бу мисол иллюстрациялашнинг типик усулидир. Бу усул кутубхона тадбирларининг деярлик барчасида, айниқса мавзули кечаларда, оғзаки журналларда кенг қўлланилади.

Театрлаштириш усули. Бу усул алоҳида мақсадга қаратилган, бадиий образли ташкил этилган, театр қонуниятлари асосида, драматургия талабларига жавоб бера оладиган тадбирларда ўз аксини топади. Бунда тадбир жараёнида қўлланиладиган барча ғоявий эмоционал воситалар ҳамда оғзаки чиқишлиар комплекс тарзда бирлашади ва ягона сюжет линиясини вужудга келтиради.

Театрлаштириш усулини асосий талаблари қўйидагилардир:

1. Театрлаштирилган тадбирларда, аввало, ягона ғоявий- бадиий сюжет ва композицион тузилиш бўлиши керак. Композицион сюжет-муққадима, асосий воқеа, тугун, воқеалар ривожи, кульминация ва финал каби компонентлардан ташкил топиши лозим.
2. Театрлаштирилган тадбирда фойдаланиладиган воситалар алоҳида ажралиб қолмасдан сюжетга сингиб кетиши, унинг ривожланишига ёрдам бериши керак. Шунинг учун унда сюжет мазмунига қараб керакли таъсирли воситалар мантиқан танланади.
3. Театрлаштирилган тадбирларда реал қаҳрамон образи ёки бадиий асарлардан олинган образлар киритилиши мақсадга мувофиқдир.
4. Театрлаштирилган тадбирларда омма оддий томошабин эмас, балки тадбир қатнашчисига айланиб кетиши керак.

Фақат юқорида қайд қилинган талаблар эътиборга олинган холда ташкил этилган тадбирларни театрлаштирилган тадбирлар деб аташ мумкин.

Бадиий-оммавий тадбирларни ғоявий эмоционал воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Воситалар тадбирнинг таркибий қисми, асосий компонентлари ва механизmlари сифатида хизмат қиласди.

Тадбир воситалари деганда, кишиларни ҳиссиётига, рухиятига ва онгига таъсир этувчи ва билим олиш самрадорлигини оширувчи ғоявий-хиссий қуроллар, асбоб-ускуналарни тушунамиз. Тадбирларда жонли сўз, матбуот, кўргазмали ва ҳар хил техника воситаларидан кенг фойдаланилади.

Жонли сўз. Асосий таъсирчан воситалардан бири- бу жонли (оғзаки сўз) сўздир. Жонли сўз ахборот-кутубхона хизмати тадбирларининг деярлик ҳаммасида энг асосий восита сифатида қўлланилиб, ўзгармас компонент сифатида хизмат қиласди. Кутубхоналарда ўтказиладиган бадиий-оммавий тадбирларда жонли сўз фақатгина мазмунни ёритишда хизмат қиласдан, балки сюжет билан оммавий харакатларни ҳам бир-бирига уйғунлаштириб боради.

Айнан жонли сўз воқеа маъносини томошабинга етказади, бир эпизодни иккинчисига боғлайди, бошқарувчининг аудитория билан мулоқатда бўлиши учун шароит яратади. Жонли сўзниң яна бир афзаллик томони шундаки, баъзан фикрни ҳеч қандай таъсирчан восита томошабинга етказиб бера олмайдиган дақиқаларда, жонли сўз ёрдамга келади.

Оммавий тадбирларда бошқарувчи сўзи асосий ўринни эгаллайди, баъзи ҳолларда эса кечанинг бошидан то охиригача етакчи восита сифатида қўлланилади. Тадбир давомида эса бошқарувчи, коментаторга, ҳикоячига ёки интервью берувчига айланиб, жонли сўздан фойдаланилади. Тадбирларда жонли сўздан фойдаланиш имконичтлари жуда кўп.

Жонли сўз бошқарувчининг гапидан ташкари, тадбир қаҳрамонининг нутқи ёки ундаги қатнашчиларнинг сўзи, кеча қаҳрамонига аталган табриклар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бадиий сўз. Бадиий сўз айтилмоқчи бўлган фикрни бадиий-эмоционал тарзда етказиб беришга хизмат қиласди. Кутубхоналарда ўтказиладиган кечаларда бадиий сўзниң шеър ўқиш, прозаик ва шеърий монологлар каби турларидан кенг фойдаланилади.

Бадиий сўзни вужудга келтириш учун бадиий асарлардан намуналар келтиришнинг ўзи камлик қиласди. Ёзма шеър- ёзма бадиий сўздир. Уни жонли бадиий сўзга айлантириб ижро этиш учун ижрочининг шеърдаги фикрга муносабати, руҳий кечинмалари, ҳис-ҳаяжони талаб қилинади. Акс холда шеърнинг оддий, жонли сўздан фарқи қолмайди. Яна шуни унутмаслик керакки, чуқур ангалш, фикрнинг туб мазмунига етказиб, ҳис-ҳаяжон билан айтилган ҳар бир жонли сўз бадиий сўзга айланиб кетиши мумкин.

Матбуот воситалари. Бадиий –оммавий тадбирларга китобхонлар янги, уларга ҳали маълум бўлмаган ва қизиқарли ахборотлардан хабардор бўлиши учун ҳам қатнашадилар. Бу ишда матбуот воситалари, янги газета ва журнallар ва турли мазмундаги китоблар манба бўлиши мумкин. Тадбирларда кўпроқ иштирокчиларнинг назари тушмаган материаллардан фойдаланишга харакат қилиш керак. Энциклопедик асарлар, маълумотномалар, турли луғатлар, илмий адабиётлар ва бошқалардан тадбирлар учун муҳим материалларни олиш мумкин.

Мусиқа. Бадиий-оммавий тадбирларда мусиқа ҳам еткачи ўринлардан бирини эгаллайди. Одатда тадбирлар учун бастакорларнинг тайёр

куйларидан фойдаланилади. Тадбирларда мусиқадан икки хил вариантда фойдаланиш мумкин:

1. Тадбирларни алоҳида номери сифатида;

2. Табирларда акс этаётган воқеаларнинг таъсирини ошириш учун қўшимча восита (мусиқавий фон) сифатида.

Биринчи вариантда бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг тайёр ёки маҳсус тайёрланган номеридан фойдаланилади. Кўпинча мусиқ ёки қўшиқ тадбирларда маҳсус номер сифатида қўлланилади. Бундай пайтда номер тадбир мазмuni ва мавзуига мос равишда эпизоднинг таркиби қисмига айланиб кетмоғи керак.

Иккинчи вариантда эса мусиқа кечанинг ғоявий мазмунига қараб танланди ва магнитофон орқали “фон” сифатида берилади. Мусиқадан фойдаланишнинг мазкур варианти тадбирларда жуда кенг қўлланилади. Масалан, шеър ўқилаётганда, кинолавҳалар кўрсатилаётганда, драматик парчалар ижро этилаётганда бу воситалар таъсиранликни ошириш мақсадида хизмат қиласи.

Мусиқа асосан тадбир таъсирини кучайтирувчи восита сифатида ҳам ишлатилиб, айтилаётган фикрнинг нозик кечинмаларини оммага етказиб беришга хизмат қиласи. Тадбир мазмунига қараб, мусиқали чиқишлиардан, мусиқали антрактлардан ва мусиқали яқунлашлардан фойдаланиш мумкин.

Кўргазмали воситалар. Тадбирларда кўргазмали воситалардан фойдаланиш ўзига хос хусусиятларга эга. У тадбир мазмунинин яхшироқ ёритилишига ёрдам беради, тадбир қатнашчиларининг кайфиятини кўтаради ва таассуротларини бойитади. Кўргазмали воситалардан кутубхонанинг деярлик барча тадбирларида фойдаланилади. Тадбир қатнашчиларини ilk бор таниширувчи воситалар- бу афишалар, эълонлар ва таклифномалардир.

Эълонларда фақат тадбир бўлиши ҳақидаги хабарнинг ўзинигина ёзиб қўйиш кифоя қилмайди, балки унинг тузилишига қараб кўргазмали безаш ҳам керак.

Тадбирларда карта, схема, диаграмма, плакатлар, шиорлардан ва саҳна харакатида фойдаланиладиган бошқа предметлар ҳам тадбир мазмунини очиб беришга ёрдам беради.

Техник воситалар. Ҳозирги кунда тадбирларни техник воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки тадбир маҳсус нур билан ёритилмаса, ёзиб олинган овозлар, шовқин –суронлар, мусиқалар билан безатилмаса, ташкил қилинаётган тадбир шакли кўримсиз бўлиб қолади. Шунинг учун тадбирларда техник воситалардан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллади.

Техник воситалар кўпинча бошқа таъсиран воситалар- кино, мусиқа, жонли нутқ ва ҳокозолардан фойдаланиш учун хизмат қиласи. Уларни яна бир вазифаси – саҳнага ҳар хил ранглар бериш, тасвиirlар тушириб, тадбирни гўзаллаштириш ва бадиий-ғоявий безашдан иборатдир. Ҳозирги кунда тадбирларда компьютер имкониятларидан кенг фойдаланиш яхши натижалар бермоқда.

## Хулоса

Республикамизда бозор муносабатларини шаклланиш даври ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимида ҳам, жаҳон амалиётида эришилган назарий ва амалий билимлардан кенг фойдаланишни таққозо этмоқда. Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш аввало истеъмолчилар қизиқишини ўрганиш тарихи, назарияси ва усуллари билан ҳар томонлама танишишни талаб этади. Шунингдек талабалар хозирда мавжуд ахборот-кутубхона тизими, унинг муаммолари ва ривожлантириш йўллари ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлишлари лозим.

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда асосий эътибор истеъмолчиларга якка ва оммавий хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларини ўзлаштириш, уни самарадорлигини ошириш йўлларини эгаллашдир. Бунда этика ва мулоқат масалалари ҳам атрофлича ўрганилиши зарурияти пайдо бўлади.

Ахборот- кутубхона хизматини амалга ошириш истеъмолчилар ва уларни ўқиши психологияси бўйича назарий ва амалий билимларни, иш услубларини эгаллаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш бир тарафдан технологик жараёнлардан иборат бўлса, иккинчи тарафдан бу ишлар ижодий, педагогик, психологик характерга эгадир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Халқ сўзи-1992.-8 декабрь.
- 2.“Республика ахолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” 2006 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // Халқ сўзи-2006.-20 июнь

### 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 1.Каримов И.А.Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мавфкура. 1-жилд. Т.:Ўзбекистон, 1996.
- 2.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.:Ўзбекистон, 1996.
- 3.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. Т.:Ўзбекистон, 1996.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.

#### Дарслик ва ўқув кўлланмалар

1. Библиотечное обслуживание: теория и методика: Учебник /Под ред. А.Я.Айзенберга.- М.: Изд-во МГУКИ, Изд-во ТОО “Либерия”, 1996.-200с.
2. Езова С.А. Границы библиотечного общения.- М.: Профиздат, 2002.-160 с.
- 3.Алтухова Г.А. Профессиональная этика библиотекаря: Учеб.пособие. 2-е изд., испр., доп.- М.: МГУКИ. ИПО “ Профиздат”, 2001. –112с.
4. Андреев О.А., Хромова Л.Н. Техника быстрого чтения.-Минск: Изд-во Белорусского ун-та, 1987.-224 с.
5. Рубакин Н.А. Психология читателя и книги: краткое введение в библиологическую психологию. –М.: Книга, 1997.-264с.